

**Зебо Қосимова**

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ**

**МЕТОДИКАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**Зебо Қосимова**

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

“5A210201-Психология (Дин психологияси)”

магистратура мутахассислиги талабалари учун

ўқув қўлланма

Тошкент–2019

Ушбу ўкув қўлланма олий ўкув юртлари “Дин психологияси” магистратура мутахассислигига таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан ўкув дастурига биноан мавзулар ёритиб берилган. Шунингдек, қўлланмада ҳар бир мавзу бўйича магистрантни педагогик фаолиятга касбий жиҳатдан йўналтиришга қаратилган ўкув материаллари, маъруза дарсларининг технологиялари, тест саволлари, мавзуни мустаҳкамлаш учун мунозара саволлари ва адабиётлар рўйхати келтирилган. Мазкур ўкув қўлланмадан шунингдек, педагогик фаолият билан шуғулланувчи ўқитувчи, мураббийлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Такризчилар:** *М.Мирқосимова –ЎзХИА “Дин  
психологияси ва педагогика” кафедраси  
мудири, педагогика фанлари доктори,  
профессор*

*Б.Ходжаев – ТДПУ “Умумий педагогика”  
кафедраси профессори, педагогика  
фанлари доктори, профессор*

*М.Акрамов -ТДПУ қошидаги “Психология”  
илемий-ўкув маркази лаборатория мудири,  
психология фанлари PhD фалсафа доктори*

*Мазкур ўкув қўлланма Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўқув-  
услубий кенгашининг 2019 йил 31 июлдаги 12-сонлий ишгилишида  
тасдиқланган ва наирга тавсия этилган.*

## ***КИРИШ***

“Махсус фанларни ўқитиши методикаси” фани магистрантларни педагогик фаолият, унинг мазмунни, ўқитувчи одоби ва унга қўйиладиган талаблар, педагогик фаолиятни замонавий таълим технологиялари асосида маҳоратли ташкил этиши йўллари хусусидаги долзарб муаммолар билан таниширади, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларга ҳамкаслар, ота-оналар ҳамда талабалар билан олиб бориладиган муносабатларнинг ўзига хос хусусият ва йўналишлари, уларга бола шахсининг шаклланиши, унда маънавий-ахлоқий сифатларнинг ҳосил бўлишига таъсири борасидаги назарий ва амалий билимларни беради.

“Махсус фанларни ўқитиши методикаси” фанини ўзлаштириш жараёнида магистрантлар ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, моҳияти, фаолиятнинг турли ҳолатларида ўқитувчининг муомала маданияти, талабалар билан алоқа ўрнатиши ва мулоқотга кириша олиш методикаси ва бошқа маълумотларга эга бўладилар.

Курсни ўқитиши жараёнида магистрантлар махсус фанларни ўқитиши методикаси, интерфаол методлар ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этишини билиши, малака ҳосил қилиши ва улардан фойдалана олиши;

- таълим-тарбия жараёнини бошқариш;
- талабаларда педагогик ташхис ўтказиш;
- таълим-тарбиянинг кенг тарқалган методларидан фойдаланиш;
- тарбиявий тадбирларни ташкил этиш, таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш;
- талабалар фаолиятини фаоллаштириш;
- педагогик техника ва уни шакллантириш усулларини қўллай олиш;
- педагогик тажрибани таҳлил қила олиш ва уни амалга ошириш;
- педагогик вазиятларни ва педагогик масалаларни ҳал қилиш технологиясини қўллаш;
- тарбия фаолияти технологиясини амалда қўллай олиш;

- ўқитишининг интерфаол методларидан фойдалана олиш;
- замонавий ўқитиши воситалари ва фаол ўқитиши методларини қўллаш билан махсус фанларнинг педагогик технологиясини лойиҳалаш каби кўникумаларга эга бўладилар.

Шунингдек, амалий машғулот ва лаборатория ишларида талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларга мувофиқ турли педагогик топшириклар бажарилади. Бу бўлажак олий таълим ўқитувчисининг шахсида амалий кўникумаларнинг шаклланиб боришини таъминлаб, уларнинг педагогик маҳорат ва педагогик техника асосларини эгаллаб олишига имкон яратади. Шу боис амалий машғулотларда нутқ маданияти асослари, педагогик усул ва воситалар ёрдамида шахсга педагог ва талаба ўртасида самарали мулоқот ва ўзаро алоқани йўлга қўйишга доир машқларни ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон халқаро ислом академиясида мавжуд “5A210201-Дин психологияси” мутахассислиги магистрантларини педагогик фаолиятга жалб қилиш ва уларда ўқитувчилик касбига оид билим, кўникум, малакаларни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб, “5210200-Дин социопсихологияси” бакалавр таълим йўналиши ўқув режасидаги ихтисослик фанларини самарали ўқитиши йўлларини ўргатишни назарда тутади. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабалар ўртасида дин психологияси доирасида педагогик вазиятлар яратилиб, уларни реал шароитдагидек талқин этиш, талабаларда ижодкорлик хислатларини тарбиялаш, педагогик масалаларнинг ижобий ечимини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар ва ижодий-ташкилий ўйинларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ўқув қўлланма орқали магистрантлар ўзларининг келгуси педагогик фаолияти давомида талабаларга дин ҳақида, унинг келиб чиқиши, дунё динлари тарихи, диннинг психологик илдизлари ҳақида билимлар берадилар. Маълумки, диннинг вужудга келиши, авлоддан-авлодга ўтиб бориши ва ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантирувчи омиллар унинг илдизлари деб аталади. Диннинг илдизлари уч қисмга бўлинади.

Уларнинг ҳар бири динни ўрганишда жуда муҳим. Бу қисмлар биргаликда диннинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратади. Улар қўйидагилардан иборат: 1) диннинг ижтимоий илдизи кундалик ҳаётда кишиларнинг турмушини белгиловчи моддий ва маънавий муносабатлар тизимидан иборат. Диннинг ижтимоий илдизида моддий шароитлар устувор. 2) диннинг гносеологик (грекча гносис - билиш, логос - таълимот деган маъноларни англатади) илдизи кишининг билиш фаолияти жараёнида диний эътиқоди вужудга келишига имконият яратадиган шароитлардир. 3) диннинг руҳий илдизи. Диннинг вужудга келишида кишининг билиш фаолиятига боғлик жараёнлар билан бирга унинг ҳиссиёти, кайфияти ва кечинмалари ҳам иштирок этади.

Диннинг илдизлари, уларнинг шакллари бу инсон хаётининг мазмуни билан хаёт кечириш, фаолият кўрсатиш жараёнлари билан узвий боғлик жараёндир. Шунинг учун хам инсон ҳар доим ўзи ва ўзи кабилар ҳаётини кузатиш орқали уни ҳар хил воқеалар билан боғлайди ва таърифлайди. Диннинг вужудга келиши ва қайта тикланиши зарурияти, имкониятларини бир сўз билан диннинг илдизлари деб биламиз.

Демак, диннинг психологик илдизларини унинг табиати, этнопсихологик имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади ва баҳоланади.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курсини тўлиқ ўзлаштириш натижасида магистрантлар мустақил равишда ўқитувчилик фаолиятини йўлга қўйганларида талабалар аудиториясида ўзларини эркин тута олишни ўрганадилар, дин психологияси туркум фанларини самарали ўқитиш ва шу орқали талабаларда соғлом эътиқодни шакллантириш, махсус фанларнинг мазмунини дин омили воситасида янада такомиллаштириш, дарс лойиҳасини тўғри ва аниқ белгилаш, ҳаётда дин омили билан, шахснинг диний эътиқоди масалалари билан боғлиқ ҳар бир вазиятга креатив ёндашиш кўникмаларига эга бўладилар.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани талабаларда қўйидаги кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадини қўзлайди:

- ўз касбий соҳасида маънавий-инсоний муносабатлар ўрната олиш;
- касбий маҳоратни шакллантиришда фаолликка эришиш;
- талабаларда янгича фикрлаш, дунёқарашини бойитиш, рўй берадиган жараёнларни тўғри идрок этиш қобилиятини шакллантириш.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини замонавий технология, ахборот қидириш тизимлари ёрдамида ўқитиш мақсадга мувофиқdir. Тўпланган ахборот ва маълумотларни қайта ишлашни компьютерда амалга ошириш, умумлаштириш кўзда тутилади.

Талабаларга мазкур курсни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равиша баҳолаш учун қуидаги педагогик технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилади: “ақлий ҳужум”, “дебатлар”, “брейнсторминг”, “синквейн (ахборотни йифиши)” методлари, “SWOT-таҳлил”, “кластер (ахборотни ёйиш)”, “Инсерт стратегияси”, “Венн диаграммаси”, “Т-чизма”, “Нилуфар гули” каби график-органайзерлар ва бошқалар.

Пировардида, ўқитувчи-мутахассислар тайёрлашда нафақат уларнинг касбий ва педагогик жиҳатдан тайёрлиги, балки, янги педагогик технологиялар, инновацион ўқитиш методларидан изчил фойдалана олиш имкониятларига эга бўлиши ҳам мухим ўрин тутади.

Ўқитувчи юксак педагогик маҳоратга эга бўлмаса, педагогик ва ахборот технологиялари ютуқларини педагогик амалиётда самарали қўллаши ва юқори педагогик натижаларга эришиши қийин кечади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг 166-бандида “Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш”, алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат

Давлат дастурига биноан, ўқитувчининг педагогик, таълимий, инновацион ва ахборот технологияларини самарали қўллай олиши, касбий маҳоратни таъминлайдиган ижрочилик маҳорати, уни шогирдларга етказишдаги педагогик маҳорати, дин психологиясида рўй берадиган ўзгаришлар, янгиликларни ўзлаштириш ва таҳлил эта олиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ўқитувчилар жамоаси ва талабалар билан ижобий муносабатларни ўрната олиш, кенг миқёсли педагогик талабларга жавобан тайёр бўлиш малакаларининг мавжуд бўлиши зарурлиги намоён бўлмоқда.

Шуларни назарда тутган ҳолда, “Дин психологияси” магистратура мутахассислигига ўқитилаётган “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курсига ҳам қўйилаётган педагогик-психологик талабларни янада такомиллаштириш лозим. Бугунги кун дин психологиясининг асосий вазифаси ёшларда диний психологик тафаккурни шакллантириш, атрофоламни психологик нуқтаи назардан кўра олиш ва унга мақбул ижобий эмоционал муносабат билдира олиш малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

# **И-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1-МАВЗУ: МАХСУС ФАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Махсус фанлар туркуми ва уларнинг вазифалари.
2. Педагогиканинг махсус фанлар тизимида тутган ўрни.
3. Дин психологияси туркум фанларини ўқитишга инновацион ёндашувлар.
4. Махсус фанларни ўқитишда фанларапо интеграция масалалари.

### **Таянч тушунчалар:**

Махсус фанлар, дин психологияси туркум фанлари, педагогик фаолият, таълим сифати, инсонпарварлик, касбий билимдонлик, фанларапо интеграция, инновация, инновацион ёндашув, магистрант.

### **Махсус фанлар туркуми ва уларнинг вазифалари.**

«Таълим тўғрисида»ги Конун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга ошириш, аввало ўқитувчига, унинг билими ва касб маҳоратининг шаклланганлик даражасига боғлиқ. Зеро, ўқитувчи зиммасига юклатилган вазифаларни нечоғлик виждан, ақл ва педагогик маҳорат билан бажарилиши жамият келажагини таъминловчи муҳим омилдир.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани магистрантларни педагогиканинг назарий ва амалий асослари, дарс бериш маҳорати, педагогик техника, педагогик билимлар мажмуаси билан қуроллантиришга хизмат қиласи. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани яхлит педагогик жараённи ташкил этишга, бошқаришга ва таъминлашга хизмат қилувчи фанларни ўқитиш жараёни, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини кенг миқёсда ёритиб беради.

Ислом дини илохий таълимот сифатида шариат илмидан бошланган бўлса, кейинчалик унинг асосида қалом, тажвид, тавҳид, тафсир, ҳадис, фикҳ каби ўнлаб илмлар ажралиб чиқди. Худди шунга ўхшаш жараён психология фанида ҳам содир бўлиб, унинг заминида умумий психология, экспериментал психология, психодиагностика, психология тарихи, гендер психологияси каби юзга яқин соҳалар психология фанининг мустақил тармоқлари бўлиб шаклланди.

Шу билан бирга илм-фаннынг ривожланиб бориши баробарида, парадоксга ўхшаш жараён - фанлараро интеграция ҳам кучайиб боради. Масалан, икки ва ундан ортиқ фанлар ҳамкорликда ўрганадиган “қўшалоқ” фанлар, яъни икки фаннинг обьекти сифатида - социал психология, педагогик психология, психофизиология, нейропсихология, этнопсихология, тиббиёт психологияси, спорт психологияси каби янги фан соҳалари вужудга келди. Дин психологияси ҳам шу жараённинг маҳсули ҳисобланиб, диншунослик ва психологик билимлар заминида вужудга келган бўлса ҳам, ўзининг мустақил мақсад ва вазифалари, обьект ва предметига эга фан сифатида шаклланиб, ривожланиб боряпти.

Бу фан мамлакатимизда биринчи марта 2003 йили Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида исломшунослик ва диншунослик йўналишлари бўйича магистратура мутахассислари очилгач, ўқитила бошланди. Шу каби “қўшалоқ” фанларни қайси мутахассислар ўқиши керак? деган савол туғилади. Хусусан, Дин психологияси фанини диншунослик фани вакиллари ўқиши керакми, ёки психологларми? Бизнинг фикримизча, ҳар иккиси ҳам эмас. Бу фанни ҳар икки фандан хабардор бўлган мутахассис ўқиши лозим. Зоро, бу фаннинг **объектини** инсон руҳияти, диний гуруҳлар ва ташкилотлар, диний эътиқод ва амаллар ташкил этади. **Предметига** эса, диннинг руҳий феномен сифатида инсон қалби, ҳулқатвори, ҳиссиётлар ва тафаккурига таъсири, диний эътиқод каби масалалари киради.

“Махсус фанларни ўқитиши методикаси” фанини ўқитишдан **мақсад** – магистрантларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, “Дин социопсихологияси” бакалавр таълим йўналиши талабаларига дарс беришга оид билим, кўникма ва малакалар билан куроллантириш.

Фаннинг **вазифаси** – магистрантларни махсус фанларни ўқитиши методикасининг назарий асосларига оид билимлар билан куроллантириш; методик жиҳатдан педагогик жараённи самарали ташкил этиш учун зарур кўникмаларни эгаллаш; махсус фанларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларни кенг доирада қўллай олишга йўналтириш; педагогик фаолиятни амалга оширишда инновацион, креатив ёндашувга методик тайёргарликни шакллантиришдан иборат.

“Махсус фанларни ўқитиши методикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистрант:

- махсус фанларни ўқитиши қонуниятлари ва тамойиллари;
- махсус фанлар мазмунини танлаш мезонлари;
- махсус фанларни ўқитиши метод ва воситалари;
- махсус фанларни ўқитишининг ташкилий шакллари;
- махсус фанларни ўқитиши ахборот технологиялари;
- махсус фанларни ўқитиши технологиялари;
- махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси ҳақида **билимга** эга бўлади;
- махсус фанларни ўқитиши жараёнида профессор-ўқитувчининг вазифалари ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини ошириш методлари ва воситалари, махсус фанларни ўқитиши шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини, махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш турлари, шакл ва

методларини, махсус фанларни ўқитишининг мультимедиа ва интерфаол методларни қўллаш **кўникмаларига** эга бўлади;

- махсус фанларнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш, махсус фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш, махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабалар билимини баҳолаш тизимини қўллаш, махсус фанларни ўқитишида машғулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш; очик дарсларни ўтказиш ва хужжатларини расмийлаштириш, ўқув йили, семестр бўйича ўқув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш, аудиториядан ташқари иш шаклларига раҳбарлик қилиш, ўқитиши жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол методларни қўллаш **малакаларига** эга бўлади.

Маълумки, айнан дин кишилик жамияти цивилизацияси ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган социал институтлар сирасига тааллуқли ҳисобланади. Инсоният тарихидан яхши биламизки, дунёнинг ҳеч бир минтақаси, халқи маълум бир дин ва эътиқодлар тизимисиз ўз шахсий ва ижтимоий ҳаётини тасаввур қила олмаган. Жамиятнинг асосий социал институтлари тарихий даврнинг барча босқичларида ўз фаолиятларини юритиш учун у ёки бу диний эътиқод тамойилларига таянганлар. Мазкур ҳолат барча халқлар ва миллатларга хос бўлиб келган.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг шакл ва мазмун жиҳатдан трансформацияси жамият аъзоларининг динга бўлган муносабатларини ҳам тобора ўзгариб боришига ўз таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ибтидоий жамоа кишиси билан XXI аср кишисининг динга бўлган муносабатлари ва эътиқодлари тизимидағи фарқ осмон билан ерчалик эканлигини ҳис қилиш мумкин. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маълум бир диний эътиқодга эга бўлиш универсал ҳодиса сифатида намоён бўлиб келмоқда.

Маълумки, динни ўрганувчи айрим фанлар учун умумий тамойил бу-эмпирик маълумотларга таянишdir. Дин ҳақидаги амалий билимларни юзага чиқарадиган ушбу тамойил дин ҳодисасини тажрибаларга таяниб ўрганувчи

фанлар ва динга феноменологик, фалсафий ҳамда теологик ёндашувлар орасидаги чегара бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, 5210200 – Психология (дин социопсихологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш жараёни ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Шуни унутмаслик лозимки, дин психологияси бўйича тайёрланаётган мутахассиснинг психолог деган мутахассисдан фарқи бўлиши лозим. Шу сабаб, дин соҳаси психологини тайёрлашда бакалавр босқичида ўқитилаётган ихтисослик фанларининг мазмунига катта аҳамият қаратиш зарур.

Дин социопсихологияси таълим йўналишида қуйидаги фанлар ўқитилади:

Т/р	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари
<b>2.00</b>	<b>Умумкасбий фанлар</b>
2.01	Психологнинг касбий этикаси
2.02	Умумий психология
2.03	Экспериментал психология ва практикум
2.04	Умумий психодиагностика
2.05	Ёш даврлар ва ривожланиш психологияси
2.06	Социал психология
2.07	Педагогик психология ва психологияни ўқитиш методикаси
2.08	Социал психологик тренинг
2.09	Этнопсихология
2.10	Дин психологияси
2.11	Дин социологияси
2.12	Дин психологиясидан практикум
2.13	Умумий педагогика
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>
3.01	Психологик маслаҳат ва психокоррекция
3.02	Юридик психология
3.03	Низо психологияси
3.04	Қуръоншунослик
3.05	Ҳадисшунослик
3.06	Фикҳ
3.07	Калом(ақоид)
3.08	Тасаввуф

Магистрантлар “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўрганиш жараёнида дин психологи фаолиятини ташкил этиш; дин йўналишидаги таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларда психологик хизматни ташкил этиш; касбий фаолият учун зарур психологик билиш жараёнлари, индивидуал психологик хусусиятлар, шахс назариялари, шахснинг эмоционал-иродавий соҳаси, шахсни ички тартибга солиш механизмлари, психодиагностика методикаларини саралаш, татбиқ қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш; дин психологияси фанини ўқитиш усул ва услубларини кўллай олиш; этнопсихологик хусусиятларни маданиятда намоён бўлишини анализ қилиш; социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказиш, индивидуал ва грухий маслаҳатларни ташкил қилиш; экстремал грухларнинг психологик хусусиятларини талқин этиш; Шарқ мутафаккирлари ва Марказий Осиё уламоларининг шахс ривожланишига ижтимоий-психологик ёндашувларини замонавий назариялар билан қиёслай олиш; диний билимларнинг психологик асосларини таҳлил, синтез ва умумлаштириш каби кўникмаларга эга бўлиши лозим.

*Умумкасбий фанлар блоки бўйича:*

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан умумкасбий фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;
- психология (дин социопсихологияси) таълим йўналиши ихтисослик фанларини ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириш;
- психолог фаолиятини ташкил этиш; психолог сифатида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларга психологик хизматни ташкил этиш; психолог фаолияти учун зарур психологик билиш жараёнлари, психологик хусусиятлар, шахснинг эмоционал-иродавий хусусияти, шахсни ички тартибга солиш механизмлари, психодиагностика методларини саралаш, татбиқ қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш; дин психологияси фанини ўқитиш усул ва услубларини кўллай олиш; социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказиш,

индивидуал ва гурӯҳий маслаҳатларни ташкил қилиш; экстремал гурӯҳларнинг психологияк хусусиятларини талқин этиш; диний билимларнинг психологик асосларини таҳлил, синтез ва умумлаштиришни ўрганади.

*Ихтисослик фанлар блоки бўйича:*

-психология (дин социопсихологияси) таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

-психология (дин социопсихологияси) таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

-психология (дин социопсихологияси) таълим йўналишидаги талабанинг муайян магистратура мутахасислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

“Маҳсус фанларини ўқитиш методикаси” фани педагогик маҳорат фанининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса рус педагоги А.С.Макаренко (1889-1939) номи билан бевосита боғлиқ. У болалар колониясидаги фаолиятида, яъни фақат тарбиясини эмас, маънавий қиёфасини ҳам йўқотган болалар билан ишлаб, уларнинг бениҳоя ҳурмати ва ишончига сазовор бўлди. Шахсий тарбиявий усули билан бутун оламга машҳур бўлганлигининг ўзи ҳам А.С.Макаренконинг юксак педагогик маҳорат чўққисига эришганлигининг яққол далилидир.

А.С.Макаренко бўлажак педагог талабалик давридаёқ педагогик маҳорат сирларини ўрганиши зарурлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. -Toshkent, 2008. -181 b. 146-bet.

Ушбу педагогнинг фикрича, педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги шундаки, у педагогда шахс ва жамоага таъсир эта олишни таъминлайдиган ва турли фанлар, шу жумладан, махсус фанларни ўқитиш методикаси билан боғлиқ бўлган билимларни танлаб, уларни ўзида мужассамлаштиради.

Шунинг учун ҳам мазкур қўлланма мазмунига педагогик маҳорат моҳияти, талабага таъсир этиш воситалари ва усуллари каби масалалари билан биргаликда театр педагогикаси ва нотиқлик санъати ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган. Ўқув қўлланма педагогика, дин психологияси, методика фанларидан эгалланган билимларга асосланади.

Педагогик фаолият - бу талабаларни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришни ташкил қилган фаолиятдир. Шунингдек, педагогик фаолият бу бир томонлама эмас, балки икки томонлама (ҳамкорликдаги) фаолиятдир. Унда иккита фаол томон иштирок этади: ўқитувчи – талаба. Таълим олдига қўйилган мақсадга ўқитувчи талаба билан биргаликда ҳаракат орқали эришади.

### ***Педагогиканинг махсус фанлар тизимида тутган ўрни.***

Педагогика яхлит тизим сифатида қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- педагог шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишилари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсад -баркамол авлод тарбиялашга йўналтирилганлиги;
- махсус фанлар, ўқитиш методикаси, педагогика-психологиядан мукаммал билимга эга бўлиш;
- педагогик қобилиятга эга бўлиш (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш (юзидан уқиб олиш);
- педагогик маданият ва техникани эгаллаш, яъни ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уddaлаш.

Педагог шахсининг инсонпарвар йўналганлиги қуидагиларда ёрқин намоён бўлади:

I. Таълим мақсади, ўқув-тарбия жараёнининг шахсга йўналтирилганлиги сифатидаги шахсга янгича қараш: 1) шахс педагогик жараённинг обьекти эмас, субъекти сифатида акс этади; 2) шахс – қандайдир ташқи мақсадларга эришиш воситаси эмас, таълим тизими мақсади; 3) ҳар бир талаба қобилиятли, кўплаб талabalар иқтидорли; 4) шахснинг муҳим сифатлари сифатида юксак ахлоқий қадриятлар (яхшилик, севги, меҳнатсеварлик, виждон, қадр-қиммат, фуқаролик ва бошқалар) акс этади.

II. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш: 1) педагогик муҳаббат, талabalар тақдирига қизиқиш билан қараш; 2) талабага юксак ишонч билан қараш; 3) ҳамкорлик, мулоқот маҳорати; 4) тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш; 5) ижобий рағбатлантиришнинг муҳимлиги; 6) талаба шахсига таълим субъекти, фаоллик ва эркин танлаш соҳиби сифатидаги муносабат; 7) ўқитувчи ва талаба ҳукуқларини тенглаштириш; талабанинг эркин танлашга бўлган ҳукуқи тушунилади.

III. Замонавий шароитда тўғридан-тўғри мажбурлашдан натижа бермайдиган метод сифатида воз кечиш. Мажбурлашсиз ўқитиши қуидагилар билан тавсифланади: 1) мажбуровсиз, ишончга асосланган талабчанлик; 2) ўқитишига туғма қизиқишларни кўпайганлиги; 3) мажбурлашнинг ўрнини мувафаққиятга эришишига имкон берадиган истак билан алмаштириш; 4) талabalарни эркинлик ва ташаббускорликка қўйиб берилиши; 5) жамоа орқали билвосита талabalарнинг қўлланилиши; 6) талabalарга уларнинг субъективлиги, ўз-ўзини намоён этиши, ижтимоийлашуви, маданий тенглашуви, ҳаётий ўз ўрнини белгилашига ёрдам қўрсатиш, педагогик қўллаб-қувватлаш.

IV. Индивидуал ёндашувни янгича талқин этиш: 1) “ўқув фанидан талабага қараб бориш эмас, талабадан ўқув фанига бориш” тамойилининг бажарилиши; 2) талabalарнинг қобилияtlари ва мавжуд имкониятларини

хисобга олган ҳолда ўқитиши; 3) ўртача ўзлаштирувчи талабага йўналганликдан воз кечиш; шахснинг энг яхши сифатларини излаш; 4) шахсни психологик-педагогик ташхис этиши (қизиқишилари, қобилиятлари, йўналганлиги, Мен-концепцияси, характеристики, фикрлаш жараёнларининг ўзига хослиги)нинг қўлланилиши; 5) шахснинг ўқув-тарбия жараёнидаги ўзига хосликларини хисобга олиш.

V. Ижобий маънодаги “Мен-концепцияси”ни шакллантириш: 1) педагогик мулоқотнинг талабаларда ўзига ижобий муносабатни ривожлантиришнинг йўналганлиги; 2) ҳаётий фаолиятнинг ижобий йўл-йўриқ ва мотивларини шакллантириш<sup>1</sup>.

Педагогик адабиётларда ўқитувчининг касбий ва ижтимоий мослашувига таъсир этувчи маҳсулдор сабаблар (омиллар) умумлаштирилиб педагогик маданият номи билан қайд этилади. Бошқа тушунчалар сингари педагогик маданиятнинг ҳам бир неча хил таърифлари мавжуд. Бироқ барча таърифларда педагогик маданият тушунчаси уч илмий жиҳатдан, яъни аксиологик, фаолият ва шахсга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан талқин этилиши яққол кўзга ташланади. Аксиологик ёндашувга кўра, педагогик маданият – тарбия ҳақидаги фан сифатида педагогика таянадиган педагогик қадриятлар мажмуидир. Ушбу қадриятлар моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Шахсга йўналтирилган ёндашув нуқтаи назарига кўра, педагогик маданият – бу педагогик фаолиятдаги тарбиявий муносабатларни амалга оширувчи субъект сифатида касбий етук педагог шахсининг муҳим сифати. Фаолиятли ёндашувга кўра, педагогик маданият – бу педагогик қадриятларнинг тадбиқ этилишини таъминловчи, ўқитувчи касбий фаолиятининг ўзига хос усуслари мажмуидир<sup>2</sup>.

Педагогик маданиятнинг муфассал тавсифи Л.Д.Столяренко томонидан қўйидагича очиб берилган: “Педагогик маданият – бу умуминсоний

<sup>1</sup> Egamberdiyeva N.M. Shaxsiy-insonparvarlik yondashuv asosida talabalarni shaxsiy va kasbiy ijtimoiylashtirish: Pedagogika fanlari doktori. ... diss. – T., 2010. – B. 88-89.

<sup>2</sup> Занина Л.В., Меньшикова Н.Р. Основы педагогического мастерства. –Ростов на Дону: Феникс, 2003. – С.239.

маданиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда энг аввало, авлодлар алмашинуви ва шахснинг ижтимоийлашуви каби тарихий жараён учун хизмат қилишда инсоният учун зарур бўлган маънавий ва моддий қадриятлар акс этган”<sup>1</sup>.

Ўқитувчининг педагогик маданияти қуидаги касбий аҳамиятли шахс сифатларининг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) шахсга йўналганлик: эътиқод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик туйғусининг мавжудлиги;
- 2) касбий-ахлоқий сифатлар: инсонпарварлик, жамоавийлик, адолат, меҳрибонлик, ҳақиқатпарварлик, самимилик, талабчанлик, болаларга нисбатан меҳр ва хурмат, олийжаноблилик, холислик;
- 3) педагогик меҳнатга муносабат: виждонлилик, жавобгарлик туйғуси, фидокорлик, берилиб ишлай олиш ва ўз педагогик фаолиятидан қониқиши хисси, уни ҳаётининг мазмунига айлантира олиш;
- 4) қизиқишлиар ва маънавий эҳтиёжлар: билишга оид фаоллик, тафаккурнинг кенглиги ва теранлиги, эстетик маданият, қизиқишларнинг ва маънавий эҳтиёжларнинг кўпқирралилиги, ёқтирган ижодий ишнинг мавжуд бўлиши, ташқи кўриниш ва нутқ маданияти.

**Дин психологияси  
туркум фанларини  
ўқитишига инновацион  
ёндашувлар.**

Инновация (инглизча “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) ўқитувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзгалар томонидан яратилган илғор ғояларни қабул қилишга оид сифат, малакаларни шакллантириш имкониятини беради. Мазкур тушунча 1979 йилда Рим клубида “Таълим олишнинг чегараси йўқ” (“Нет пределов обучению”) мавзусидаги маъruzada тилга олинган. Узлуксиз таълимда инновацион таълимдан фойдаланиш ўқитувчиларни таълим соҳаларида янгиликларни яратиш, илғор ғояларни асослаш, амалиётга самарали татбиқ этишга тайёрлайди.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда маҳсус

<sup>1</sup> Столяренко Л.Д. Педагогика. –Ростов на Дону: Феникс, 2003. – С.51.

тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир. Шундай экан, педагог ҳозирги нозик шароитда дин психологияси туркум фанларини ўқитишга ўзига хос креатив тарзда, инновацион ёндашув асосида тайёр бўлиши лозим.

Диннинг ўзига хос психологик тамойилларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тегишли илмий мушоҳадалар юритиш бугунги илғор психология фанининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик заҳираларидан фойдаланишда ушбу муаммонинг ечими муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, дин психологияси борасида энг биринчи тадқиқот олиб борган олим буюк немис файласуфи Вильгельм Вундт (1832-1920) эди. 1873-1874 йилларда унинг 10 томлик “Халқлар психологияси” монографияси дин психологияси борасида ўлмас асар сифатида қайд этилади. Ушбу асарда В.Вундт томонидан инсоннинг юксак тафаккур қилиш фаолияти, маданияти, тили ва дини ўртасидаги уйғунликка алоҳида эътибор берилади. В.Вундт инсон психологиясининг асосини эмоция (хис, туйғу, ҳаяжон, руҳий тўлқинланиш) яъни, ташқи кучлар таъсирида намоён бўлувчи иродавий кечинмаларнинг ташкил этишини асослаб беради.

“Дин” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси «ишонч, эътиқод» сўзларини англатади. Дин табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-мухитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган, илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш, таълимотдир.

Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган давларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучdir.

Дин асли нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умумий нуқтан назар шуки, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран

ва руҳий-маънавий эҳтиёжларидандир. Шундай экан, боланинг эҳтиёжларига нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган, тарбиявий жараённинг моҳиятини англамаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчининг фаолияти эса педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир. Педагогик жараённинг обьектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, талаба ва талабалар гурӯҳига ҳамда алоҳида талабага, педагогик жараённинг субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ижобий натижаларга эришиши, меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик кўллай билиши билан белгиланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда психолог мутахассисларни тайёрлашда дин психологияси фани ўқитилиб келинмоқда. Бироқ мазкур фанга ажратилган ўқув соатлари етарли даражада эмас. Қарийб ўн йилдирки, собиқ Ислом университети, ҳозирги халқаро ислом академиясида дин социопсихологияси йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда дин психологияси мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланиб келинмоқда. Демак, ушбу йўналишлар ДТС ва ўқув режаларида айнан мутахассис тайёрлашга йўналтирилган маҳсус фанлар ўқитилади. Маҳсус фанлар эса ўзак фан ҳисобланмиш дин психологияси доирасидаги фанлардир. Ушбу фанларни дин психологияси туркум фанлари деб атасак муболаға бўлмайди. Улар қуидагилар:

- Психологнинг касбий этикаси
- Умумий психология
- Экспериментал психология ва практикум
- Умумий психодиагностика

---

<sup>1</sup> Xoliqov A. Pedagogik mahorat. – T.: Iqtisod-moliya, 2011. – B.13-14.

- Ёш даврлар ва ривожланиш психологияси
- Социал психология
- Социал психологик тренинг
- Этнопсихология
- Дин психологияси
- Дин социологияси
- Психологик маслаҳат ва психокоррекция
- Низо психологияси

Дин психологияси туркум фанларини ўқитишининг мақсади асрлар давомида юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг умуминсоний ғояси сифатида хизмат қилиб келаётган тарбиявий ишни амалга ошириш билан боғлиқ. Педагогик фаолият тарбиявий иш ва ўқитишда намоён бўлади. Тарбиявий иш – бу тарбиянинг тизимлилиги, тўлалиги, узвийлиги ва узлуксизлигидир. Тарбиявий иш тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. Тарбиявий ишнинг асосий хусусияти – зарурийлик, фойдалилик ва татбиқ этиш имкониятидан иборат.

Айни пайтда, диннинг фалсафий, назарий жиҳатларини ўқитиш инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, дорулфандо ва дорулбақо масалаларига ўз муносабатини билдириб туришидан иборатdir. Дин инсоннинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлик бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлди. Шунинг учун ҳам *динни ўрганиши* - бу инсониятни ўрганиши демакдир. Динни инсониятдан, инсониятни диндан ажратиб бўлмаслигини тарихнинг ўзи исботлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Илм-фанда халқимиз манфаатларига хизмат қиласиган ўз йўлимизни топмасак, эртага ёшларимиз бизни кечирмайди”<sup>1</sup> - деб таъкидлаганларидек, халқимиз манфаатларига хизмат қиласиган, улар “тушунадиган”, қабул қиласиган дастурларни ишлаб чиқиши,

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ривожи – тараққиётга, бунёдкорлик фаровонликка хизмат қиласи. //Халқ сўзи. 2018. 21.07. – Б.1

адабиётларни яратиш ишларини янада кенгайтириш лозим. Дин психологияси туркум фанларини ўқитиш ва бу борада маҳсус адабиётларни яратиш орқали ҳозирги замон ёшларининг психологиясини инновацион ғоялар билан бойитиш, дин психологиясини ўқитишнинг ўзига хос моделини яратиш мумкин.

Илмий адабиётларда дин психологияси фанини ўқитишда кўпинча регулятив, интерактив, психотерапевтик (компенсацияловчи), коммуникатив функциялар тилга олинади. Дарҳақиқат, дин жамият ва алоҳида инсоннинг ҳаётида ушбу муҳим вазифаларни бажаришини тасдиқловчи мисоллар кўплаб топилади. Аммо, айни вақтда, шуни эътироф этиш керакки, мазкур вазифаларнинг мазмунидан биз кўпроқ дин институти жамиятга нима беради, деган саволга жавоб топамиз – дин одамларнинг ижтимоий хулқ-авторининг назоратига ёрдам беради, дин одамларни уюштиради, дин жамият аъзоларининг руҳий мувозанатини тиклаб, ижтимоий муҳитни соғломлаштиради, дин одамлар ўртасида ўзаро мулоқот ва муносабат асоси бўлиб гавдаланади. Ушбу вазифаларнинг жамият ҳаёти учун нақадар муҳимлигини шубҳа остига олмай, шу билан бирга улар барибир диний билим олиш ҳар бир инсонга шахсан нима бериши, нега кераклигини очиб бермайди.

Диний билимларнинг инсон ҳаёти учун аҳамиятини белгилаб берувчи сабабларни ажратишда, назаримизда, ҳар бир диннинг бош таснифларидан бири – ҳаёт ва дунёни “боқий ва фоний” кабиларга ажратишни асос қилиш ўринли. Агар шундай ёндашув қабул қилинса, диний билимларнинг охират ҳаёти ва дунёвий ҳаёт учун аҳамиятини ажратиш ўринли бўлади. Мазкур ёндашувга асосан диний билимларнинг соф диний ва диний-психологик аҳамиятини ажратиш мумкин. Бунда тегишли билимларнинг диний аҳамияти деганда, уларнинг тегишли таълимотларда таъкидланаётган охират ҳаёти учун аҳамияти, уларнинг диний-психологик жиҳатдан муҳимлиги эса дунёвий ҳаётдаги аҳамиятини акс эттиради.

Динга оид билимларни эгаллашнинг аҳамияти юзасидан одамларнинг муносабатини эмпирик ўрганиш учун психология фанлари доктори П.С.Эргашев ва магистрантлар томонидан экспресс психодиагностик восита “Диний билимлар аҳамиятини баҳолаш” тартиб шкаласи ишлаб чиқилди. Шкалада синалувчига диний билимларни эгаллаш орқали инсон учун бериладиган 10 хил имконият санаб ўтилади (“Турли ҳаётий масалаларнинг диний талқинидан хабардор бўлади”, “Ўз фарзандларига маънавий-ахлоқий жиҳатдан яхши тарбия бера олади”, “Яратганинг инсонга нисбатан талаблари қандай эканини англайди”, “Ҳаётнинг оғир синовларида ўзига таскин топади”, “Турли диний таълимотларнинг бир-бирига яқин ва фарқли жиҳатларини тушунади”, “Охират савол-жавобига тайёр бўлади”, “Бузғунчи диний ғоялар таъсирига тушиб қолмайди”, “Иймонини кучайтирувчи ва заифлаштирувчи ҳолатларни билади”, “Диндошлар гуруҳида ўзини уқувли ва ишончли ҳис қиласи”, “Ҳаётини шаърий қоидаларга кўра ташкил эта олади”). Синалувчининг вазифаси уларни ўзи учун аҳамият даражасига кўра жойлаштириб чиқишдан иборат бўлади. Натижаларни қайта ишлашда синалувчи қайси гуруҳ (диний ёки диний-психологик гурух)га кирувчи сабаблар ва имкониятларни аҳамият жиҳатдан юқори баҳолаётгани эътиборга олинади.

Диний билимларнинг қандай йўналишда кўпроқ англаниши турли хил омилларга – одамнинг ёши, дунёқарashi, қизиқишлари ва идеаллари, ҳаётнинг маъноси ҳақидаги тасаввурларига боғлиқ бўлишини тахмин қилиш қийин эмас. Айни вақтда ушбу омиллар орасида ўзига хос индивидуал-психологик ўзгарувчи сифатида шахс установкалари, жумладан, иррационал установкалар даражаси ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини тахмин қилиш мумкин. Маълумки, “иррационал установка” тушунчаси америкалик психолог Альберт Эллиснинг психотерапия мактаби ғоялари доирасида кенг тарқалган. Зоро, А.Эллиснинг рационал-эмоционал терапияси нуқтаи назаридан айнан иррационал установкалар одамда невроз ва депрессиялар эҳтимолини оширади. Бунда иррационаллик деганда инсон хатти-

ҳаракатлари, ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари қарашлари чуқур мuloҳазага асосланмагани, кўпроқ ҳиссиёт жўшқинлиги ва интуитив билишга таяниши назарда тутилади. А.Эллис бўйича иррационал установкалар қатъий талаб, буйруқ, кўрсатма сифатида чинакам вазиятга номувофиқлиги, шаклланган объектив шароитларга мос эмаслиги билан тавсифланади.

### *Махсус фанларни ўқитишда фанлараро интеграция масалалари.*

Таълим жараёнида фанлараро боғланишни тугри йўлга кўйиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланиш талабаларнинг билиш эҳтиёжини орттиради, ўқув фаолиятини кенгайтиради. Ҳозирда магистратура олдида турган энг долзарб масалалардан бири – магистрантларда касбий компетентликни шакллантиришга қаратилган. Меҳнат бозори бугунги кун талабаларидан рақобатбардошликтини, замонавий иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқлигини талаб этади ва шаклланган компетентлик кейинчалик уларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини таъминлайди. Шу сабабли олий таълим муассасаларида талабалар касбий компетентлигини мазмунли таълим ва фанлараро интеграция ёрдамида ўқитишнинг биринчи босқичида шакллантиришни бошлаш мумкинлиги, чунки контекстуал таълим педагогик фаолиятни амалга оширишда магистрантларнинг касбий қўникмаларини лойиҳалаштиради, жумладан, фанлараро алоқа, ўз навбатида, уларнинг турли фанлардан олган билим ва қўникмаларини бирлаштиради, мақсадлар якуний натижаси - касбий компетентлик бўлади.

Магистрантларда бўлажак педагог сифатида шаклланган билим, қўникма ва малакалар касбий фаолиятда замонавий корхоналарни модернизациялаш шароитларида рақобатбардош мутахассислар бўлиб этишиши, илм-фаннынг турли соҳаларида ўз билимларини фаол қўллашлари учун қулай замин яратади.

Илм-фан ривожланиб борган сари, дифференциация жараёни кучайиб, янгидан янги фан соҳалари вужудга кела бошлайди. Шу билан бирга

илм-фаннынг ривожланиб бориши баробарида, парадоксга ўхшаш жараён - фанлараро интеграция ҳам кучайиб боради. Масалан, икки ва ундан ортиқ фанлар ҳамкорликда ўрганадиган “қўшалоқ” фанлар, яъни икки фаннынг объекти сифатида - социал психология, педагогик психология, психофизиология, нейропсихология, этнопсихология, муҳандислик психологияси, тиббиёт психологияси, спорт психологияси каби янги фан соҳалари вужудга келди. Дин психологияси ҳам шу жараённинг маҳсули ҳисобланиб, диншунослик ва психологик билимлар заминида вужудга келган бўлса-да, ўзининг мустақил мақсад ва вазифалари, обьект ва предметига эга фан сифатида шаклланиб, ривожланиб бормоқда.

Дин психологияси фанинг ҳозирги босқичида диний эътиқодлар ва диний бағрикенгликнинг шаклланиши, ривожланиш ва намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш долзарб масалалардан бўлиб, улар қўйидаги йўналишларда олиб борилиши зарур:

-биринчидан, дин психологиясининг умумназарий масалаларини ўрганиш бўлиб, у диний таълимотлар, диний эътиқоднинг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, диннинг шахс ва жамият маънавий ҳаётидаги социал-психологик вазифаларини қамраб оладиган йўналишда;

-иккинчидан, дифференциал ёндашув, яъни диний эътиқод ва диндорлар руҳияти маълум ижтимоий муҳит ва тарихий даврларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилади. Кўпинча буни ҳисобга олмаслик натижасида, турли гурухлар ўртасида баҳсли ҳолат ва низолар вужудга келиб қолади. Маълумки, табиий оғатлар, қирғин - барот урушлар, ижтимоий нотинчлик, иқтисодий таназзулар даврида диний ҳиссиётлар ва эътиқодлар нисбатан кучайиб кетади;

-учинчидан, диний маросимлар психологияси бўлиб, диний маросим ва амаллар, урф-одат ва удумларни бажаришнинг инсон руҳияти ва эътиқодига таъсири ўрганилади;

-тўртинчидан, кейинги йилларда халқаро муаммога айланиб бораётган экстремал вазият ва асоциал хулқ-атвор психологик

механизмларини тадқиқ этиш. Терроризм ва экстремизм, фундаментализм ва радикализм, фанатизм ва жангарилик каби иллатларнинг олдини олиш ва зааралантириш каби масалаларни ҳал этиш;

-бешинчидан, диний эътиқод шаклланиш босқичлари ва эътиқоднинг ўзгариши, диний секуляризм масалалари;

-олтинчидан, ислом оламида машхур бўлган, Ғарбда “Рух илми” сифатида тадқиқ этилган тасаввуф илмининг буюк уламолари ҳаёти ва фаолияти, хусусан, юртимиздан етишиб чиқсан ва ўз тариқатларини яратган Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби салафларимиз бой меросига мурожаат қилиш. Улар бити्रув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари тадқиқот обьектига айланиши, улар бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, замонавий психология фани доирасида изохлаш ва талқин этишга ҳаракат қилиш зарур;

еттинчидан, ижтимоий ҳодиса сифатида диннинг коммуникатив, регулятив, интерактив, психотерапевтик ва гносеологик функцияларининг психологик механизмларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Дин психологияси туркум фанларини ўқитишида педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қуидагиларда билиш мумкин:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини хар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказади, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад талаба мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга эришиш талабалар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англата

олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, талабаларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади»<sup>1</sup>.

3. Педагогик (таълим-тарбия) жараёнда талаба фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо талаба келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолиятини мантиқан талабалар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қўйидагиларни талаб қиласди:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг «ўсиб» педагогик нуқтаи назарга айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндашиши;
- талабалар қизиқишлигини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш;

Талаба шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячиидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур.

Талабаларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимиға эга бўлиши керак.

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун, аввало таълим-тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз талабаларини турли ўқув фаолиятига жалб қиласди. Шу билан бирга талабаларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир этади. Педагог фаолиятининг

<sup>1</sup> Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. – Toshkent, 2008. -181 b. 146-bet.

муваффақиятли кечиши унинг шахси, характери, талабалар билан муомаласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Одатда буларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Аммо тажрибали педагог, унинг хатти-ҳаракати талабаларга қандай таъсир кўрсатаётганлигига аҳамият бераб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларини мажмуи сифатида қаралиб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Махсус фанлар туркумiga қандай фанлар киради?
2. Фанни ўқитишининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?
3. Дин психологияси фанининг тараққиёт босқичлари.
4. Педагогик фаолият деганда нимани тушунасиз?
5. Фанни ўқитишига инновацион ёндашув деганда нимани тушунасиз?

!

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдураҳмонов Ф.Р., Абдураҳмонова З. Дин психологияси. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти ноширлик бўлими, 2011. -80 б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тоскент, 2006.
3. Вундт В. Проблемы психологии народов. -СПБ.,2001.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент, 2008. -181 б. 146-бет.
5. Угринович Д.М. Психология религии. -Киев: Ника-центр, 2002.
6. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқулова Р. Педагогика. Тошкент: ЎзМУ, 2005. -175 б.

## **2-МАВЗУ: МАХСУС ФАНЛАР ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИ ЯХЛИТ ТИЗИМ СИФАТИДА.**

### **Режа:**

1. Яхлит педагогик жараён, ўқув жараёни, тизимли ёндашув тушунчаларининг таҳлили.
2. Педагогик аксиома.
3. Махсус фанларини ўқитишга тизимли ёндашув.
4. Махсус фанларини ўқитишда педагог шахси ва унинг педагогик маданияти, компетентлиги.

### **Таянч тушунчалар:**

**Яхлит педагогик жараён, ўқув жараёни, тизимли ёндашув тушунчаларининг таҳлили.**

Яхлит тизим, таълим мақсади, таълим мазмуни, метод, шакл, восита, натижа,


компетентлик, педагогик аксиома, таълим тамойили, тизимли ёндашув.

Педагогик жараённинг яхлитлиги унинг тизимлилиги билан узвий боғлиқ. Тизим (мустақил тушунча сифатида) ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги

мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитликдир.

Таълим яхлит тизим сифатида ўзаро боғлиқ қўйидаги элементларни ўз ичига олади: таълим мақсади, ўқув ахборотлари, ўқитувчи ва талабаларнинг таълимий фаолиятлари, ўқитиш шакллари, педагогик мулоқот воситалари, шунингдек, таълим жараёнини бошқариш усуллари.

Таълим жараёнини бошқариш қўйидаги босқичлардан иборат:



Таълим жараёнида талабалар фаолиятини бошқариш уларни тўғри йўналтиришни назарда тутади. Назорат қилиш эса талабалар фаолиятининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилишини таъминлайди. Натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш таълим жараёнининг қандай кечганлигини билиш, ютуқлар омилларини ўрганиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим жараёни негизини ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув фаолиятлари ташкил этади.

Таълим функциялари. “Функция” тушунчаси “таълим вазифалари” тушунчасига яқиндир. Таълим функцияси таълим жараёни моҳиятини ифода этади, вазифаси эса таълимнинг компонентларидан бири ҳисобланади.

Дидактика (таълим жараёни)нинг қўйидаги учта функциясини ажратиб кўрсатади: таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш.

**Таълим жараёнининг таълим бериш функцияси**  
ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат

Таълим натижаси сифатида билимларнинг тўлалиги, чуқурлиги, тизимлилиги, англанганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълим жараёнида талабаларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Умумий кўникма ва малакаларга оғзаки ва ёзма нутқни билиш, ахборот материалларидан фойдалана олиш, ўқиш, манбалар билан ишлаш, реферат ёзиш, мустақил ишни ташкил этиш кабилар киради.

**Таълимнинг ривожлантирувчи функцияси** таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчининг ривожланиши содир бўлишини ифодалайди


Ривожланиш қуидаги йўналишларда содир бўлади: нутқ, фикрлаш, сенсорли-ҳаракатли ва ҳиссий-иродавий соҳаларнинг ривожланиши. Тўғри ташкил этилган таълим шахсни ҳар доим ривожлантиради.

Таълим жараёни тарбияловчи хусусиятга ҳам эга. Тарбия ва таълим ўртасидаги боғлиқлик объектив ва қонуний ҳисобланади. Бироқ, шахсни таълим жараёнида тарбиялаш ташқи омиллар (оила, микромухит ва б.ш.)нинг таъсири туфайли қийин кечади.

**Таълимнинг тарбиялаш функцияси** турли ижтимоий тузум ва шароитда ҳам яққол намоён бўлиб, таълим мазмуни, шакли, методлари моҳияти билан белгиланиб, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида муносабатларни ташкил этишда етакчи ўрин тутади

Таълим жараёнида шахснинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тасаввурлари, хулқ-атвори ва дунёқараши шакллантирилади.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида қуидагича намоён бўлади:



Таълим жараёнида тарбиянинг иккинчи омили педагогик жараёнга ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади.

Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва тузилиши. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси талабаларнинг ижтимоий борлиқни онгли ва фаол идрок этишга йўналтирилган фаолиятларини бошқаришдан иборатdir.

Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш босқичи календар-тематик ёки дарслар режаларини тузиш билан якунланади. Ўқитувчи талабаларнинг тайёргарлик даражаси, уларнинг ўқув имкониятлари, моддий база ҳолати, шахсий (касбий) имкониятларини ўрганиб чиқиши, ўқув материали мазмунини белгилаши, дарс олиб бориш шакли ва методини ўйлаб қўриши керак бўлади.

Талабалар фаолиятини ташкил этиш талабалар олдига ўқув масалаларини қўйиш, уларни бажариш учун шароит яратишдан иборат бўлади.

Таълим жараёнида талабаларнинг фаолияти. Билим олиш фаолиятнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, муайян қонуниятларга эга. Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни

Билим олишнинг муҳим шарти мотив (таълимий характердаги ҳаракат, фаолиятни ташкил этишга рағbatни хис этиш, эҳтиёжнинг юзага келиши)dir.

Ҳар қандай билимни ўзлаштиришда талабалардан идрок этиш маданиятига эга бўлиш ва ўқув материалини англаб этиш талаб этилади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши. Талабаларнинг ўқув фаолиятларини самарали бошқариш учун билимларни ўзлаштириш жараёнининг моҳияти ҳамда билимларнинг эгаллаш босқичларидан етарлича хабардор бўлиш. Билимларнинг эгаллаш қўйидаги босқичларда кечади:

Билимларни эгаллашда ўзлаштирилган илмий маълумотлар босқичмабосқич бойиб ва мустаҳкамланиб боради. Бу ҳолат билимларни эгаллашнинг

динамик характерини ифодалайди. Жараённи схема ёрдамида қуидагича ифодалаш мүмкін:



### **Билимларни эгаллашнинг динамик характеристи**

1-босқич: идрок этиш (аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни) бўлиб, у танлаш хусусиятига эга. Шу боис талабаларга мавзуни, яъни, уларнинг нимани ўрганишлари (масалани қўйиш)ни тушунтириб бериш орқали ўқув материали билан дастлабки танишиш амалга оширилади.

2-босқич: ўқув материалини англаш бўлиб, у маълумотларнинг назарий жиҳатларини ажратиб олиш ва таҳлил қилишдан иборат. Бунда асосий мазмунни топиш, тушунчани ажратиб олиш, уларнинг белгиларини асослаб бериш, тушунтириш материалнинг хусусиятини аниқлаб олиш, мисоллар ва тушунтирувчи далиллар тўпламини ўрганиб чиқиши керак.

3-босқич: эслаб қолиш ва мустаҳкамлаш бўлиб, ўзлаштирилган билимларни узоқ вақт давомида сақлаб қолишдан иборат. Унда идрок этиш фаолияти кўпроқ машқлар, мустақил ва ижодий масалалар хусусиятига эга бўлади. Босқич якунида талабалар назарий материалларни биладилар ва улардан машқларни бажариш, масалани ечиш, теоремани исботлашда фойдаланишни биладилар (амалий қўникма, малакалар шаклланади).

4-босқич: билимларни амалиётда қўллашдан иборат. Билимларни қўллаш ўрганилаётган материалнинг мазмuni хусусиятига қараб фаолият турли шакл (ўқув машқлари, лаборатория ишлари, тадқиқот топшириклари, мактаб ер майдонидаги ишлар)ларда амалга оширилиши мүмкін.

### **Педагогик аксиома.**

Педагогик аксиома нима? Аксиома [юононча *ахуит а* — асосий қоида] ўз-ўзидан аниқ-равшанлиги сабабли исбот талаб қилмайдиган, исботсиз қабул қилинадиган ҳолат, фикр деган маънони англатади. «Коллектив — катта куч» деган аксиома бор. Табиий ҳаётий қарашлар мажмуи аксиома дейилади. Аникроғи, аксиома тушунчаси бугунги тилимизда маълум обьект тўғрисидаги фикрлар мажмуаси маъносида bemalol ишлатилиши мумкин. Биз “педагогик аксиома” иборасини қўллагандан меъёрий хужжат сифатида эмас, балки обьектни ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш учун зарур булган шарт-шароитлар, уларни вужудга келтириш омиллари ҳақидаги хulosаларнинг илмий асосланишини тушунамиз.

Антик даврдаги мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиқсан. Эрамиздан аввалги В асрда Афина яқинидаги академа сўзи билан номланувчи жойда Афлотун ўз шогирдларига маъruzалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим-тарбия бериш учун ташкил этилувчи масканлар ҳам шундай ном билан атала бошланган. Қадимги Юнонистонда болаларга таълим-тарбия бериш файласуфлар зиммасига юклатилган эди.

Улар нотиқлик санъатининг етук намоёндалари бўлиб, ўзларининг чиройли сўzlари, баланд ва таъсирчан овозлари билан таълим олувчиларнинг тафаккурига, онгига кириб борганлар, таълим ва тарбияда улкан ютуқларга эришганлар. Шу сабабли, нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг назариясига, унинг чексиз тарбиявий аҳамиятига ilk маротаба қадимги Юнонистонда асос солинганлиги илмий адабиётларда баён этилади. Юнонистонда эпос, лирика, драма, ҳайкалтарошлиқ, мусиқа ва меъморчилик санъати билан бирга нотиқлик санъати ҳам мураккаб ва муҳим санъат асари сифатида тан олинган. Нотиқлик санъатини давлатнинг муҳим ижтимоий-

сиёсий ишларига тааллуқли фаолиятдаги аҳамияти учун ҳамда ёш авлодни тарбиялашда улар онги ва тафаккурига қизғин таъсир этувчи мураккаб восита сифатида ривожлантирганлар.

Эрамиздан аввалги V аср Юнонисонда ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг энг такомиллашган даври бўлган. Шу сабабли “Нотиқлик санъати” ҳам қизғин ривожланган давр ҳисобланади. Бу даврда нотиқликнинг учта қонунияти умумий шиор сифатида эътироф этилган:

- талабаларга тушунтириш (маълум бир мавзуни);
- талабалар онгини уйғотиш (инсон тафаккурини, онгини, мақсадини);
- ҳар бир талабага ҳузур-ҳаловат ва қониқиш уйғотиш.

Юнонисонда нотик ушбу қонуниятларга амал қилган ҳолда талабаларга, яъни “талабаларга ҳаловат бағишлиш” орқали уларни эзгуликка, адолатпарварликка, ватан олдидаги бурчга садоқатли бўлишга, яхши амалларни бажаришга, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилишга чорлар эди. Бу унинг жамият олдидаги асосий вазифаси ҳисобланарди. Нотиқлик санъатини чукур эгаллаган, ўзларининг гўзал ва чиройли нутқлари билан жамиятда хурмат ва эътибор қозонган Динарх, Гиперид, Горгий, Сократ, Исеј, Эсхил, Демосфен каби намоёндалар машҳур давлат арбоблари бўлиб этишганлар.

Юнон файласуфлари ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия беришда оғзаки нутқнинг шакл ва қонуниятларини, мулоҳаза ва исбот каби мантиқ илми қоидаларини чукур ўзлаштиришлари лозимлигини қатъий талаб қилганлар. Шунинг учун педагог ўқитувчилар ўз фикрлари ва туйғуларини талабалар ҳамда талабалар тафаккури ва онгига чукур сингдира олганлар ва кескин таъсир ўтказганлар. Ҳар бир педагог ўзларининг нотиқлик санъати устида тинимсиз машғулотлар олиб борганлар, сехрли овоз соҳиби бўлиш учун нутқ техникасининг барча қонуниятларига амал қилганлар. Улар ўз нутқларини мафкуравий ва сиёсий кураш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш куроли деб ҳисоблаганлар.

Машхур файласуф олим Сүқрот (эрамиздан аввалги 469—399) талабалар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг сұхбат методига асос солған. Сүқротнинг шогирди Афлотун ўз устози ғояларини давом эттириб, талабалар билан савол-жавоб усулини нотиқлик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамияти чексиз эканлигини баён этади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуг сифатида баҳолайди.

Юноистонда ёшларга таълим-тарбия беришда нотиқлик санъатининг аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда унинг ривожланиши файласуф олим Демосфен (эрамиздан аввалги 384-322) номи билан узвий боғланган. У ёшлик йиллариданоқ нотиқлик санъатига қизиқди. Тұғма дудук бўлишига қарамасдан, талаба ва талабаларнинг истеҳзолариға бардош бериб, қизғин ва шиддатли меҳнати билан нотиқлик маҳоратини намойиш эта олган. Барча дунёвий билимларни фақат нотиқлик санъатининг олижаноб қудрати асосида талабалар тафаккурига етказиш мумкин деб таъкидлаган эди файласуф. Фақат Демосфен Юноистонда нотиқлик санъатининг етук намоёндаси, яъни элитаси сифатида машхур бўлди. У давлат трибунасини сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантириди.

Ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисидаги муаммолар Европа олимлари Я.А.Коменский, Джон Локк, Г.Песталоцци, А.Дистервег, К.Д.Ушинский кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, чех олими, машхур педагог Я.А.Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларни киритади ва уларнинг моҳиятини мукаммал тавсифлаб беради.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчиларнинг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидағи ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, ўқитувчи ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз қадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский

ўқитувчи образини тасвиirlар экан, унинг шахсида қуидаги фазилатлар намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди: вижданли, ишchan, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, талабаларга меҳр билан муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, талабаларни ўз ортидан эргаштирувчи ва диний эътиқодни шакллантирувчи.

И.Г.Песталоцци ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли ҳамда фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтади.

А.Дистервег ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини чукур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши талабаларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб уқтиради. Ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукаммал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклигини такидлаб ўтган.

Педагог олим Джон Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатларини ишлаб чиқкан. Улар орасига мўътадиллик, ғайратшижоатлилик, эҳтиёткорлик каби ҳислатларни киритиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ролини асарларида ёритиб берган.

А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, И.Г.Чернишевский, К.Д.Ушинский каби рус педагог олимлари ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Жумладан, А.И.Герцен мулоҳазаларига кўра, ўқитувчининг асосий ҳислати – бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлигини сезишда, болалар руҳий дунёсини тушуна олишида, ахлоқий қобилиятининг мавжудлигида, чунки у шундай истеъдодга эга бўлмоғи зарурки, унга ҳар қайси ўқитувчи эриша олмайди.

Таниқли рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ўқитувчи касбига оид илмий мулоҳазаларида ҳеч бир Қонун ёки Программа, таълим-тарбия

тўғрисидаги метод ёки тамойиллар ўқитувчи шахсининг педагогик фаолиятдаги маҳорати ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни қайта тайёрловчи курслар тизимини ташкил этишни у илк бор асослаб берган.

К.Д.Ушинский ўқитувчининг мashaққатли меҳнатини таърифлаб шундай дейди: “Ҳали етилмаган ва фикри хаёли тарқоқ бўлган ўттиз ёки қирқта ўқувчининг онгини бутун дарс давомида машғул қилиб туриш учун ўқитувчи ўз сўзлари ва берган масалалари тўғрисида кўп бош қотириши, сердиққат бўлиши керак. Мана шу сабабдан билими бўлган ҳар бир киши ўқитувчи бўлишга лаёқатли бўлавермайди. Жамият томонидан ҳамма вақт ҳам етарлича таъриф қилинмайдиган бу вазифани инсоф билан адо қилмоқ учун зўр матонат ва маҳорат талаб қилинади”.

К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича, ўқитувчи қалбининг болаларга нисбатан меҳрини билдирувчи ахлоқий ҳислатларидан бири, муаллимнинг тарбиявий кучини ва қобилиятини кўрсатадиган маънавий ойнаси ижтимоий қимматга эга бўлиб, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиша намоён бўлади. Педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим таркибий қисми ўқитувчининг характеристи ва ҳис-туйғуларида, унинг талабалар билан мулоқотга киришиш усулида намоён бўлувчи педагогик-психологик тракт (одоб, ахлоқ) хусусиятларини кўллашдир. Унинг фикрича, психологик тракт (одоб, ахлоқ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланиладиган фаолият тури, шунинг учун ушбу трактларга эга бўлмасдан, одамлар орасида ҳеч қандай мулоқот ва нутқ қобилиятининг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди.

«Ақлли, фикран бой, бағри кенг инсончалик ҳеч нарса ёшларни қизиқтирмайди, ўзининг ортидан эргаштира олмайди ҳам..., ақл – ақл билан

тарбияланади, виждон – виждон билан, ватанга садоқатлилик – бевосита ватан учун хизмат қилиш билан..., – деб таъкидлаган эди машхур рус педагоги В.А.Сухомлинский, - ўқитувчи ўзининг бутун борлиғи, кундалик ҳаёти, маънавий маданияти билан ҳамкаслари ва талабаларга ўрнак бўлади ва уларни ўз ортидан эргаштиради».

Ўқитувчидаги педагогик маҳоратни шакллантиришнинг илмий – назарий асослари педагог олим В.А.Сластёнин томонидан ҳам тадқиқ қилинган. У касбий – педагогик тайёргарлик, ўқитувчининг шахси ва касбий шаклланиш йўналиши ва бунда педагогик маҳорат тўғрисида сўз юритиб, шундай ёзади: “Ўқитувчи мунтазам равишда педагогик назарияларга таянсагина, ўқитувчилик маҳоратини эгаллайди. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишда педагогик назарияга мурожаат қилишни тақозо этади. Биринчидан, илмий назариялар – тараққиётнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, қоидаларини акс эттирувчи илмий билимлардир, амалиёт бўлса, доимо аник вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият – фалсафа, педагогика, психологияга оид билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли қуриш жуда мушкул”. Демак, ўқитувчидан нафакат педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаш талаб этилади, балки, педагогик амалиётни тўғри ва мақсадли ташкил қилиш учун чуқур илмий-назарий маълумотларга ҳам эга бўлиш лозим.

***Махсус фанларни  
ўқитишига тизимли  
ёндашув***

Махсус фанларни ўқитишига тизимли ёндашув боскичма-боскич амалга оширилади. Бунда ҳар бир қадам

ўқув элементи сифатида қаралади. Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аник элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур булган фаолиятни таъминловчи материаллар хақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яъни таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув материаллари ва ўқув шароитини назорат қилиш ускуналари, чунончи, талабаларнинг қўзлаган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-

шароитлар, тестлар ва бошқалар. Буларнинг бари ўқитиш жараёнининг лойиҳаси (таълим технологияси)да ўз аксини топиши лозим.

Таълим технологияси умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади:

Биринчи - таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ходимнинг фаолият идентификацияси, иккинчиси – ўқув фанининг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, учинчиси – ушбу модель (ўқув элементи)нинг мақсади ва унинг ўқувчилар фаолиятидаги идентификацияси. Шундай килиб, таълимнинг умумий мақсади алоҳида модель ҳам, унинг ташхис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Тизимли ёндашувнинг аниқ анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қиласди. Шу жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан тъминлаш назарда тутилади. Шуларни ҳисобга олиб, моделлашган педагогик технология ишлаб чиқилади. Моделлашган педагогик технологияни ишлаб чиқиши тартиби қўйидаги кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади: аналитик, концептуал (фикр, тушунча) мақсадли, мазмунли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг аналитик босқичларига, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув фанлари бўйича ДТСлари, улардан келиб чиқадиган хulosалар ва ёш авлоднинг гармоник тарзда ривожланишига йўналтирилган таълим мазмунини танлаш ҳолатлари, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиши учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, ифодаланган хulosалар ҳисобга олинади. Моделнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежи, бакалавриат, магистратура, умуман таркиб сифатида ифодаланади.

Бу айникса, боскичли таълим тизимиning алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг мақсадли боскичидан таълим муассасалари (ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт ёки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокда алоҳида ўқув фанларнинг истиқболдаги мақсади, шунингдек, алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиши мақсади ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг мазмунли боскичидан таълим соҳалари, шунингдек, шу блок тизимидағи ўқув фанлари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аникланади. Блоклар хамда улар таркибидаги алоҳида элементларнинг, яъни аниқ фанларнинг мазмунини алоҳида олинган мақсад билан боғлиқ тарзда идентификацияси ўқув фанлари мазмунини ташкил этадиган йирик мавзуларда акс этиши керак. Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг жараёнли боскичидан уқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошкаришларига йуналтирилган таълим тури намоён булади. Бу жараённинг педагогик технологиясида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик усуслар, ташкилий шакллар ва таълим воситаларини танлашга алоҳида ўрин берилади.

Шундай килиб, маҳсус фанларни ўқитишга тизимли ёндашув лойихалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усусларини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргалиқда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, яқуний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

**Маҳсус фанларини  
ўқитишида педагог шахси  
ва унинг педагогик  
маданияти,  
компетентлиги.**

Замонавий шароитда педагогнинг роли шахснинг ўз касбига доир қадриятларни юзага чиқаришда ва

педагогик маданиятни эгаллаш жараёни сифатида мазкур қадриятларнинг интериоризациясида тўлиқ намоён бўлади.

В.А.Сластёиннинг фикрига кўра, “Педагогик фаолиятга доир қадриятларинг интериоризацияси ўқитувчиларнинг касбий маданияти учун тамал тошини қўяди”<sup>1</sup>.

Ўқитувчининг онгида мустаҳкамланган педагогик қадриятлар унинг шахслараро мулокотида, ижодий фаолиятида, бола шахсининг ривожланишида, касбий ҳамкорликда, маънавий қадриятлар алмашинувидаги касбий йўналишлари тизимини ҳосил қиласди.

Олимлар томонидан педагогик қадриятларнинг икки жиҳати алоҳида тадқиқ этилган:

- ўқитувчига унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришига имкон берувчи ва ижтимоий аҳамиятли инсонпарвар мақсадларга эришишга қаратилган унинг ижтимоий ва касбий фаоллигига йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиласиган ўзига хос жиҳатлар<sup>2</sup>;

- педагогик фаолиятни тартибга солувчи меъёрлар ва таълим ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги вужудга келадиган ижтимоий дунёкарош орасида восита ва боғловчи бўгин бўлиб келувчи билиш-фаолият тизими<sup>3</sup>.

Педагогик фаолиятнинг аксиологик характеристики унинг инсонпарварлик мазмунида акс этади. Ўз навбатида, педагогик қадриятлар – бу педагогик фаолиятнинг шундай ўзига хослигики, улар нафақат педагогик эҳтиёжларни қондиришига имкон беради, балки унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини мўлжалга олишга хизмат қиласди. Педагогик қадриятлар ҳаётда ўз-ўзидан тасдигини топмайди. Улар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий

---

<sup>1</sup> Сластёин В.А., Чикагова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Академия, 2003. – С.93.

<sup>2</sup> Скворцов В.Н. Социально-экономические проблемы теории непрерывного образования. – СПб.: Петрополис, 2004. – Б.92.

<sup>3</sup> Сластёин В.А., Исаев И.Ф., Мишенко А.И., Шиянов Й.Н. Педагогика. – М.: Школьная пресса, 2005. – С.116.

алоқаларга боғлиқ. Ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, З.И.Равкин педагогик қадриятларни қўйидагича тасниф этади:

- 1) ижтимоий-сиёсий қадриятлар: таълимнинг ҳамма учун очиқлиги ва бепуллиги, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг билим олишдаги тенг ҳуқуқлилиги, талабаларни ва ота-оналарнинг таълим муассасасини танлаш эркинлиги;
- 2) интеллектуал қадриятлар: билишга эҳтиёж, билишга қизиқиш ва фаоллик, талабаларнинг ижодий фаолияти, фикрнинг гўзаллиги ва сўз билиш фаолияти воситаси сифатида;
- 3) ахлоқий қадриятлар: талабанинг бурч ва шахсий мажбуриятлари, унинг педагогик жараённинг субъекти бўлиш ҳуқуқи, билимларни эгаллашдаги ахлоқий рағбатлар ва мотивлар, ватанпарварлик ва фуқаролик, меҳнат ва бошқа кишиларнинг меҳнатини хурмат қилиш;
- 4) касбий-педагогик фаолиятга доир қадриятлар: ўқитувчи-тарбиячини меҳнат қилишга чорлаш, танлаган касбига масъулият билан ёндашув, педагогнинг маҳорати, унинг изланишли-тадқиқотчилик, инновацион фаолияти, коммуникатив қобилияти, талабалар билан мулоқотдаги ижобийлик, педагогик маҳорат<sup>1</sup>.

В.А.Сластенин эса, касбий йўналганлик тизимига асосланган ҳолда, педагогик қадриятларни қўйидагича тасниф этади:

- 1) мақсадли қадриятлар: шахсий Мен ва касбий Мен йигиндисидаги бўлгуси ўқитувчининг шахсий концепцияси;
- 2) воситали қадриятлар: педагогик мулоқот, техника ва технология, мониторинг, инноватика, интуиция тизими;
- 3) муносабатли қадриятлар: педагогик жараён иштирокчиларининг муносабати, касбий-педагогик фаолиятга муносабат;
- 4) сифат қадриятлари: шахснинг хулқ-атвор, фаолиятга доир хилма-хил сифатлари.

---

<sup>1</sup> Kaldibekova A., Xodjayev B. Pedagogik aksiologya. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O’zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009. – B.49-50.

5) билишга оид қадриятлар<sup>1</sup>.

Н.М.Эгамбердиева педагогик маданиятнинг шаклланишида ижтимоий-педагогик ва шахсий-педагогик қадриятлар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Олиманинг фикрича, ижтимоий-педагогик қадриятлар турли ижтимоий тизимларда иш олиб борувчи ва ижтимоий онгда намоён бўлувчи қадриятларнинг тавсифи ва мазмунини акс эттиради. Бу таълим соҳасидаги жамият фаолиятини тартибга соловччи ғоялар, тушунчалар, меъёрлар, қоидалар, анъаналар мажмуидир.

Шахсий-педагогик қадриятлар эса, ижтимоий-психологик таълим сифатида юзага чиқиб, уларда ўқитувчи шахсининг мақсадлари, мотивлари, идеаллари ва бошқа дунёқарашга оид хусусиятлари акс этади. Бу хусусиятлар мажмуи унинг қадриятлар йўналиши тизимини ташкил этади. Қадриятлар йўналиши сифатидаги аксиологик “Мен” нафақат когнитив(билишга доир) таркибий қисмларни, балки инсоннинг ички йўналганлигига муҳим ўрин тутувчи ҳиссий-иродавий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига олади. Унда ҳам ижтимоий-педагогик, ҳам педагогик қадриятларнинг индивидуал-шахсий тизимига асос бўлиб хизмат қилувчи касбий-жамоавий қадриятлар ўрин олган.

Педагогик қадриятларнинг индивидуал-шахсий тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг ҳам жамиятда, ҳам касбий муҳитдаги ўзини намоён этиши билан боғлиқ қадриятлар (педагог меҳнатининг ижтимоий аҳамиятлилиги, педагог фаолиятининг нуфузи, касбнинг яқин шахсий доирадагилар томонидан тан олиниши ва б.);
- мuloқotga бўлган эҳтиёжларни қондирувчи ва унинг доирасини кенгайтирувчи қадриятлар (болалар, ҳамкаслар, мансабдор шахслар билан мулокот, болаларга бўлган меҳр ва ғамхўрлик, маънавий қадриятлар алмашинуви ва б.);

---

<sup>1</sup> O'sha manba.

- шахснинг ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга қаратилган қадриятлар (касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари, жаҳон маданиятига қўшилиш, севимли машғулот билан шуғулланиш, доимий камолотга интилиб бориш ва б.);
- ўзини ишга сафарбар этишга имкон берувчи қадриятлар (педагог меҳнатининг ижодий характери, педагоглик касбининг ҳиссиётга бойлиги ва мароқлилиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам бера олиш имконияти ва б.);
- прагматик (амалий) эҳтиёжларни қондиришга имконият берувчи қадриятлар (давлат томонидан кафолатланган иш, иш ҳақи, таътил, хизмат поғонасининг ошиб бориши ва бошқаларга эришиш)<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган педагогик қадриятлар ижтимоий ва касбий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган, предметли мазмунига кўра фарқ қилувчи шахсий ва воситали кўринишларга ажralади. Шахсий қадриятлар – бу педагог меҳнатининг ижодий характерини, нуфузлилик, ижтимоий аҳамиятлилик, давлат олдидаги масъулият, ўз-ўзини намоён қилиш имконияти, болаларга меҳр ва ғамхўрликни ўз ичига оловчи мақсадли қадриятлардир. Бу турга хос қадриятлар ўқитувчи, таълим оловчиларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. Мақсадли қадриятлар бошқа педагогик қадриятлар тизимида ҳал қилувчи аксиологик функциялар сифатида намоён бўлади, чунки унинг мақсадида ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти акс эттирилган.

Педагог педагогик фаолият мақсадларини амалга ошириш йўлларини қидирад экан, ўзини ва ўзгаларни ривожлантириш йўлидаги ўз касбий стратегиясини танлаб олади. Бинобарин, мақсадли қадриятлар давлатнинг таълим сиёсатини ва педагогика илмининг ривожланиш даражасини акс эттиради. Бу қадриятлар субъектлашган ҳолда педагогик фаолиятнинг аҳамиятли омилларига айланади ва воситали қадриятларга таъсир кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Egamberdiyeva N.M. Shaxsiy-insonparvarlik yondashuv asosida talabalarni shaxsiy va kasbiy ijtimoiylashtirish: Pedagogika fanlari doktori. ... diss. – T., 2010. – B. 132-133.

Улар назария, методология, педагогик технологияларни эгаллаш натижасида шаклланиб, педагогнинг касбий таълими асосини ташкил этади.

Шахс учун зарурий қадриятлар қўйидаги мақсадли қадриятларни ўзида акс эттиради: ўқитувчи меҳнатининг ижодий ва серқирралилик тавсифи, унинг нуфузи ва ахамиятлилиги, жамият олидаги юксак мъсулият, ўзини намоён қилиш, болаларга меҳр ва бошқалар. Бундай қадриятлар таълим оловчи ва таълим берувчи шахсининг, таълим оловчилар жамоаси ва педагогик жамоанинг ривожланиши билан боғлиқ педагогик фаолиятда ўз ифодасини топади.

Воситали қадриятлар мақсадли қадриятларга эришишда восита бўлиб хизмат қиласди (меҳнат натижаларининг жамиятда тан олиниши, шахснинг қизиқишилари ва қобилияtlарини педагогик фаолият тавсифига мувофиқлиги, касбий ўсиш ва б.).

Шунингдек, педагогик фаолиятга доир қадриятлар педагог нуқтаи назарини ҳам белгилаб беради.

Педагогнинг нуқтаи назари – бу унинг фаоллигининг манбай ҳисобланган оламга, педагогик воқелик, педагогик фаолият ва хусусий ҳолатларга иродавий ва ҳиссий-баҳоловчи муносабати. Бу бир томондан, жамиятнинг унга қўядиган ва тақдим қиласиган талаблари, умидлари, имкониятлари билан аниқланади. Бошقا томондан эса, унинг доирасида ички, шахсий фаоллик манбалар – майллар, кечинмалар, фаолият мотив ва мақсадлари, қадриятлар тизими, дунёқараш, идеаллар амал қиласди.

Педагогнинг нуқтаи назарида унинг шахси, ижтимоий йўналиши тавсифи, фуқаролик хулқ-атвори ва фаолияти намоён бўлади.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари умумтаълим мактаби чоғларидаёқ, қарашлар, қадриятлар тизими тарзида шаклланиб, ривожланиб боради. Уларнинг асосида касбий тайёргарлик жараёнида педагоглик касбига, педагогик фаолиятнинг мақсад ва воситаларига нисбатан қадриятли муносабат таркиб топади. Педагогик фаолиятга нисбатан қадриятли

муносабат, кенг маънода ўқитувчи шахсининг негизини ташкил этувчи йўналганликни ифодалайди.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари қўп жиҳатдан унинг касбий қарашини ҳам белгилаб беради. Бироқ, бу ерда ҳеч қандай тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ, чунки тарбия доим шахсга кўрсатиладиган ўзаро таъсиrlардан ҳосил бўлади. Педагогнинг касбий нуқтаи назарини танланишида қўплаб омиллар таъсиr кўrsатади. Аммо улар орасида ҳал қилувчи ролни касбга доир меъёрлар, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари, темперамент ва характери эгаллайди.

Олий мактаб ўқитувчисининг самарали фаолияти унинг чуқур ва ранг-баранг касбий билимлари, дарс бериш методикасини эгалланганлиги, ўз меҳнатининг психологик асосларини ҳисобга олиши билан боғланган.

Бу вазифаларнинг ҳал қилинишида педагог шахсига муҳим аҳамият берилади.

Олий мактаб ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, балки унингсиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Олий мактаб ўқитувчиси ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мутахассисни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин.

Олий мактаб ўқитувчисига қўйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- *жамият ривожалинининг сиёсий, социал ва иқтисодий йўналишиларини тўғри баҳолай олиши;*
- *муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мутахассисни шакллантириши стандартларини эгаллаган бўлиши;*
- *педагогик фаолиятни севиши;*
- *ўз соҳаси бўйича маҳсус билимларга эга бўлиши;*
- *заковатли бўлиши;*

- *педагогик түйгү;*
- *юксак етуклик;*
- *умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;*
- *педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.*

Педагог шахсига қўйиладиган қўшимча талаблар: *киришиб кета олиш, санъаткорлик, қувноқлик, яхши дид ва бошқалар.*

Юқорида санаб ўтилганлар педагог шахсига хос бўлган туғма хислатлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан хизматлари натижасида юзага келтирилади.

*Компетентлик* тушунчаси деганда маълум бир соҳада талаба (масалан, бўлажак ўқитувчи) томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади<sup>1</sup>. Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан *competenlia, compete* сўзидан олинган бўлиб – “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони белади) лугатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради. Амалда барча лугат тузувчилар “компетентлик” ва “компетенция” категорияларини чегаралаб қўяди. Компетентлик таърифи ўхшаш ва бир-бирини ўрнини эгаллайди (тўлдиради), шу билан бир вактда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча “ваколатлар йиғиндиси (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) қандайdir орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар”, “ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш (эгалик қилиш)”, “кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами (соҳаси)”<sup>2</sup> тушунилади.

---

<sup>1</sup> Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 55.

<sup>2</sup> Маннопов Ж., Холматова А. Касб таълими ўқитувчининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 209-210.

Ҳазрат Навоий педагогик фаолият эгаларининг, аввало, ўз касб соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлишини, уларнинг келгусида амалдор бўлиш орзусида илм олмасликлари ҳамда етук инсоний фазилатлар соҳиби бўлишини ва шу билан бирга барча соҳада ўзгаларга ўrnak бўлишларини эҳтиром билан баён қиласди. Чунки, педагог ўз касбий билим кўникма ва малакалари устида тинмай ғамхўрлик қилишлари билан ўзлари дарс берадиган фанларнинг маҳоратли эгаси бўлишлари, ўзларининг шахсий, инсоний, маънавий ахлоқий фазилатлари билан жамоатчилик, халқ орасида мустаҳкам обрўга эга бўлишига ҳаракат қилишлари лозим, деб билади. Зоро, педагогнинг ижтимоий – маданий мавқеи, обрўси, унинг педагогик фаолияти маҳсулдорлигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

?

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Яхлит педагогик жараён нимани англатади?
2. Таълим мақсади қандай белгиланади?
3. Педагогик аксиома нима?
4. Педагогнинг шахс сифатидаги фазилатлари қандай бўлиши лозим?
5. Махсус фанларни ўқитишга тизимли ёндашув қандай тарзда амалга оширилади?
6. Махсус фанларни ўқитишда педагогик технологиялар қандай босқичларда лойиҳалаштирилади?
7. Замонавий шароитда педагогик қадриятлар интериоризацияси ўқитувчининг педагогик маҳорати учун қанчалик зарур деб ҳисоблайсиз?
8. Педагогик компетентлик тушунчасининг моҳияти нимада?

!

### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент, 2006.
2. Абу Али ибн Сино. Зийнат. Тошкент: Шарқ, 1992.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-ҳулуб. Асарлар 15-том. Тошкент, 1996.

4. Амир Темур ўгитлари /Тўплам. Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. Тошкент: Наврўз, 1992. – 64 б.

5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишининг замонавий усуллари. -Тошкент, 2002.

### **З-МАВЗУ: МАҲСУС ФАН ЎҚИТУВЧИСИННИНГ ЎҚУВ-МЕЪРИЙ ХУЖЖАТЛАРИ.**

#### **Режа:**

1. Педагог шахси ва унинг касбий компетентлиги. Ўқитувчининг инновацион компетентлиги.
2. Ўқув-меърий хужжатлар, ўқув-услубий мажмуалар, таълим технологиялари, ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар.
3. Ўқитувчининг шахсий иш режалари, календар-тематик режалар. Гурух журналларини юритиш тартиби.

#### **Таянч тушунчалар:**

Ўқув-меърий хужжатлар, давлат таълим стандарти, фан дастури, ўқув режа, касбий компетентлик, инновацион компетентлик, билим, кўнишка, малака, шахсий иш режа, календар-тематик режа, профессиограмма, гурух журнали.

***Педагог шахси ва унинг  
касбий компетентлиги.  
Ўқитувчининг инновацион  
компетентлиги.***

Ўқитувчининг педагогик фаолияти, энг аввало, унинг учун мутахассис сифатида шахсий маъно касб этиши билан узвий боғлиқ. Ушбу ҳолат мантиқий иерархик

принципни ўзида акс эттиради, чунки таълим шахсни тараққиёт кўрсаткичига (ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи) боғлиқ бўлиб иккиёқлама таъсир, ҳамкорлик маҳсули самарадорликни белгилайди. Худди шу муносабат билан педагогик фаолиятнинг шаклланиши, ривожланиши, ушбу касб эгалари шахсиятга йўналганликдан ажralган ҳолда ҳукм суриши мумкин эмас. Шунинг учун, касбий ривожланиш билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги чекланганлик

нуқтаи назаридан муаммони тадқиқ этиш педагогика фанининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

*Компетентлик* – у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик<sup>1</sup>. “Компетенция” (лот. competo - эришаяпман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳукуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба<sup>2</sup>. Компетенция сўзининг 16 хил маъноларини психологлар томонидан 7 хил баҳолаш шкаласидан фойдаланишди (интернет-уюшма психологлар эксперт). Экспертлар томонидан қайд этилган тушунчалар қўйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш масалаларини еча олиш қобилияти; аниқ вазиятларда билим ва кўникмаларни қўллай олиш қобилияти;
- касбий стандарт тавсифига мослиги;
- ташкилот томонидан субъектнинг сифатли фаолиятини шакллантириш мақсадида ишчига қўйилган талаб;
- ишчининг хулқ-атвор меъёрлари ташкилотга мослиги;
- билим, кўникма ва малакалар (БКМ), қобилият, мотив, шахс, коммуникатив сифатлар ва бошқа тушунчаларнинг умумий тушунчаси;
- сифатли ишга тайёргарлиги ва кўникмаси;
- лавозим вазифаларига масъуллиги ва ваколати;
- БКМ+касбий муҳим сифатлар;
- компетенциянинг турли жиҳатлари;
- касбий муҳим сифатлар ташкилотчилик контексти билан биргаликда;
- касбий тажрибани чуқур англаниши;
- шахсий хусусият, индивидуаллик;
- муваффақиятли фаолиятда инсон омили;
- самарали ишлаб чиқариш фаолияти мезонлари;
- ижодкорлик;

<sup>1</sup> Педагогикадан атамалар лугати. – Тошкент: Фан, 2008. – 196 б. – Б. 62.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Конигил. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 704 б. – Б. 682.

- аниқ ташкилотларда ишлаб чиқариш вазифалари.

Натижада *компетенция* – бу шундай билимлар, күнікмалар, малакалар, сабаб омыллари, шахсий сифатлар, мақсадлы вазиятларнинг умумий үйғунылиги бўлиб, қайсиким аниқ ташкилот, аниқ гурӯх, аниқ иш жойида, аниқ ишлаб чиқариш жамоаси ижрочиларининг самарали ечимларини таъминлаб беради<sup>1</sup>.

Тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида компетентлик масаласини турли йўналишларда турлича таҳлил қилганлар.

Н.А.Муслимов бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентликларини шакллантиришда *таянч*, умумий ва маҳсус компетентлик даражаларини шакллантириш муҳимлигини аниқлаган. Таянч компетенликлар – таълим олувчининг таълим жараёни ниҳоясида эга бўлган барча тушунчалари, билими, күнкма ва малакалариdir. Хулқ-атвори ва фикрлаши кенг маънодаги “компетентлик” тушунчасига киритилади. Таълим жараёнининг мақсади таълим олувчининг компетентликларини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобланади. Компетентликларни икки турга ажратиш мумкин: 1) ўқув фани ёки таълим йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлган компетентликлар – ихтисосликка оид маҳсус компетентликлар; 2) барча таълим йўналишлари бўйича ҳам муҳим ҳисобланадиган компетентликлар – умумий компетентликлар. Умумий компетентликлар бაъзан “трансверсал күнкмалар” деб аталувчи, яъни, барча ёки кўпчилик фанлар йўналишларига хос бўлган күнкмаларга ўхшаб кетади. Умумий компетентликларнинг қанчалик муҳимлиги тўғрисидаги билимларни ривожлантириш мақсадида уларнинг энг муҳимларининг рўйхатини тузиб олиш зарур, уларнинг аҳамияти ва олий таълим муассасаларида ривожлантирилаётган компетентликларга мос келиш даражаси аниқланиши керак. Компетентлик турларининг умумий томонлари ва фарқлари аниқланиб, таълим йўналишлари бўйича маҳсус

<sup>1</sup> Базаров Т.Ю., Ерофеев А.К., Шмелов А.Г. Коллективное определение понятия «компетенции»: попытка извлечения смысловых тенденций из размытого экспертного знания // Вестник Московского университета. – Москва, 2014. № 1. Серия 14. Психология. – С. 87-99

компетентликлар рўйхати шакллантирилиши керак. Махсус компетентликлар гуруҳидан уларнинг қайси бирлари биринчи босқичда, қайсиси иккинчи босқичда ва қайсилари учинчи босқичда муҳимлиги, шунингдек, қайси босқичлари уларни ривожлантириш кераклиги аниқланади<sup>1</sup>.

Шунингдек, ўз тадқиқотида масалали-фаолиятли моделда таълим мазмуни уч даражада:

- таянч компетентлик (ўкув режасидаги барча блок фанлари учун);
- фанлараро компетентлик (ўкув режасидаги бир блок фанлари тўплами учун);
- предмет доирасидаги компетентлик (ўкув режасидаги бир фан юзасидан) шаклида келтирилган<sup>2</sup>.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

Креативлик термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўнималар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гильфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрнинг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувоғиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)

М.Н.Гнатко креативликни кишининг ижодий имконияти, социал — ижодий фаолликни намоён қила олиш қобилияти билан шартланган киши индивидларининг қандайдир махсус хислати деб қарайди.

---

<sup>1</sup> Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 9-10.

<sup>2</sup> Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Дис. ... пед.ф.д. – Тошкент, 2007. -349 б. -Б. 127

Ижод тушунчасини белгилашда у жараён — натижа тавсифидан, креативликни белгилашда еса субъект — шартлилик тавсифидан фойдаланади.

Ижод мезонлари, унинг психологик механизмлари, ижодий тафаккурнинг ривожланиш техникаси В.А.Кан-Калик, Я.А.Пономарев, С.Ю.Степанов, Т.В.Фролов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ етилган.

Д.Б.Богоявленская ишларида ижод таҳлили бирликлари белгилаб берилган. Бундай бирлик сифатида муаллиф интеллектуал фаолликни кўрсатади ҳамда унинг учта босқичини ажратади:

• Шахснинг бу босқичига, унга ташқаридан берилган вазифаларни ташаббуссиз қабул қилиш характерлидир;

- интеллектуал фаолликнинг евристик босқичи. Бу босқичда ўз фаолияти

таркиби ва тузилмасини таҳлил қилиш давом етади, янгилик очиш оқилона ҳал қилишга имконият берадиган айрим вазифалар қиёсланааи;

- интеллектуал фаолликнинг креатив босқичи. Бу босқичда қўлга киритилган өмпирик қонунлар келгуси тадқиқотлар учун мақсад бўлиб қолади.

Рағбатлантирувчи, самарали ва евристик босқичга қолоқ (экстенсив) ақлий фаолият, креатив босқичга интеллектуал фаолият хосдир.

Н.М.Гнатко креативлик механизмларини қуидаги бўлимларга бўлиб ўрганишни таклиф етади:

- потенциал креативлик;
- фаолиятдаги креативлик.

Потенциал креативлик Н.М.Гнатконинг фикрича, муайян ташқи шароитларда фаол креативликка айланишга назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивидуумнинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. Потенциал креативлик ижоднинг зарурый субектив шартидир.

Фаолиятдаги креативлик - фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг бевосита тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятнинг у ёки бу тури тавсифли потенциал креатив индивидуумнинг индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради. Фаол креативлик ижоднинг енг муҳим субектив шартидир (Н.М.Гнатко).

Тадқиқотлар кўрсатадики, потенциал креативлик, амалга ошириш мумкин бўлган креативликдир. Уни фаолиятдаги креативликка ўтказиш муайян фаолият турини ташувчи (субект) томонидан унинг ўзлаштирилишида туб ўзгартиришлар қилиш орқали амалга ошади.

В.А.Сластенин, Н.М.Гнатконинг потенциал креативликни мунтазам фаолиятдаги креативликка тақлид қилиш асосида ўзгартириб бориш ҳақидаги қарашларига қўшилган ҳолда уни тўлдириб, креативлик тақлид қилиш, нусха олиш йўли билан ривожланади ҳамда тақлид қилиш асосидаги ижод, ҳақиқий ижодга олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; учинчи босқичда ғояни и амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; тўртинчи босқичда эса ўқитишиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Педагогика фанида инновацион компетентликни баҳолашга доир ёндашувлар (В.Н.Гунин, В.П.Бараничеев, В.А.Устинов, С.Ю.Ляпина, У.Иноятов, С.Турғунов, М.Жуманиёзова) ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида диагностик ёндашув кенг тарқалган. Диагностик ёндашувни амалга ошириш аниқ белгиланган мезонлар асосида жамоанинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва таҳлил этиш ҳамда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Педагог инновацион компетентлигининг ривожланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги мезонларга асосланиш мақсадга мувофиқ: 1) янги ахборотни ижобий-танқидий идрок эта олиш; 2) умумий ва касбий билимларни доимий бойитиб бориш; 3) янги рақобатбардош ғояларни олға суриш; 4) ностандарт топшириқларни ҳал этиш ва анъанавий топшириқларни бажаришнинг янги методларини излаб топиш; 5) янгиликни амалга ошириш учун мавжуд билмлардан тўла фойдалана олиш.

Педагогнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришга таъсир қўрсатувчи омиллар сифатида эса қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) педагогнинг ижод қилиши учун эркинликнинг тақдим этилганлиги;
- 2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;
- 3) жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга қўйилганлиги;
- 4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рафбатлантирилганлиги;
- 5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг тақдим этилиши;
- 6) юқори даражадаги ахборий таъминотнинг йўлга қўйилганлиги;
- 7) ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;
- 8) жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-қувватланиши.

Хуроса қилиб айтганда, педагогнинг инновацион компетентлигини ривожлантириш жараёни тадрижий тавсифга эга бўлиб, мазкур жараённинг ўзига хосликлари, тузилиши, унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш, уларда инновацион салоҳиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишини ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

**Ўқув-меъёрий хужжатлар, ўқув-  
услубий мајмуалар, таълим  
технологиялари, ўқув  
адабиётларини яратишга  
қўйиладиган талаблар.**

Ҳар бир суверен давлатнинг  
бош хуқуқий асоси бу унинг  
Конституциясидир.

Конституциямизнинг яратилиши  
ўзига хос ривожланиш йўлини босиб  
ўтганлиги билан тавсифланади. Ўтиш давридаги мураккаб замонда яратилган  
ушбу бебаҳо ва беназир хужжат асосий қонун шаклида жамиятнинг,  
халқнинг манфаати хамда келажагига умид ва ишонч уйғотди, ижтимоий  
тараққиётга мўлжал олувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва  
ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни  
мустакил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез  
мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини ўқув-  
меъёрий хужжатлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим ўқув-меъёрий хужжатларга давлат таълим стандарти,  
ўқув режа, ўқув дастур киради.

Олий таълимнинг *Давлат таълим стандарти* – таълимнинг  
бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига  
қўйиладиган малака талблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр  
тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш  
сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган этalon даражаси;

*Ўқув режаси* – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги  
бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби,  
уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган  
норматив хужжат;

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти:

Кадрлар тайёрлаш сифати, таълим мазмунига қўйилган умумий  
талабларни;

Таълим олувчилар тайёргарлигининг зарурий ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

Ўқув юкламасининг ҳажмини;

Таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда механизмини белгилайди.

ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашида идоравий бўйсенишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ДТС Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Олий таълим мининг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори.

Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- бакалавриат йўналишлари давлат таълим стандартлари;
- магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.

Муайян бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);
- мундарижа;
- бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг умумий таснифи;
- бакалавр ёки магистр тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- таълим дастури мазмуни ва компонентлари;
- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

*Намунавий ўқув режса* олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан турдош олий таълим муассасаларининг шу соҳа бўйича юкори малакали мутахассисларини хамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқиладиган - норматив ҳуқуқий хужжат хисобланади.

Ўқув режа ўқув жараёнини аниклаштирадиган энг асосий хужжат бўлиб унда блокларнинг номлари, ўқув фанларининг номлари, хажми, фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ўтиладиган дарс машғулотларининг (маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория) турлари, жорий аттестациялар, малакавий амалиётлар, таътиллар, давлат аттестациялари ва малакавий битириув ишларининг ҳимояси кўрсатилади.

*Иичи ўқув режса* олий таълим муассасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун намунавий ўқув режага асосан хар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланадиган ўқув жараёнининг асосий норматив хужжати хисобланади.

Тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг графигини тузиш учун асос бўлиб хисобланади. ОТМ ўқув жараёни графигида тегишли белгилар асосида хар бир курс учун хафта

кунлари ойлари, назарий таълим, амалиёт, якуний назорат, таътиллар кўрсатилади.

Ишчи ўқув режалар намунавий ўқув режаларга асосан аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича хар ўқув йили учун таълим дастурлари, ўқув курслари, фанлари ва ўқув йиллари бўйича ихтисослик, танлов ва қўшимча фанларни шакллантирган холда ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Ихтисослик фанлари юқори малакали кадрлар тайёрлашни ажралмас қисми бўлиб, талабалар томонидан танланган мутахассисликни турли соҳаларида янада чуқурроқ билим ва кўникмаларни эгаллаш, шунингдек магистратура босқичида ўқишини давом эттиришни назарда тутган холда шакллантирилади.

Мутахассис чиқарувчи хар бир кафедра ўзининг ихтисослик фанлари рўйхатини шакллантиради. Ихтисослик фанлари ишчи ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокида кўрсатилади.

Қўшимча фанлар блоки талабаларнинг таълим фанлари бўйича қўшимча равишда билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори канъюктураси тез ўзгараётган шароитида бакалавриат йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлашни инобатга олган холда шакллантирилади.

Олий таълим муассасаларида фанлар бўйича ўқув дастурларини тузишда методик кўрсатмалар ва йўриқномаларнинг мавжуд эмаслиги хозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири хисобланади. “Ўқув дастури нима?”, “Ўқув дастурининг қандай турлари мавжуд?”, ”Ўқув дастурининг тузилиши ва мазмуни қандай бўлиши керак?”, “Ўқув дастури ким томонидан ишлаб чиқилади?”, “Ўқув дастури ким томонидан тасдиқланади?” “Намунавий ва ишчи ўқув дастурларининг фарқи нималардан иборат?” деган ўринли саволлар туғилади.

Ўқув дастури меъёрий хужжат сифатида Олий таълим муассасаларида таълим фаолиятининг асоси бўлиб хисобланади. Унда ўқув фанлари бўйича талабалар томонидан ўзлаштириладиган асосий билим ва зарурий кўникмалар назарда тутилади.

Ўқув дастурлари икки турга бўлинади:

- Намунавий ўқув дастур
- Ишчи ўқув дастур.

*Намунавий ўқув дастури* - намунавий ўқув режадаги аниқ фанлар бўйича давлат таълим стандартларига асосан таянч ОТМларининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқиладиган, ўқув материалларни ўзлаштиришга ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган мажбурий талабларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ОТМлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун тавсия этиладиган меъёрий хужжат хисобланади.

Намунавий ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғи билан таянч этиб белгиланган олий таълим муассасалари кафедраларида тегишли фан соҳасидаги етук олимлар, мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан ташкил топган ижодий гурӯҳ томонидан тузилади.

Намунавий ўқув дастури қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Кириш
- Асосий қисм
- Амалий машғулот мавзулари
- Семинар мавзулари
- Мустақил таълим мавзулари
- Тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-ҳисоб, курс ишлари, лойиҳалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари ҳам келтирилиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ўқув режаларига киритилган муайян фан учун ажратилган энг қўп вакт бюджетига мослаб, ҳар 20-соатлик материал учун тахминан бир бет ҳажмда тузилади.

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденциясини ҳисобга олиш Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айниқса умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ва олий таълимда узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, ҳусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиши шарт. Дастурда таълим оловчиларнинг мустақил билим излаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиш жараёнини интерактив педагогика асосида ташкил этишга мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Намунавий ўқув дастури таянч олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси, факультет ёки ОТМ услугбий (илмий) кенгашида муҳокама қилинади.

Намунавий ўқув дастурига камида 2 та ташқи тақриз олинади.

Ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича тузилган намунавий ўқув дастурлари маҳсус методологик комиссиясига муҳокама қилиш учун топширилади.

Барча фанлар бўйича тузилган намунавий ўқув дастурлари олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтиши шарт ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан рўйхатга олинади ва амалга киритилади.

Намунавий ўқув дастурлари вазирликнинг тегишли бошқармаси томонидан тасдиқга тавсия этилади ва рўйхатга олинади. Бу ҳақда намунавий ўқув дастурнинг бош вароғига белги қўйилади.

Намунавий дастурнинг эталон нусхаси вазирликда сақланади. Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

Намунавий дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга холларда 5 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва ушбу тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Намунавий ўқув дастурларини қўпайтириш ва тарқатиш хуқуқи таянч олий таълим муассасалари ва ОЎМТВ хузуридаги ривожлантириш марказига берилади. Нашр этиш ёки қўпайтириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олиб дастурга нарх белгиланиши мумкин.

*Ишчи ўқув дастури* - ОТМнинг аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги талабалари учун ўқув режадаги аниқ хар бир фан бўйича намунавий фан дастурига асосан профессор-ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган, фаннинг мазмунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, мавзуларнинг ўқитиш кетма-кетлигига риоя қилинган холда фанга ажратилган соатлар аниқ кўрсатилган меъёрий хужжат хисобланади.

Ишчи ўқув дастури тегишли таълим стандартларини конкретлаштиради, ўқув жараёнини услубий, информацион ва техник жихатидан таъминланишини назарда тутади. ОТМларда талабаларни тайёрлаш ва ўқитиш хусусиятларини акс эттиради.

Ишчи ўқув дастури олий таълим муассасаси таълим дастурини асосий қисми сифатида талабалар томонидан махаллий шарт шароитларни хусусиятларни хисобга олган ҳолда давлат таълим стандартига асосан мажбурий минимум талабларни олинишини кафолатлайди.

Намунавий ўқув дастури асосида тузилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланиловчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимни

назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услугий тавсиялар аниқ кўрсатилади шунинг учун унинг ҳажми чекланмайди.

Ишчи ўқув дастурида қўйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- ДТС талаблари;
- Ўқув дастурларини мазмунига қўйиладиган мажбурий талаблар;
- Талабалар учун бериладиган ўқув материалларининг максимал ҳажми;
- Битирувчиларни тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- ОТМ томонидан ўқув режага асосан белгиланган ўқув юкламасининг ҳажми;
- таълим дастурларини мақсади ва вазифалари;

Юқорида келтирилган компонентлар асосида ишчи ўқув дастурининг тузилиши ишлаб чиқилади ва қоидага асосан унинг таркиби қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Титул вараги
- Кириш
- Фаннинг мақсади ва вазифалари
- Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
- Талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар;
- Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, услугий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги
- Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни
- Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар
- Фан бўйича соатлар тақсимоти
- Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни
- Семинар машғулотлари мавзулари ва режалари
- Мустақил иш мавзулари
- Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Ишчи ўқув дастури хар ўқув йили учун профессор - ўқитувчилар томонидан тузилади, кафедра йигилишида кўриб чиқиб мухокама қилинади ва факультет ўқув – услубий кенгашида кўриб чиқиб маъқулланади.

Янги ўқув йилининг бошланишидан олдин август ойида ишчи ўқув дастурлари факультет кенгашининг қарори билан тасдиқга тавсия этилади ва факультет декани томонидан тасдиқланади.

*Ўқув-услубий мажмуа* – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникума, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси компонентларининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофик, ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамоиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси структура жиҳатдан қуйидагиларни ўз ичига олади: титул вароги, мундарижа, намунавий фан дастури, ишчи ўқув дастури, маъруза матни, ҳар бир мавзу бўйича ўқитиш технологиялари, семинар ёки амалий машғулотлар ишланмалари, савол ва топшириқлар, тестлар, масала ва машқлар, муаммоли вазиятлар, кейс-топшириқлар ҳамда фан бўйича мавзулар юзасидан адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади. Ўқув-методик комплекс фан бўйича керакли бўлган барча меъёрий хужжатлар ва ўқув материалларини ўз ичига олади, бу эса ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам қулайлик яратади. Ўқув-методик комплекс ўқув йили бошланмасдан аввал шакллантирилади ва ОТМ раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Унинг борлиги таълим-тарбия жараёнини тизимли, узвий тарзда олиб боришга

имкон яратади. Ҳар бир фан ўқитувчиси УМК тасдиқлангач, унинг электрон шаклини ОТМ ахборот ресурс марказининг электрон базасига топшириб кўйиши керак. Талабалар УМКдан бемалол АРМда фойдаланиб, дарсга тайёргарлик кўришлари мумкин бўлади. УМК ўқитувчининг масъулиятини ошириш билан бирга унинг дарсга қандай тайёргарлик кўрганини, педагогик маҳорати ва касбий компетентлигини кўрсатиб берадиган асосий восита, аникроғи ўқув-меъёрий хужжат ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда фанлардан тайёрланадиган УМКлар ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам методик жиҳатдан паст савияда, ёки шунчаки хўжакўрсинга тайёрланмоқда. Айниқса, маҳсус фанлардан УМКни бундай тарзда тайёрланишига умуман йўл қўйиб бўлмайди. УМК ҳам муаллифлик иши ҳисобланади, уни ишлаб чиқиша плагиат ва кўчирмачиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир мавзу батафсил очиб берилиши лозим. Баъзан шундай ҳолатларга дуч келинадики, фан битта, номи бир, ўқув соатлари ҳам бир хил, лекин бошқа-бошқа таълим йўналишларида ўқитилади, турли йўналишда бошқа-бошқа ўқитувчи ўқийди, ва ҳар бир ўқитувчи алоҳида УМК ишлаб чиқади, бу нотўғри, битта фан, бир хил соат бўлса, уни муаллифлар жамоаси ишлаб чиқиши лозим. Ҳар бир педагогнинг методикаси турлича бўлиши мумкин-ку деган савол туғилиши табиий, таълим мазмуни, ўқитиш технологиялари умумий тарзда берилиб, уни амалда қўллашда эса ҳар бир педагог креатив тарзда ўз методикасидан фойдаланиши мумкин.

**Ўқитувчининг шахсий иш  
режалари, календар-  
тематик режалар. Гуруҳ  
журналларини юритиши  
таратиби.**

Ўқитувчилик фаолияти “Инсон-инсон” касб гурухига киради. Педагог профессиограммасига эътибор қаратилганда, биз мутахассис юксак ахлоқли, кучли иродага эгалиқ, аниқ мақсадга эгалиқ, одамларни тушуна олиши, эътиборли бўлиши, тасодифий вазиятларга тез йўналган бўлиши, ҳиссий жавобгарликка эга бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

М.Г.Давлетшиннинг фикрича, педагогик профессиограмма (касбий таснифнома)да бўлажак педагогларга хос қўйидаги сифатлар акс этиши керак:

- шахсий хислатлар (болаларни яхши кўриш, уларни севиш, меҳнатсеварлик, жамоат ишларида фаоллик ва бошқалар);
- касбга хос билимларга эгалик (таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши, психология асосларини, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши ва бошқалар);
- ўз касбига хос хислатлар (ҳозирги замон педагогикасининг методологик билимларни эгаллаши, кузатувчанлик, диққат-эътиборни тақсимлай олиши, педагогик фантазиянинг риволанганлиги, педагогик такт ва ҳакозолар);
- шахсий-педагогик улдабуронлик (машғулотлар учун зарур материалларни танлай олиш, талабаларнинг билиш фаолиятини бошқара олиш, ўқув мақсадларини режалаштира олиш ва бошқалар);
- муроқотга кириша олиш (коммуникативлик) малакага эгалик (болаларни ўзига алб этишни билиш, болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиш, болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиш ва ҳакозолар);
- гностик (билиш) малакаларига эгалик (болаларнинг асаб-психик тараққиёти дараасини аниқлай олиш, ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натиаларини танқидий таҳлил қила олиши ва бошқалар);
- ижодий хислатлари (педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиш, талабаларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти ва ҳакозолар)<sup>1</sup>.

Е.М.Иванов касбий фаолиятга индивид ва меҳнат жамоасининг ижтимоий-иктисодий ва маънавий ўзаро ҳаракати усули сифатида қарайди. Б.Г.Ананев, К.К.Платонов ва М.О.Очиловлар касбий фаолиятда индивид ва

---

<sup>1</sup> Davlatshin M.G. Zamonaviy maktab o'qituvchisining psixologiyasi. – T.: O'zbekiston, 1999. – B.11-12.

ходим шахсини шакллантиришга таъсир этишда ўзароалоқадорликнинг мавжудлигини қайд этиб ўтишади.

В.А.Сластёин, С.Б.Елканов, А.Ж.Ажибаевалар “педагогик касб тарбияси” тушунчасини қуидагида изоҳлашади: “Натижаси бўлажак педагог томонидан касбий қадриятларни ва идеалларни эгаллаш, унинг маънавий эҳтиёжларини ва қизиқишиларини, ижтимоий қимматга эга мотивларни кенгайтириш, ҳиссий, ахлоқий ва эстетик туйғуларни, эмпатик қобилияtlарни бойитиш, амалий педагогик кўникма, малака, одатларни, ўз-ўзини рефлекция қилиш тажрибасини эгаллаш каби шахс хусусиятларини шакллантириш мақсадига қаратилган тадрижий диалектик ҳаракатдир”<sup>1</sup>.

Педагогик мутахассислик – педагогик ихтисослик доирасидаги муайян фаолият тури. У аниқ меҳнат предмети ва мутахассиснинг аниқ функцияси билан боғлиқ.

Хар бир педагогнинг ўқув йили давомида методологик жиҳатдан бажарадиган функциялари мавжуд. Яъни у педагогик фаолиятини молиялаштиришга асос бўладиган ҳужжатларни юритиши лозим. Мазкур ҳужжатларга шахсий иш режа, календар-тематик режа ҳамда гурӯҳ журнали киради.

Олий таълим педагоги ўқув йилининг бошида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган “Вакт меъёрлари” асосида ўз *шахсий иш режасини* ишлаб чиқади. Унга кўра ҳар бир педагог кафедрада эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқиб, бир ўқув йилида амалга оширадиган ишларининг режасини тузади, яъни унга кафедра мудири томонидан ажратилган ўқув юклама (аудитория машғулотлари ва талабалар билимини баҳолаш рейтинги ҳамда аудиториядан ташқари: курс иши, битириув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларига раҳбарлик, малакавий амалиётга раҳбарлик) каби соатларни ёзиб чиқади, сўнгра ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ҳамда

<sup>1</sup> Сластёин В.А., Чикарова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Академия, 2003. – С.93.

маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар режаларини шакллантиради. Педагогнинг шахсий иш режаси кафедра мудири, факультет декани ҳамда проректорлар томонидан имзоланиб, тасдиқланади.

Ўқув йили давомида педагог шахсий иш режасига биноан фаолият олиб боради. Ўқув йили якунлангач, ҳар бир ўқитувчи шахсий иш режасида кўзда тутилган ишлар ҳисоботини топширади, агар у режадан ташқари ишларни амалга оширган бўлса, булар ўқитувчининг рейтингини янада оширади ва ОТМ раҳбарияти томонидан ўрнатилган тартибда рағбатлантирилади.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тўғри олиб борилаётганлигини назорат қилишга имкон берадиган яна бир муҳим ҳужжат – **календар-тематик режа** деб аталади. Календар-тематик режа ҳар бир фан бўйича ҳар бир курс ва таълим йўналиши учун алоҳида шакллантирилади ва кафедра мудири томонидан имзоланиб, тасдиқланади. Календар-тематик режада фан номи, курс, гурух рақами ва фан ўқитиладиган семестр кўрсатилади. Кейин дарс жадвалига асосан фаннинг мавзулари, машғулот тури, ажратилган ўқув соати, сана ва ўқитувчининг имзоси қайд этилади. Ҳар бир дарс календар-тематик режа асосида ўтказиб бўлингандан сўнг, ўқитувчи томонидан имзоланади. Бу ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, ўқитувчи ўқув юкламасининг ўз вақтида бажарилишини кўрсатиб беради.

Ҳар бир таълим йўналиши ва курснинг гурух журналида календар-тематик режадаги мавзулар акс эттирилади ва ўқитувчи томонидан сана, имзо билан расмийлаштирилади. **Гурух журнали** ҳам муҳим ҳужжатлардан биридир. Журнал ҳар бир талабанинг давомати, фанларни ўзлаштириш даражасини кўрсатиб беради. Гурух журнали ҳар бир семестр учун янги тутилади ва факультетда (деканатда) сақланади. Гурух журналида талабаларнинг рейтинг баллари қайд этилади ва жорий, оралиқ ҳамда яқуний назоратлар баллари қайднома ва рейтинг дафтарчасига кўчирилади. Талабалар рейтинги, ўзлаштириш кўрсаткичлари уларни курсдан-курсга кўчиришга юридик асос бўлиб хизмат қиласи. Шу боис ҳам ҳар бир фан

ўқитувчиси журнал юритиш қоидаларига семестр давомида қатъий амал қилиб бориши лозим.

Педагогик малака – мутахассиснинг маълум турдаги вазифани ҳал этишдаги имкониятларини ифодаловчи касбий-педагогик тайёрланганлик даражаси ва кўриниши.

Касбий фаолият яхлит тизим сифатида бир қанча таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштиради. И.П.Подласийнинг касбий салоҳиятнинг тузилишига доир таснифидан келиб чиқиб, Н.М.Эгамбердиева педагогик таълимдаги касбий етуклик (профессионаллашув), ижтимоийлашув, инсонпарварлашув ва маданий ижодкорликнинг замонавий йўналишларига мувофиқ келувчи қуидаги муҳим тузилишли таркибий қисмларни ажратиб кўрсатади:

- педагогик маданият;
- педагог ижодкорлиги;
- педагогик ақл-идрок;
- касбий чуқур билимга эгалик;
- индивидуал фаолият услуби;
- ижодий ташаббуснинг ривожланиши;
- индивидуал фаолият;
- инсонпарварликка йўналтирилганлик;
- ижтимоий фаоллик.

Исталган касбий фаолият зарурий касбий сифатларни шакллантириш тизими асосида амалга ошади. Бундан келиб чиқадики, исталган фаолият белгиланган сифатлар тўпламини талаб этади. А.В.Карповнинг фикрича, касбий зарурий сифат – бу уни белгиланган меъёр даражасида амалга ошириш учун етарли ва зарур фаолият субъектининг индивидуал хусусиятидир. Унинг таъкидлашича, касб вазифасида фақатгина шахсий психик эмас, балки психикадан ташқари – соматик, биологик, морфологик, типологик, нейродинамик хусусиятлар ҳам юзага чиқиши мумкин. Бундан ташқари олим касбий етукликнинг тузилишини ифода этувчи индивидуал сифатлар гуруҳини ҳам белгилаб беради:

- абсолют касбий зарурий сифатлар – ўртача даражадаги фаолиятни бажариш учун зарур хусусият;
- ўзида фаолиятнинг юқори ва сифат кўрсаткичларига эришиш имкониятини аниқлаб берувчи муҳим касбий зарурий сифатлар;
- у ёки бу фаолиятни амалга оширишга мотивацион тайёрлик;
- анти касбий зарурий сифатлар – уларнинг ривожланишининг минимал даражасини таклиф этувчи ёки бирор ва шунга ўхшаш фаолиятда қарама-қарши кўрсаткич сифатида юзага чиқувчи хусусиятлар.

?

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. “Меъёрий хужжат” тушунчасига таъриф беринг.
2. Қандай ўқув-меъёрий хужжатлар асосида таълим олиб борилади?
3. Касбий компетентлик, инновацион компетентлик тушунчаларини изоҳланг.
4. Педагогнинг касбий билимлар даражасининг тузилишини баён этинг.
5. Педагогнинг касбий ва шахсий фазилатларига нималар киради?
6. Педагог профессиограммаси нимани ифодалайди?
7. Шахсий иш режа, календар-тематик режа қандай юритилади?
8. Гурух журналларини юритиш қоидалари нималардан иборат.

!

### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР**

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
2. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

4. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. -102 б.

5. Қосимова З. Таълим технологиялари. –Т.: Тафаккур қаноти, 2014. - 208 б.

#### **4-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ.**

##### **Режа:**

1. Maxsus фанларни ўқитиш мазмунини белгилашда соҳага йўналганлик.
2. Maxsus фанларни ўқитиш мазмунини белгилаш тамойиллари.
3. Ўқитиш мақсади ва мазмунининг бирлиги. Maxsus фанларни ўқитиш мазмунининг ўзлаштириш даражасини таъминлай олиши.
4. Ўқитиш обьекти, ўзлаштириш обьекти ва ўқитиш натижаси

##### **Таянч тушунчалар:**

Ўқитиш мазмуни, тамойил, мақсад ва мазмун уйғунлиги, ўзлаштириш даражаси, ўқитиш обьекти, ўқитиш натижаси, ўзлаштириш даражаси, педагогик таъсир кўрсатиш, коммуникация, соҳага йўналганлик.

##### **Maxsus фанларни ўқитиш мазмунини белгилашда соҳага йўналганлик.**

Замонавий шароитда таълим ва тарбия жараёнларининг сифатли, самарали ташкил этилиши ижтимоий зарурат сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур заруратнинг қондирилиши педагогларнинг юқори даражада касбий компетентлик, маҳорат ва малакаларга эга бўлишларини тақозо этади. Педагогларнинг таълим жараёнига креатив ёндашувлари талабаларда таълим олишга бўлган қизиқиши, мотивацияни юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Қолаверса, талабаларнинг мутахассис сифатида креатив сифат, ижодкорлик қўнишка, малакаларини фаол ўзлаштиришлари учун зарур шароитни яратади.

Maxsus фанларни ўқитишида соҳага йўналганлик энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Албатта, олий таълим негизида ҳар бир таълим йўналиши, магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланаётган

кадрлар соҳанинг барча жиҳатлари ҳақида билим, кўникма ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Бу эса бевосита олий таълим муассасасида маҳсус фанлардан дарс бераётган ўқитувчига ҳамда ўша соҳанинг таълим мазмунини ишлаб чиқувчи мутахассисларга боғлиқ.

Маълумки, умумий меҳнат билан касб ихтисослиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Чинакам касбий моҳирлик даражаси шахснинг умумий ривожланиши билан тўғридан-тўғри боғлиқликда, алоқада бўлади. Зоро, касбни аниқ танлаш, унга бўлган қизиқишни орттириш, маҳоратли бўлишни ўйғотади. Маҳоратли касб эгасининг маънавий дунёси бой, ишлаш қобилияти теран бўлади ва у ўз касби ёрдамида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам катта фойда келтиради. Шунинг учун касбий маҳоратни шакллантириш, тарбиялашга ва ниҳоят уни такомиллаштириш таълим ислоҳотларининг долзарб масаласидир.

Ушбу масаланинг аҳамиятини педагогик назария ва тажриба яна қўйидаги ҳолат билан исботлайди: педагогик изланиш, таълимий ўқиш, ўқитишининг меъёрий хужжатлари, дарсликлар, қўлланмалар, ахборот воситалари қанчалик мукаммал бўлмасин, педагогик амалиёт, таълим-тарбия ишларининг муваффақияти охир оқибатда педагог шахсига, яъни таълим менежерига, унинг креатив сифатларига боғлиқ. Эҳтимол, шу нуқтаи назардан ҳам Республика Президенти Олий мажлиснинг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиядаги “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусидаги маъruzасида “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо шу ерда. Ўқитувчи талabalаримизга замонавий билим берсин, деб талаб қиласиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”<sup>1</sup>- деб таъкидлагани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 31-32.

бугунги кунда “... домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шартшароит туғдиришимиз керак. Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламасалар, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарга бориб келмаса, тажриба алмашмаса, албатта, бундай ахвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади.... Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўzlари лекция ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўси – номи оламга овоза бўлади, иншооллоҳ”<sup>1</sup>.

Зеро педагогнинг билими, унинг креатив тафаккури, инновацион кўникма ва малакалари ўсиб келаётган ёш авлод тақдирини белгилаб беради. Ушбу фикрларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда мамлакатимизда бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келаётгани таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, ёшларда ҳаётга янгича қараш, янгича тафаккурни ривожлантиришга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бу эса педагоглар зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёш мутахассисни пухта илмий-назарий билимлар билан қуроллантириш, эгаллаган илмий билимларни амалий фаолиятда қўллаш, кўникма ва малакаларга эга қилиш, тарбиялаш албатта осон иш эмас. Ўқишига илмий, онгли муносабат билан қарайдиган, мустақил фикрлайдиган, мукаммал маълумотларни эгаллашга эҳтиёжли, билиш фаоллиги ва ақлий меҳнат маданиятини ўзида мужассамлаштирган ёшларни вояга етказиш - муҳим ва давлат аҳамиятидаги вазифадир.

Ҳозирда таълим моҳиятини тушунишга турлича ёндашув мавжуд. Яъни:

---

<sup>1</sup> Ўша манба, -Б 60.

1. Социологик ёндашувга кўра таълимнинг моҳияти ижтимоий тажрибаларни ёшларга етказишдан иборат. Талабалар инсониятнинг ижтимоий-тариҳий тажрибаси натижалари бўлган билимларни ўрганадилар.

2. Хусусий педагогик ёки дидактик ёндашув яхлит таълим жараёнининг боришини белгилаб берувчи билим олиш босқичлари (ўкув материалини ўрганишни, уни англаб етиш, мустаҳкамлаш, амалий фаолиятда билимларини қўллаш)ни ифодалайди.

3. Психологик ёндашув Л.С.Выготскийнинг (1896-1934 йиллар) таълимнинг шахс ривожланишида асосий омил бўлиши ҳақидаги “яқин ривожланиш зонаси” (таълимнинг фақат яқин зонада қурилганда, ҳали тўла шаклланмаган, лекин ўқув жараёнини қуришга асос бўла оладиган механик ҳаракатлар асосланғандагина мазмунга эга бўлиши) деб юритилувчи қарашининг яратилиши билан боғлиқ.

4. Диалектик ёндашув табиат, жамият ва фикрлашнинг ҳаракатланиши ҳамда ривожланиши борасидаги умумий қонунларни ёритувчи фалсафий таълимотга асосланади. Унга кўра таълим жараёни инсон онгининг борлиқни акс эттира олишига имкон бериши зарур. Бу ёндашувга кўра ривожланишнинг асоси қарама-қаршилик ҳисобланади.

Диалектик ёндашишга биноан таълим жараёнининг асосий қарама-қаршиликлари қўйидагилар саналади:

1. Ижтимоий-тариҳий (илмий) билимлар ҳажми ва талаба ўзлаштирган билимлар ҳажми ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршилик таълим жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

2. Талабанинг билими ва у эгаллаб олиши керак бўлган шакл, метод ва воситалари) даражаси ўртасидаги қарама-қаршилик. Уни ҳал этиш талабанинг интеллектуал ривожланиши суръати ва даражасига боғлиқ.

3. Талабанинг мавжуд ривожланиш даражаси билан ижтимоий буюртмада кўзда тутиловчи ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршилик. Агарда ижтимоий талаб боланинг идрок этиш имкониятидан юқори бўлса, унда жиддий қийинчилик юзага келади.

5. Аксиологик (юононча “axios” – қимматли, логия – фан) ёндашув – қадриятлар ҳақидағи фалсафий таълимот бўлиб, унга кўра таълим жараёнида талаба ҳаёт, соғлик, муҳаббат, оила, таълим, меҳнат, тинчлик, ишонч, гўзаллик, ижод, инсонийлик ва шу каби қадриятлар билан таништириб борилиши лозим.

Махсус фанларни ўқитиш мазмуни Давлат таълим стандарти, муайян таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг малака талабларида белгилаб берилади. Талаба соҳа мутахассиси бўлиши учун неча соат ҳажмида махсус фанларни ўзлаштириши лозим, ўқиш даврининг неча фоиз микдорида ихтисослик ёки мутахассислик бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлиши лозимлиги ДТС, ўқув режа, ўқув дастури каби меъёрий ҳужжатларда ифодаланган бўлади.

***Махсус фанларни ўқитиш  
мазмунини белгилаш  
тамойиллари.***

Охирги йилларда таълим мазмунини танлашда гуманитарлаштириш (инсонийлаштириш) ва

фундаменталлаштириш каби тамойиллар етакчи ўрин эгалламоқда. Бу эса таълим мазмунининг шахснинг инсонпарварлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлишини англатади.

Махсус фанларни ўқитиш мазмунини белгилашнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд: таълим мазмунини инсонийлаштириш таълим жараёнида талаба шахсининг устувор ўрин тутиши, унинг шахси, хоҳишистак ва қизиқишлигини хурмат қилиш, биринчи навбатда уларнинг қобилияtlарини ривожлантириш, мустақил ҳаётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутади.

Таълимни инсонпарварлаштириши янги таянч ўқув режасининг иккинчи муҳим ғоясидир. Таълимни гуманитарлаштириш биринчи навбатда таянч ўқув режасида гуманитар фанлар ҳажмини оширишда ўз ифодасини топади (50 фоиздан кўпроқ). Бу хусусан эстетик тарбияни ташкил этишга ўқув вақтини икки баробар кўпайтиришга имкон беради.

Таълим янги мазмунини ишлаб чиқишнинг учинчи ғояси – *таълимни дифференциялашириши* (*табақалашириши*). Бу йўналиш мажбурий курслар билан бирга юқори курсларда чукурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитиш, фанларни танлаш асосида олиб боришни қўзда тутади. Гуруҳда, синфлар ўртасида ҳамда турли ёшдаги ўқув гурухларида факультатив курсларни индивидуал, гуруҳли машғулотлар ҳамда қизиқишлирига кўра тўгаракларни ривожлантириш ҳам қўзда тутилади.

*Курсларни интеграциялашириши* (*ўзаро мувофиқлашириши*) таълимнинг янги мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган яна бир ғоя талабаларда дунёни яхлит тасаввур қилиш лаёқатини ривожлантиришда умумлаштирувчи, дунёқарашни шакллантириш имконини берувчи интегратив фанларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

*Стандартлашириши* (*давлат миқёсида ўрнатилган ягона қоида ва талабларга мос келиши*) – бу мажбурий ўқув фанлари тўпламини соатлари аниқ белгиланган ҳажмини белгилаш. Таълим стандартлари ёрдамида таълим муассасаларида ўқув ишларининг нормативлари мослаштирилади, талабалар билимларини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилади.

*Кўп босқичлилик* – бу таълимнинг ҳар бир босқичида талабанинг имконият ва қизиқишлири даражасига жавоб бера оладиган билим даражасига эришиш имконини берувчи кўп босқичли таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.

*Амалийлашириши* – шахс (талаба)ни ижтимоий фаолиятга назарий билимларни пухта ўзлаштирган ҳолда уларни амалиётда фаол қўллай олишга тайёрлаш.

*Таълимни ахборотлашириши* талабаларни ўқитиш жараёнида ҳисоблаш техникаси ва ахборот технологияларидан оммавий ва кенг фойдаланиш билан боғлиқ бўлади.

*Индивидуаллашириши* таълим-тарбия жараёнида талаба ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамма турларидан фойдаланган ҳолда уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантиришdir.

Узлуксизлик жамият ҳаётининг тез ўзгариб бориши шахсни доимий равишда мустақил таълим олишга ундовчи жараён моҳиятини англатади.

Чех педагоги Я.А.Коменский XVII асрда таълим жараёнининг моҳиятини илмий асослашга уринди. Аллома боланинг ақлий, жисмоний ўсишини табиий қонуниятга мувофиқ келиши ғоясини асосланган ҳолда

*Ўқитиши мақсади ва  
мазмунининг бирлиги.  
Махсус фанларни ўқитиши  
мазмунининг ўзлаштириши  
даражасини таъминлай  
олиши.*

таълим жараёни, унинг тузилиши, тамойил ва методлари белгилайди. Я.А.Коменскийнинг бу ғояси таълим жараёнининг гносеологик асосларини кўрсатиш, ўқув жараёнига табиий ва ижтимоий қонуниятлар таъсирини

ёритишига уринишдир.

Маълумки, ўқув мақсадларини белгилашда уч асосий жиҳатни ҳисобга олиш муҳим. инглиз психологи Бенжамин Блум ўзининг “Таксономия” номли (1956 йил) китобида ўқув мақсадлари когнитив соҳа (билишга оид), аффектив (руҳий-эмоционал), психомотор (таянч-харакат аъзолари) соҳаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши кераклигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, қайси фандан дарс берилишидан қатъий назар, сиз кирган аудиторияда шахснинг билиш жараёнлари турлича бўлган, яъни турли диққат, хотира, сезги, идрок, тасаввур, тафаккурга эга талабалар бўлади. Когнитив жиҳатга ана шу омиллар киради. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, яъни характер, темперамент, қобилият – булар ҳам ҳар бир талабада ҳар хил, аффектив соҳани ҳисобга олиш деганда айнан ушбу омиллар назарда тутилган. Психомотор соҳа, талабаларингиз орасида жисмоний имконияти чекланган, ногирон талабалар бўлади. Шунингдек, турлича пластика, ритмика, пантомима, тана хатти-харакатлари, яъни физиологик жиҳатдан турлича ривожланган шахслар масаласини ҳисобга олиб мақсадни белгилаш ҳам таълим-тарбия жараёнининг муҳим элементларидан биридир.

Ўқитиши мақсадини белгилашда яна бир муҳим жиҳат бу қўйилган мақсаднинг кутилаётган натижага мувофиқ бўлиши, яъни идентив мақсад белгиланиши. Ўтаётган дарсизиз қачон самарали бўлади. Қачонки, биз мақсадни аниқ белгиласак, ўқитиши мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини оқилона танлай олсак ва шундан келиб чиқиб, натижани ойдинлаштириб олсаккина, биз кутаётган натижа кафолатланади, белгиланган мақсад эса кутилаётган натижага идентив тарзда мос келади.

Бироқ таълим-тарбия жараёнида кутилмаган ҳолатлар юз бериши ҳам табиий, биз олдимизга қўйган мақсад идентив бўлмай қолса-чи, буни қўйидагича оқлаш мумкин. Агар кутилаётган натижа дарс мақсадидан кутилгандан ортиқ даражада бўлса, бу албатта, педагогикада олқишиланади, агар кутилган натижани қўлга кирита олмасак, демак биз дарс жараёнини нотўғри лойиҳалаштирган бўламиз.

Шу ўринда дин психологияси туркум фанларини ўқитиши мақсадига тўхталиб ўтамиз. Чунки дин психологиясининг компетенциясига қатор умумназарий муаммолар киради. Уларга қўйидагиларни киритиши мумкин:

- 1) дин психологиясининг предмети ва бу фаннинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни;
- 2) диний ва дунёвий психология ўртасидаги муносабат масаласи. Чунки иккала йўналишда ҳам умумийлик билан бир қатор тафовутлар ҳам мавжуд;
- 3) диннинг психологик илдизлари масаласи ҳам энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Уни тадқиқ қилиш кўп жиҳатдан муаллифларнинг назарий нуқтаи назарлари билан белгиланади.

Дин психологиясини ўқитиши мақсадлардан бири диний психиканинг тузилишини ўрганиш, жумладан, онглилик ва онгизликтининг ўзаро муносабатини тадқиқ қилиш, диндор психикасининг билиш, эмоционал ва иродавий унсурларнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборат. Диндор кишининг психикасида онгизликтининг роли катта эканлигини кўплаб тадқиқотчилар, хусусан, Р.Маретт, Л.Леви-Брюль ва бошқалар қайд

қилғанлар. Психоаналитик мактаб вакиллари З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фром ва бошқалар ҳам ўз фикрларини бу ҳақда билдирганлар.

Дин психологиясида диндор психикасининг билиш, эмоционал ва иродавий унсурларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир қатор муаллифлар, хусусан, В.Р.Букин диний психикани фақат диний кечинмалардан иборат деб тушунадилар. Лекин бу бир томонлама ёндашувнинг ўзидир. Диний ҳиссиётлар ва кечинмаларнинг ўзига хос томони шундаки, у фақат психологик мазмун билан боғланиб қолмаган, балки у диндор инсонда турли ҳиссиётлар бўлиши мумкин, аниқроғи ушбу ҳиссиётларнинг йўналиши, обьектига боғлиқдир. Демак диний ҳистуиғуларнинг обьекти диний тасаввурлар соҳасидир. Тасаввур, ишонч, ҳиссиёт, диний тасаввур ва ғоялар билан боғлиқ бўлгани, унга йўналтирилгани учун диний тасаввур, диний ишонч, диний ҳиссиёт бўла олади. Диний психика қандай роль ўйнашидан қатъи назар фақат эмоциялардангина иборат эмас. Диндор психикасида тафаккур, фаҳмламоқ, тасаввур фақат иккинчи даражали ролни ўйнамайди. Улар ғайритабиийлик ҳақида образлар, тасаввурлар ва ғояларни шакллантиради. Шунинг учун дин психологияси фақат диний кечинмалар билан шуғулланиб қолмайди. У диндорларнинг билиш жараёнининг хусусиятларини ҳам ўрганиши шарт.

Диннинг психологик илдизларини фақат унинг сабаблари дебгина қарамаслик лозим. Балки, унинг психологик илдизларини индивиднинг психологик ҳолати ва психикаси хусусиятлари ташкил этади деб қараш лозим. Мана шу ҳолат индивиднинг диний таъсирга жалб қилинишига, унга турли диний ахборотларни таъсир қилдиришга имкон яратади. Диннинг психологик илдизлари инсонга кўрсатиладиган диний таъсирларни қамраб олади. Ижтимоийликдан ташқарида ҳеч қандай психологик омиллар динни ўз-ўзидан келтириб чиқармайди. Жумладан, салбий эмоционал ҳолатлар: эзилиш, ёлғизлик, афсусланиш дин учун қулай психологик манба яратади. Шунга кўра диннинг психологик илдизлари диндорликнинг қулай психологик шарт-шароитларини юзага келтиради.

Диний тасаввурларнинг мазмунни масаласини ўрганиш ҳам дин психологиясининг муҳим масалаларидан биридир.

Ҳозирги даврда диний онгнинг мавжудлиги ва қайта ишлаб чиқарилишининг ижтимоий омилларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра ҳозирги диндорлар онгини ўрганиш ҳам дин психологиясининг муҳим вазифаларидан биридир. Масалан, диний гурухларни ижтимоий психологик таҳлил қилиш муҳим тадқиқот объектидир. Бу масала ижтимоий психологик тизим: ўз-ўзини инонтириш, эмоционал таъсир қилиш, тақлид қилиш диний жамоалар ҳиссиётининг динамикаси, гурухлар расмий ва норасмий муносабатларнинг ўзаро муносабати ва бошқа масалаларини ўз ичига олади.

Ниҳоят дин психологияси диний шахснинг хусусиятлари билан боғлик бўлган диннинг ижтимоий психологик ҳолат комплекс муаммосини ҳам ўрганиши лозим. Унинг таркибига дин ва шахснинг ўзаро муносабати масаласи ҳам киради. Бу масалалар болалар, ўсмирлар диндорлигини, диний “муомала” муаммосини ўз ичига олади.

Шахснинг психологик хусусиятларини турли шаклланиш ва ривожланиш босқичларида ўрганиш фавқулодда муҳимдир. Чунки у динни қайта ишлаб чиқиш ва янги авлодларда шакллантиришнинг асосий йўллари ва воситаларини ҳам қамраб олади. Бу эса, ўз ўрнида, мамлакатимизнинг мустақиллик шароитида аҳоли ўртасида ғоявий тарбияни олиб боришга ёрдам беради.

Дин психологиясининг асосий усуслари ижтимоий психологиядан қабул қилиб олинган. Уларга асосан бошлашғич ахборотларни тўплаш методи шундай усуслардан бири ҳисобланади. Диндорларнинг турли гурухлари психологияси ҳақида тўғри, репрезентив ахборотни тўплашда сўров усули кенг қўлланилади. Шахсий ҳужжатларни ўрганиш усули статистик ахборотларни қайта ишлашга имкон бермайди. Лекин бевосита манба сифатида, диндор психологияси бутун мураккаблиги ва қарама-қаршилигига тавсиф беришда катта қимматга эгадир.

Дин психологиясини ўрганишда кузатиш методи ҳам қўлланилади. Бу усулнинг бошқа методлардан устунлиги шундаки, бу метод диндорларнинг субъектив ва объектив тавсифини, уларнинг хулқ-авторини қайд қилишга имкон беради. Лекин инсоннинг фақат ташқи хулқ-авторини ўрганиш унинг диндорлигин тавсифлашга етарли бўлмайди. Диний хулқ-авторнинг ташқи жиҳати унинг диндорлигидан эмас, балки бегона майллар таъсирида шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолат унинг диндорлик даражасини фақат кузатиш орқали белгилаб бўлмаслиги англатади. Шунга кўра диндорлар психологиясини ўрганишда турли усуллардан биргаликда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дин психологиясини ўрганишда эксперимент методидан ҳам фойдаланилади. Табиий экспериментдан сунъий экспериментни ажратиб олиш лозим. Лекин дин психологиясида эксперимент ўтказиш қатор кийинчиликлар туғдиради. Хорижий психологлар эса эксперимент усулидан унумли фойдаланмоқдалар.

Масалан, Дж.Леуба кишиларнинг диндорлик ҳолати – “мутаассиблигини”, “мистиклигини”, гиёхвандлик таъсирида баъзи патологик ҳодисалар билан таққослаб эксперимент ўтказган. Бизда ҳали бу усулдан фойдаланилганича йўқ.

Бошланғич ахборотларга ишлов бериш методига турли статистик ва математик методлар (шкалалаштириш, омиллар тахлили ва бошқалар) социология ва ижтимоий психологияда фойдаланилса-да, айни пайтда дин психологиясида ҳам қўлланилади. Шунга кўра дин психологиясида фойдаланиладиган усуллар номаълум эмас, улар психология ва социологияда ҳам қўлланилади. Дин психологиясини тадқиқ қилишда диншунослик, дин тарихи, дин фалсафаси, дин социологияси ютуқларидан фойдаланиш лозим. Буларнинг барчаси эса диншунослик фанининг таркибий қисмлариdir. Дин тарихи турли халқларда динларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганади. Дин фалсафаси ёки дин гносеологияси динни гносеологик жиҳатдан ўрганади, диний онгни реаллик билан таққослайди. Дин

социологияси диннинг жамиятдаги ўрни, унинг ижтимоий вазифалари, турли ижтимоий тизимларда диннинг роли ва унинг ривожланишини ўрганади.

Дин психологияси ўз тузилишига кўра дин социологияси ва дин фалсафасига яқинdir. Лекин бу деган гап дин психологияси шу фанларга қўшилиб кетади, деган гап эмас. Дин психологияси бошқа ўзига яқин фанлардан фарқ қилиб юқорида қайд қилганимиздек, диндор кишиларнинг психикасини ўрганади.

Бундай вазифани эса бошқа бирон фан ўз олдига вазифа қилиб қўймайди. Шунга кўра дин психологияси бошқа диншунослик фанларига яқинлигидан қатъи назар мустақил ривожланиш хуқуқига эгадир. Айниқса, ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимизда баркамол инсонни тарбиялаш масаласи хилма-хил ёндашувларни талаб этади. Ушбу ёндашувлар ичida инновацион ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Инновацион тарзда ёндашиш эса инновацион салоҳиятни талаб этади.

Инновацион салоҳият деганда, алоҳида педагогнинг ва яхлитлиқда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва кутилган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади. Инновацион салоҳиятни ташкиллаштириш жараёнининг тузилиши мураккаб тавсифга эга бўлиб, салоҳиятнинг ривожланиш даражаси эса инновацион имкониятларни, педагог кадрларларнинг ўз меҳнати самарадорлигидан қоникиш ҳосил қилишларини тақозо этади. Мазкур таърифни асос қилиб олган ҳолда, инновацион салоҳиятнинг қўйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Технологик таркибий қисм педагогларнинг касбий кўнишка ва малакаларга эгалиги даражаси, ишлаб чиқариш технологиялари, ташкилотдаги янгиланишларни бошқариш ва амалга ошириш билан тавсифланади. Педагогнинг инновацион фаолиятга технологик тайёрлиги қўйидагиларда намоён бўлади: 1) ўз фаолият натижаларини танқидий баҳолай олиш қобилияти; 2) ўз касбий компетентлик даражасини ошириш;

3) янги ахборотни ижобий идрок этиш қобилиятига эгалик; 4) ташкилий маданият ва психологик муҳитнинг инновацион фаолиятга йўналганлиги.

2. Когнитив таркибий қисм ўзида жамоа аъзоларининг келгуси янгиланишлардан хабардорлиги, шу билан бирга инновация субъектларининг профессионал билим даражасини акс эттиради.

3. Креатив таркибий қисм профессионал фаолиятни амалга оширища таълим муассасаси ходимларида ижодий ёндашувнинг мавжудлиги, уларнинг муаммоли вазиятларда ностандарт фикрлай олиш, биққиқ фикрлаш ва фаолият кўникмаларига эгаликларини аниқлаб беради.

4. Психологик муҳитда намоён бўлувчи муассасанинг ташкилий маданияти, қадриятга йўналганлиги, ижтимоий установкалар, жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракатлари инновацион салоҳиятнинг регулятив таркибий қисми мазмун-моҳиятини очиб беради.

5. Жамоа аъзоларининг инновацияни ўзлаштириш жараёни, уларнинг фаолиятига таъсир этиши, уни кучайтириши ё сусайтириши хиссий-эмоционал таркибий қисм билан белгиланади.

6. Мотивацион таркибий қисм жамоа аъзоларининг янгиликка муносабатини аниқлаш: инновацион фаолиятга даъват этиш, унинг чегара ва шаклларини белгилаб бериш, таълим муассасаси мақсадларига эришишга йўналтирилган, мўлжалланган мотивлардан таркиб топади<sup>1</sup>.

Мотивацион-ижодий йўналганлик педагогда қуйидаги эҳтиёж ва қобилиятларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади: 1) педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш; 2) изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш; 3) янгиликларни амалиётда қўллай олиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш ва уларни ривожлантириш; 4) педагогик рефлексияни амалга ошириш; 5) ижтимоий-иктисодий ва педагогик шарт-шароитларга доир ўзгаришларга тез мослаша олиш.

---

<sup>1</sup> Karimova M. Harbiy pedagogik-kadrlarning innovatsion salohiyatini rivojlantirish orqali malakasini oshirish. – T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2009. – B. 24-25.

**Ўқитиши объекти,  
ўзлаштириши объекти ва  
ўқитиши натижаси.**

XIX аср охирларига келиб дин психологиясига оид илмий изланишлар кўп мамлакатларда оммавий равища амалга оша

бошлади. “Дин психологияси шаклланишининг тарихий санасини кўрсатиш мураккаблиги тарихнинг бошланиш санасини белгилашдан ҳам мураккабдир”, - деб ёзган Америкалик психолог-диншунос У.Кларк. Аммо дин психологиясини мустақил фан сифатида майдонга чиқишида, американлик психолог Стенли Холл ва унинг шогирдлари томонидан биринчи бўлиб, амалга оширилган диний онгни табиий асослари ўрганилиши сабаб бўлди. Стэнли Холлни АҚШда “дин психологиясининг отаси” деб тан олинишига асосий сабаб, у томонидан 1882 йил «Маънавият ва болаларнинг диний тарбияси» номли мақоласининг чоп этилишидир. В.Вундтнинг шогирди Стэнли Холл америкада психология фанини ривожланишига катта ҳисса қўшган. У биринчи бўлиб америкада “психология лабораториясини” ташкил этиб, турли усулларни тажрибада қўллаб, дин психологияси фанини фалсафа фани таркибидан чиқара олди. Холл Европада яшаган даврида реканитуляция назарияси (индивид ривожланишида инсоният тараққиётини асосий босқичларини тақрорлайди) тарафдорлари ғояларини чукур ўзлаштирди. Ч.Дарвиннинг «Маймуннинг одамга айланиш назария”сини танқид қилди. Индивидни тўлиқ шахс бўлиб шаклланишида диний таълимнинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан бирга диний эътиқод асосидагина шахс жамият аъзоси бўла олади, деган фикрни илгари сурди. Холлнинг назарий ва амалий ишлари унинг издошлари диққатини диний онгни атрофлича ўрганиш масаласига қаратди. 1899-йили Холлнинг қўзга кўринган шогирди, дин психологияси ривожига катта ҳисса қўшган Стенфорд унверситети профессори Эдвин Старбэк 1866-1947 «Дин психологияси» деган китобида диний эътиқоднинг даражаси ва диний онгни ўрганиш учун анкета сўровномасини 1-бўлиб амалда қўллади. Хозирги кунда ҳам бу усул кенг қўлланилиб келинади. Старбэк ўша даврда катта шов-шувга

сабаб бўлган диний эътиқодда «биогенетик назарияси» ғояси билан дин психологияси фанидан жой олди. Уни фикрига кўра, «дин шахснинг биологик томони бўлиб, илдизи инстинктга бориб тақалади ва одам унинг асосида ташқи оламни англаб, жамият аъзосига айланади». Диний эътиқодга биогенетик назария асосида ёндашув унгача ҳукмрон бўлиб келган теологик назарияларга янгича муносабатда бўлишга олиб келди. Америкада дин психологиясининг асосчиларидан бири сифатида Жемс Пратт ҳам алоҳида эътиборга лойиқdir. Праттнинг эътиқод, сифиниш ва мистицизм (мистика ҳар хил иримларга сифиниш)ни психологик қонуниятларини чуқур ўрганишга қаратилган «Диний эътиқод психологияси» (1907) ва «Диний онг» (1920) асарлари дин психологияси тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатди. Жемс Пратт асарларининг тез оммалашиб кетишига асосий сабаб, уларда диннинг ҳар томонлама улуғланиши эди. Бу эса черков хизматчиларини Пратт асарларини тарғиб қилишга илҳомлантирди. Дин психологиясини ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиб, янги йўналишни белгилаб берган таниқли олимлардан бир американлик психолог Уильям Жемс (1842-1910) ҳисобланади. У ўзининг «Серқирра диний тажриба» асарида диний эътиқодларни таҳлил этишга психология фани қонуниятлари асосида ёндашди. Бунда индивиднинг диндан «мадад» олиш ва субъектив қониқиши ҳосил қилиш нуқтаи назаридан баҳо бериб, уни илмий асослашга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, «Диннинг манбай инсонни ўраб турган дунёда эмас, балки унинг ўз ичиладир. Интеллектуаллик қобиғида эмас, балки руҳий-эмоционал қобиғдадир. Шу боис индивид, ўзидағи диний майлнинг мавжудлигини доимо онгли равишда акс эттиравермайди». XX аср ўрталарига келиб, Америкада дин психологияси соҳасида катта ютуқларга эришган Уолтер Кларкнинг «Дин психологияси» асаридан қўплаб университетларнинг илоҳиёт факультетларида дарслик сифатида фойдаланилган. Бу асарида Кларк ўзигача бўлган дин психологиясига оид назария ва ғояларни таҳлил этиб, уларни илмий мулоҳазадан ўтказган. Америкалик файласуф Жемс Леуба «Психологияда диний феноменлар»,

«Худога эътиқод ва абадият» (1916) каби асарларида «Дин инсоният тарихида фақат алдов учун қўлланиб келинган, ҳеч қандай ғайри табий кудратга эга куч бўлиши мумкин эмас, бўлса ҳам бу куч инсон бош мияси маҳсулидир», деган ғояларни илгари сурди. У динни маърифат, таълимий ва маънавий томонларини ажратиб олиб, қолган қисмидан воз кечган ҳолда, янги динни тузишга чақирди. Лекин унинг бу назариясини ҳеч ким қўллаб-кувватламайди.

XX асрнинг 30-йиллар боши 40-йиллар охирига келиб, Америка дин психологиясига Фрейднинг “Психоанализ назарияси” кучли таъсирини кўрсатди. Бу йўналишдаги Эрик Фроммнинг илмий ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Фромм ўзининг «Психоанализ ва дин» асарида «Диний эътиқодга асосан ижтимоий муҳит таъсир этишини биологик ёки инстинктив асосда дин юзага келмаслигини уқтириб, ижтимоий муҳитдаги маданиятгина шахсда эътиқодни қай даражада шаклланишига сабаб бўлишини уқтиради. «Дин социал-ижтимоий терапия сифатида, шахс химояга муҳтоҷ бўлганда, уни излаганда тасалли берувчи, рухлантирувчи воситаси вазифасини бажарувчи ижтимоий маданият кўриниши сифатида намоён бўлади», деб таъкидлайди Фромм. 1901-1902 йилларда У.Жемснинг Эдинбург университетида ўқиган дин психологиясига оид маъruzаларидан сўнг Европа психологлари диний эътиқоднинг психологик асосларини таҳлилига эътибор қаратиб, ўз изланишларини қайта қура бошлишди. Шундай қилиб, диннинг психологик хусусиятларига Европалик психологларнинг диққатини қаратган мутахассис сифатида У.Жемс тарихдан жой олган. Европа мамлакатлари ичida фақат Франциядагина дин психологияси диншуносликдан алоҳида ажратилган ҳолда ўрганилган. XIX аохiri XX аср бошларига келиб Теодор Рибо (1839-1916) кўплаб Француз Невропатолог ва психиатрларнинг «диний эътиқод онгли фаолиятни бузулишидир», - деган назарияларига қарши «Ҳиссиёт психологияси» асарида «Диний эътиқод соғлом шахсларгагина хос бўлиб, у олий туйғуларнинг бир кўринишидир», деб баҳо беради. Психатрия ва Невропатологияни ривожланганлиги диний эътиқоддаги фанатизм,

мистицизм каби кўринишларининг олий нерв фаолияти асосини ўрганиш имкониятини берди. Диннинг ижтимоий-психологик назариясининг асосчиси деб Француз олим Эмиль Дюркейл (1858-1917) тан олинди. У «Диний ҳаётнинг содда тузилиши» асарида диний эътиқод шахстагина хос хусусият бўлмаслигини, ижтимоий ҳодиса эканлиги ғоясини илгари сурди. Дюркейл динга шахсни ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида қараб, динни жамият аъзолари хулқини бир мезонга солиб турувчи андоза сифатида тарьифлайди. Диний эътиқодни ижтимоий-психология нуқтаи назаридан таҳлил этиш Францияда ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. Макс Шиллер (немис олими) фикрича, «Дин психологияси инсон рухиятига икки хил йўналишда таъсир этади: Моддий ва маънавий. Моддий - инсон ижтимоий мавжудот бўлиб, у бир ўзи ва ягона ҳолда яшай олмайди, балки бошқа ижтимоий мавжудотларнинг ва борлиқнинг ёрдами ва кўмаги билангина ҳаётини давом эттира олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда у кенг миқёсда инсонлар билан алоҳида муносабатга киришади. У алоқага киришаётганида муносабатлардаги асосий мезон-диний омиллар ҳисобланади. Бу нарса қисқагина “халол” ва “ҳаром” деган категорияларда ифодаланади. Бу нарса эса диннинг инсон рухиятига таъсирини белгиловчи асосдир.

М.Шеллер фикрича, «дин психологиясининг асосий вазифаси куйидагича ифодаланади: “Биринчидан, инсонларга охират тушунчасини сингдириш. Чунки инсоннинг энг кўп ўйлантирадиган нарса ўлимдан кейинги ҳаёт ва йўқ бўлиб кетмаслик ҳодисасидир. Иккинчидан, Инсонлар ва дунёдаги нарсаларни яратувчининг ижоди ва уларни ҳурмат қилишни сингдиришдир». Дин психологияси дунёга нисбатан муносабатда инсонларни турли хил гурухларга бўлиб ташлайди. Шулардан масалан: Дунёни севадиганлар-чунки бу дунё охиратнинг экинзоридир. Яъни бу ерда “нимани эксанг, шуни ўрасан” деган мақолга тўғри келади. Бу ёндашув кўпинча динга ишонувчиларнинг ёндашувидир. Дунёни “ёмон кўрадиганлар” аслида дунёни жуда ҳам яхши қўрадилар. Лекин мол-мулк қўлларида бўлмагани учун бу

нарса уларга нафрат беради. Бу тоифанинг ичидага динга ишонувчилик ва ишонмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин

Ҳар қандай киши ижтимоий муҳитда яшар экан у бирон бир динга мансуб бўлади ёки динсиз бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам дин шубҳасизки, психологиянинг обьекти бўлиб келган. Дин психологияси иймон келтирганлар, атеистлар (дахрий, худосизлар) христианлар ва мусулмонлар томонидан амалий тарзда ўрганилиб келинган илмдир.

Чех педагоги Я.А.Коменский XVII асрда таълим жараёнининг моҳиятини илмий асослашга уринди. Аллома боланинг ақлий, жисмоний ўсишини табиий қонуниятга мувофиқ келиши фоясини асосланган ҳолда таълим жараёни, унинг тузилиши, тамойил ва методлари белгилайди. Я.А.Коменскийнинг бу фояси таълим жараёнининг гносеологик асосларини кўрсатиш, ўқув жараёнига табиий ва ижтимоий қонуниятлар таъсирини ёритишга уринишидир.

Асосий дидактик категориялар сирасида таълимнинг дидактик тизими, таълим технологияси каби тушунчаларни ҳам қайд этиш мумкин.

Дидактик назария (концепция)лар ва уларнинг фалсафий асослари. Таълим жараёни психологик-педагогик концепциялар (улар аксарият ҳолларда дидактик тизимлар ҳам деб аталади) асосида ташкил этилади.

Таълим натижаси сифатида билимларнинг тўлалиги, чуқурлиги, тизимлилиги, англанганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълим жараёнида ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Умумий кўникма ва малакаларга оғзаки ва ёзма нутқни билиш, ахборот материалларидан фойдалана олиш, ўқиш, манбалар билан ишлаш, реферат ёзиш, мустақил ишни ташкил этиш кабилар киради.

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўқитиши мазмуни деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқитиши мақсади ва мазмунининг уйғунлиги таълим сифати учун қай даражада мухим деб ўйлайсиз?
3. Ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини таҳлил этиши тушунчаларини қандай изоҳлаш мумкин?
4. Педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали методларига нималар киради?
5. Ўқитиши объекти ва ўқитиши натижаси нималарда акс этади?

!

## МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. -М., 2000.
2. Батишев А.С. Практическая педагогика для начинающего преподавателя. -М., 2003.
3. Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан”, 2005.
4. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.
5. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. - 102 б.
6. Хасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Фан ва технология, 2008.- 480 б.
7. Холиков А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.

## **П-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ХУСУСИЙ МЕТОДИКАСИ**

### **5-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ**

**Режа:**

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш шакллари.
2. Ўқитишнинг расмий, норасмий ва виртуал шакли.
3. Maxsus фанларни ўқитишда масофавий шакллари.
4. Maxsus фанларни ўқитиш шакллари: маъруза, амалий, семинар, лаборатория, мустақил таълим.
5. Maxsus фанларни ўқитиш методлари: анъанавий ва инновацион туркум.
6. Ўқитиш воситалари: графики органайзерлар, ўқитишнинг техник воситалари, тарқатмалар.

**Таянч тушунчалар:**

Таълим шакллари, метод, восита, инновацион таълим шакллари, ўқитувчи

нутқи, педагогик мулоқот, масофавий таълим, вебинар, тренинг, ўқитишда вербал ва новербал коммуникация.

**Мутахассислик  
фанларини ўқитиш  
шакллари.**

Жаҳон педагогика фани ва амалиётида таълимни ташкил этишининг турли шакллари мавжуд. Жамият ривожининг ҳар бир янги босқичи таълимни ташкил этишга ўз таъсирини ўтказади.

Айни вақтда таълимнинг қуидаги шакллари ажратиб кўрсатилади: индивидуал, индивидуал-гурухли, синф-дарс, лекцион-семинарли ва синфдан ташқари, аудиториядан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари. Улар талабаларни қамраб олиши, талабалар фаолиятини ташкил этиши, жамоавий ва индивидуал шаклларининг нисбатлари, мустақиллиги даражаси ва ўқиш жараёнига раҳбарлик қилиш хусусиятлари каби белгиларига кўра қуидаги уч асосий турга ажратилади:

- 1) индивидуал;
- 2) синф-дарсли;
- 3) маъруза-семинарли.

Дин психологияси туркум фанларини ўқитиш шакллари ҳақида гап кетганда, бевосита тарихий манбаларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Қадим замонларда мавжуд бўлган ўқитишнинг энг қадимги шакли таълимнинг индивидуал шакли ҳисобланади. Ҳаётий тажрибаларни аждодлардан-авлодларга узатиш ибтидоий жамиятда юзага келган. Ёзув пайдо бўлиши билан қавм бошлиғи турли белгилар ёрдамида ўзининг тажрибаларини ёшларга ўргатган. Ўқитувчи ва талабанинг бевосита ва индивидуал алоқасига мисол сифатида репетиторликни кўрсатиш мумкин. Ўқишини ташкил этишнинг индивидуал шакли антик давр ва ўрта асрларда ягона усул бўлган, ундан баъзи мамлакатларда XVIII асргача кенг фойдаланилиб келинган.

Индивидуал таълим бир қатор афзалликларга эга, шунинг учун ўқитишнинг бу усули бизнинг давримизгача репетиторлик шаклида сақланиб қолган. Унинг устунлиги ўқув фаолияти мазмуни, методи ва суратини тўла индивидуаллаштириш, аниқ бир масалани ҳал этишда унинг ҳар бир ҳаракати ва операцияларини қузатиб боришга имкон беришидан иборат. Индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малакага эга бўлишини талаб этади.

Индивидуал ўқитишнинг устунликлари билан бир қаторда баъзи камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- 1) вақтнинг тежамли эмаслиги;
- 2) ўқитувчи таъсирининг чекланганлиги (ўқитувчининг вазифаси ўқувчи (талаба)га топшириқ бериш ва унинг бажарилишини текширишдан иборат);
- 3) бошқа ўқувчи (талаба)лар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги (бу ҳолат шахснинг ижтимоийлашуви жараёнига салбий таъсир кўрсатади);

4) жамоада ишлаш тажрибасининг шаклланмаслиги.

Мазкур сабаблар XVI асрдан бошлаб индивидуал ўқитиш усулининг аҳамиятини пасайишига, унинг ўрнини таълимнинг индивидуал-гурӯҳли шакли эгаллашига олиб келди.

Таълимнинг индивидуал-гурӯҳли шаклидан Европада XVI асрда кенг фойдалана бошладилар. Марказий Осиё давлатларида бу усулдан қадим даврларда ҳам фойдаланганлар. Бунга Авесто даври мисол бўла олади, бу даврда ўқувчилар учун асосий ўқув қўлланма зардуштийликнинг муқаддас манбаи “Авесто” (эрамиздан аввалги VII-XVI асрлар) бўлиб келган. Авесто давридаги мактабларда индивидуал ўқитиш жамоали ўқитиш билан бирга олиб борилар эди. Ўқитувчи “Авесто” китобларидан бирини очар, ўқувчилар навбатма-навбат овоз чиқариб ўқирдилар, кейин эса ҳамма биргаликда ўқилганни такрорлар, машқларни маҳсус тахтачаларда ёзар эдилар. Ақлий машқлар ўқитувчининг ўқувчи билан эркин сұхбати давомида олиб борилар эди. Жисмоний тарбиялаш индивидуал ва жамоали машғулотлар шаклида амалга ошириларди. Жисмоний тарбиянинг мақсади ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдан иборат бўлган. Отда юриш, ов қилиш, қиличдан фойдаланишни билиш, сувда сузиш, югуриш, найза отиш ва шу кабилар ҳарбий тайёргарликнинг мажбурий турлари ҳисобланган. Таълим олиш жараёни қун чиққандан қун ботгунгача давом этган, уй вазифалари мавжуд бўлмаган<sup>1</sup>.

XI асрдаёқ Абу Али ибн Сино ўзининг “Тадбири манзил” номли илмий асарининг маҳсус “Амузиш ва парвариши модрасас фарзанд” («Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш») бўлимида ўқувчиларни жамоали ўқитиш ҳақида қўйидаги тавсияларни беради:

1) агарда ўқувчилар биргаликда ўқисалар, улар зерикмайдилар, фанни ўрганишга қизиқиш кучаяди; уларда бир-бирларидан ортда қолмаслик учун ўзаро мусобақалашиш истаги ривожланади, улар боланинг ўқиши яхшиланишига ёрдам беради.

<sup>1</sup> Авесто. Қадимги Шарқ адабиёти. –Москва: МДНМ, 1984. -с.352.

2) ўзаро сұхбатларда ўқувчилар китобдан ўқиши ёки катталардан эшитган қизиқарли маълумотларни бир-бирларига айтиб берадилар;

3) болалар биргаликда йиғилғанларида бир-бирлари билан дүстлашадилар ва бир-бирларини ҳурмат қиласылар; улар фақатгина мусобақалашмайдилар, балки бир-бирларига ўкув материалларини ўзлаштиришда ёрдам берадилар, бу билан болалар мағрурланадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар<sup>2</sup>.

Бурхониддин Зарнужи (XII аср) «Билим олиш йўлида ўқувчига маслаҳатлар» номли ўзининг илмий асарида дарс олиб бориш бўйича тавсиялар беради. Унинг кўп йиллик дарс ўтиш тажрибалари асосида мазкур илмий асар яратилган ва XX асргача ўзига хос педагогика дарслиги сифатида Марказий Осиё мадрасаларида фойдаланилиб келинган. Асарда мактабда дарс тахминан бир соатлар давом этиши кераклиги ёзилади. Ўқитувчи мактабда дарсга тушуниш ва ўзлаштириш мумкин бўлган ўкув материалларини танлаб олиши, дарсда ўрганиладиган материалларни тушунтириб бериши керак. Ўкув материали шундай танланиши керакки, у икки маротаба такрорлангандаёқ ўзлаштирилсин. Шунинг учун у катта матнларни қисмларга бўлиш ва бошқа дарсларда уни албатта такрорлашни таклиф этади<sup>1</sup>.

XV асрда жамоали ўқитишини ташкил этиш ғоясини Муҳаммад Тарагай Улуғбек давом эттиради. Мутафаккир ўзининг мадрасаларида индивидуал машғулотлар тизимини бекор қиласи ва “жамоа” синф-дарс тизимиға яқин бўлган ўқитиши шаклини жорий қиласи. Умумий маъruzani 50-70 нафар кишидан иборат катта гурӯхга, одатда, ўз соҳасида машҳур бўлган олим мударрис (ўқитувчи) ўқийди, амалий машғулотларни эса 10-15 кишидан иборат кичик гурӯхда кичик мударрис (ўқитувчи) олиб боради. Ўқитишининг муҳим методлари мунозара ва тортишувлар ҳисобланган. Самарқанд мадрасасида маъruzalарни алломанинг ўзи ва Қозизода Румий,

<sup>2</sup> Рахимов С.Р. Абу Али ибн Синонинг психологик-педагогик қарашлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1978. -103-бет.

<sup>1</sup> Анатомия педагогической мысли Узбекистана. -Москва, 1986.

Мавлоно Мұхаммад, Али Қушчи, Аваз Кирмані каби машхур олимлар ўқығанлар. Мұхаммад Тарагай Улуғбек ва унинг издошлари томонидан математика, метафизика, астрономия, география, тарих фанларидан янги дарсликлар яратилған, бу дарсликлар оддий ва тушунарлы шаклда ёзилған. Лекин “жамоа” усулида ўқитишининг ҳам салбий томонлари борлиги аниқланған. Жамоа усулида XX аср мактабида машхур бўлган гурухли-лаборатория методида бўлгани каби ўзлаштиришнинг индивидуал хусусияти ҳисобга олинмаган. Яхши ўзлаштирмаган баъзи шогирдлар ҳам илғорлар қаторида бир қўлланмани ўрганишдан бошқасини ўрганишга ўз-ўзидан ўтаверган, керакли билимни эгаллай олмаган ҳолда мадрасани битириб чиқаверганлар<sup>2</sup>.

Индивидуал-гурухли шаклнинг мазмуни машғулотларни ўқитувчи бир ўқувчи билан эмас, балки тайёрлик даражаси турлича бўлган турли ёшдаги болалар гурухи билан олиб боришидан иборат эди. Ўқитувчи навбат билан ҳар бир ўқувчидан ўтилган материални сўрайди, янги саволларни тушунтиради, мустақил ишлаш учун индивидуал топшириқлар беради, қолган болалар ўз ишлари билан шуғулланадилар. Ўқишни бундай ташкил этишда болалар машғулотларга йилнинг турли даврларида ҳамда куннинг турли вақтларида келишлари мумкин бўлган.

XV ва XVI асрларда Европада ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар болаларга таълим беришнинг оммавий шаклини юзага келтирди.

Улардан бири болаларни гурухли (жамоали) ўқитиш саналади. У Ғарбий Россия (ҳозирги Белоруссия ва Украина нинг ғарбий қисмлари) биродарлик<sup>1</sup> мактабларида илк бор қўлланилган ва ўқитиш синф-дарс шаклининг асоси бўлиб қолган. Бу тизимлар XVII асрда Ян Амос Коменский томонидан “Буюк дидактика” асарида назарий жҳатдан асослаб берилди ва оммавийлаштирилди. Олим педагогикага ўкув йили, ўкув куни, дарс,

---

1 Тохиров М. Мирзо Улугбекнинг педагогик қарашлари. -Тошкент: Фан, 1984.

2 XVI-XVII асрларда ғарбий Россияда биродарлик ва диний-маърифатпарварлик деб аталувчи ташкилотлар пайдо бўлди.

машғулотлар орасидаги танаффус, ўқув таътиллари каби тушунчаларни киритди. Қуёш юлдузлар туркумида бўлганида болаларни дам олишга юборадилар («таътил» лотинчада – кунларнинг энг қизиган даври деган маънони англатади).

Синф-дарс тизими гарчи 350 йил аввал асосланган бўлса-да, бугунги кунда ҳам кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда.

Синф-дарс тизимининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этиш ўзига хос шакли сифатида қуйидагиларда иборат:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган талабалар синфни ташкил этади. Бу синф мактабда ўқишининг умумий даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;
- синф фаолияти ягона йиллик режа ва дастур асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади, бунинг натижасида болалар мактабга йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади.;
- машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;
- дарс одатда бир фан ёки мавзуга бағишлиган бўлади, шу боис талабалар синфда битта материал устида ишлайдилар;
- дарсда талабаларнинг ишига ўқитувчи раҳбарлик қиласи, у ўз фани бўйича ўқиши натижалари, ҳар бир талабани алоҳида билимини баҳолайди ва йил охирида талабани кейинги синфга ўтиши ҳақида қарор қабул қиласи.

Синф-дарс тизими К.Д.Ушинский томонидан янада ривожлантирилади. У бу шаклнинг ҳамма афзалликларини илмий асослаб берди. Дарс, айниқса, унинг ташкилий қурилиши ва типологиясининг ихчам назариясини яратди. К.Д.Ушинский ҳар бир дарснинг бир-бири билан кетмакет боғланган қуйидаги учта қисмини ажратиб кўрсатади:

- 1) илгари ўрганилган билимлар асосида янги билимларни англашни амалга ошириш ва ўқувчиларда материални жадал қабул қилишга мақсадли кўрсатмани яратишга қаратилади. Дарснинг бу қисми К.Д.Ушинскийнинг фикрича, дарсга гўёки “эшик” ҳисобланади.

2) асосий масалани ҳал этишга йўналтирилади ва дарснинг муҳим, марказий қисми ҳисобаланади.

3) амалга оширилган фаолиятга якун ясаш билим, кўнирма ва малакаларни мустаҳкамлашга қаратилади.

Дарсни ташкил этиш илмий асосларини ишлаб чиқишига А.Дистервег ҳам катта ҳисса қўшди. У ўқитувчи ва талабанинг фаолиятига тааллуқли ўқитиш тамойиллари ва қоидалари тизимини ишлаб чиқди, талабаларнинг ёши имкониятларини ҳисобга олиш зарурлигини асослаб берди.

Таълимнинг синф-дарс тизими алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва дидактикаси оид асарларда унинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатиб берди.

**Афзалликлари:** яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг тартибли кетишини таъминловчи аниқ ташкилий тизим; жараёнларнинг оддий бошқарилиши: муаммонинг жамоа бўлиб муҳокама қилиниши, масаланинг ёчимини биргаликда излаш жараёнида болалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг шаклланиш имконияти; ўқитувчининг ўқувчилар ва уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши; таълимнинг эмоционаллиги (зеро, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг катта гуруҳи билан иш олиб боради), ўқув фаолиятига мусобақалашиш элементларини киритиш учун шароитнинг яратилиши, билимсизликдан билимларни ўзлаштириш сари ҳаракатларнинг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги.

**Камчиликлари:** тизимнинг асосан билимларни ўртача даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қийинчиликларнинг юзага келиши ва кучли ўзлаштирувчи ўқувчилар қобилиятлари ривожланиш суръатининг ортга сурилиши; ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликнинг юзага келиши; катта ва кичик ёшли ўқувчилар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри қарор топмаслиги.

XIX аср охири XX аср бошларидан ақлий ривожланишида фарқи бўлган талабаларни ўқитиша индивидуаллаштиришга аҳамият қаратиш масаласи айниқса долзарб хусусият касб этди. Шунга мос равиша танлаб ўқитиш шакли юзага келди (АҚШда Батов, Европада Маингеймс тизими).

Европа ва АҚШда XX аср бошида ўқувчиларнинг индивидуал, фаол, мустақил ўқув ишларини таъминлашга қаратилган кўплаб таълим тизимларининг самарадорлиги синаб кўрилди. 1905 йили Дальтон шахрида (Массачусетс штати) ўқитувчи Елена Парк Херст томонидан ilk бор таълимнинг индивидуаллаштирилган тизими қўлланилган. Ушбу тизим улар орасида энг радикал ҳисобланган. Бу тизим дальтон-режа номи билан педагогика ва мактаб тарихига кирди. У баъзан лаборатория ёки устахоналар тизими деб ҳам аталган.

Бу тизимнинг мазмуни қуидагилардан иборат: ўқув фаолиятининг муваффақияти мактабда ишлаш суръатини ҳар бир ўқувчининг имкониятлари, унинг қобилияtlарига мослаштиришга боғлиқ.

Таълим фаолияти устун турадиган ўқишини анъанавий ташкил этиш ўқувчи мустақил ўқув фаолиятининг асоси ҳисобланиши, ўқитувчи вазифаси ўқув фаолиятини одоб билан ташкил этишдан иборатлиги, синф лабораторияларининг устахоналар билан алмаштирилиши, дарсларнинг бекор қилиниши, ўқитувчининг янги материални тушунтирмаслиги, ўқувчининг лаборатория ёки устахоналарда ўқитувчидан олинган топшириқ асосида мустақил шуғулланиши ва зарур бўлган пайтда ўқитувчидан ёрдам сўраши кабилардан иборат бўлган.

70-йилларда ўқишини ташкил этиш ноанъанавий шаклларини излаш давом эттирилади. Тажриба ва синов мактабларини излаш, биринчи навбатда, синф-дарс тизимини модернизациялаштириш фикри билан боғлиқ бўлган. Изланишлар асосий масаласи – ўқишини индивидуаллаштириш эди.

Биринчи университетлар пайдо бўлиши билан таълимнинг маъруза-семинар тизими юзага кела бошлайди. У яратилган пайтдан бери хали деярли ҳеч бир катта ўзгаришларга эга эмас. Маъруза, семинар, амалий ва

лаборатория ишлари, консультация ва танлаган касби бўйича амалиёт ҳозиргача лекцион-семинар тизим сифатида ўқишининг асосий шаклларидан бири бўлиб келмоқда. Лекцион-семинар тизими ўзининг соф кўринишида олий ва олий мактабдан кейинги таълим амалиётида қўлланилади. Ўзбекистонда уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълим министротидан билинган лекцион-семинар тизимидан академик лицей ва касб-хунар коллажларида фойдаланила бошланди. Охирги пайтларда лекцион-семинар тизими элементларидан ўрта мактаб катта синфларида ҳам фойдаланила бошланди.

Дарс - таълим жараёнининг яхлитлиги нуқтаи назаридан таълимни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Унда синф-дарс тизимининг хусусиятлари акс этади, унда ўқувчиларни оммавий қамраб олиш, ташкилий тартиб ва ўқув ишларининг муентазамлиги таъминланади. Дарс иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Ўқувчилар ҳамда синф жамоасининг индивидуал хусусиятларини билиши ўқитувчи учун ҳар бир талаба фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишга имкон беради. Дарс доирасида оммавий, гурӯҳли ва индивидуал таълим шаклларини бирлаштириш имконияти унинг рад этиб бўлмайдиган устунлиги ҳисобланади.

Дарс бевосита ўқитувчи раҳбарлигида аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчи (талаба)лар гурӯҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли саналади. Дарсда ҳар бир ўқувчи хусусиятларини ҳисобга олиш, барча ўқувчиларнинг машғулот жараёнида ўрганилаётган фан асосларини эгаллаб олишлари, уларнинг идрок этиш даражалари ва маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш ҳамда ривожлантириш учун кулай шароитларни яратади.

Дарс таълимнинг бошқа шаклларидан фарқ қилувчи ўзига хос белгиларга эга, чунончи: ўқувчи (талаба)ларнинг доимий гурӯҳи, ўқувчи (талаба)лар фаолиятига уларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш билан раҳбарлик қилиш, ўрганилаётган фан асосларини

бевосита дарсда эгаллаб олиш (бу белгилари дарснинг фақат мазмунини эмас, балки ўз хусусиятини ҳам акс эттиради).

### **Ўқитишнинг расмий, норасмий ва виртуал шакли.**

Педагог фаолиятининг дидактик ва хусусан тарбиявий вазифаларини ўқитувчи билан талабалар жамоаси

ўртасидаги сермаҳсул мулоқот жараёнини ташкил этмасдан туриб, етарли даражада унумли тарзда амалга ошириб бўлмайди. Шу тариқа педагог фаолиятида мулоқот:

- биринчидан, хусусан ўқув вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида;
- иккинчидан, тарбиявий жараённи ижтимоий-психологик жиҳатдан таъминловчи тизим сифатида;
- учинчидан, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида таълим ва тарбиянинг муваффақиятли олиб борилишига имкон берадиган ўзаро муносабатларнинг муайян тизимини ташкил этиш усули сифатида;
- тўртинчидан, бусиз талабанинг индивидга хос хусусиятларини тарбиялаб бўлмайдиган жараён сифатида майдонга чиқади.

Ҳозирда илмий педагогик жамоатчилик таълим сифатига эришишнинг турли инновацион йўлларини жорий қилиш муҳимлигини таъкидламоқда. Бунда ўқитишнинг расмий, норасмий ҳамда виртуал шаклларини инновацион креатив тарзда такомиллаштириш фоясини илгари сурмоқда.

Ўқитишнинг *расмий шакли* бу ДТС талабларига мувофик ишлаб чиқилган ўқув жараёни жадвали ҳамда тасдиқланган дарс жадвалига асосан ташкил этиладиган дарс. Биз биламизки, олий таълим муассасаларида дарс маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория ва индивидуал шаклларда ташкил этилади. Дарснинг ушбу кўринишлари ўқитишнинг расмий шакллари ҳисобланади. Чунки ҳар бир фан ўқув режага биноан ўқув соатлари миқдорида 2 академик соат ҳажмида ўқитилади.

Ўқитишнинг *норасмий шакллари* мавжуд. Бу кўпроқ индивидуал шаклга мос келади, яъни репетиторлик, ўқув курсларида ўқиш, дарсдан ташқари жараёнлар, тўгараклар, қўшимча машғулотлар доирасида ташкил

қилинади. Ҳозирги кунда жуда долзарб аҳамиятга эга бўлган ўқитишнинг норасмий шакли мавжуд. Бу таълим-тарбия жараёнини кейс-стади технологияси асосида ташкил этиш. Яъни таълимда реал ҳаётий вазиятларни яратиш орқали ўқитишни ташкил этиш.

Педагогик амалиётда ўқитишнинг *виртуал шакли* ҳам мавжуд. Бунга масофавий таълим, вебинар машғулотлар on-line маъruzalар мисол бўла олади. Ҳозирги кунда ўқитишнинг виртуал, норасмий шаклларидан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот жараёнини яхшилашга, педагогик таъсирчанликни оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, ҳозирги ахборт коммуникациялари даврида ёшларга педагогик таъсир кўрсатишнинг муҳим кўриннишлари бу ўқитиш шаклларининг креатив тарзда ташкил қилинишидир. Педагог бу масалага ижодий ёндашиши талаб этилади.

Бугунги кунда самарали бўлган инновацион таълим шакллари мавжуд. Буларнинг айримларини келтирамиз:

- бинар дарс
- бит дарс
- де брифинг
- тренинг (видеотренинг, аудиотренинг)
- дебатлар
- вебинар
- on-line маъруза
- “деворсиз мактаб” ва бошқалар.

*Бинар дарс* – таълим олувчилар билимдонликни таркиб топтириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

*Бит-дарс* – таркибида сухбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олувчи мусобақа характеристидаги қизиқарли дарс.

*“Деворсиз мактаб”* – театр, музей, суд зали, кўргазма, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил этиладиган ўқув жараёни.

*Дебатлар* – икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган команда (гурух) иштирокчиларнинг олдиндан тайёрланган чиқишлирига асосланган расмий муҳокама.

*Де брифинг* – амалга оширилган фаолиятни ўрганиш ва фикрлаш даври.

Мазкур шаклларда ташкил қилинган таълим-тарбия жараёни ўқувчи (талаба)ларни бир-бирига яқинлаштиради, уларда жамоага мансублик ҳиссининг пайдо бўлишига кўмаклашади, жамоа билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини оширади. Тенгдошлари орасида ўзаро ҳиссий бирлик (бир-бирини ёқтириш ҳисси) юзага келади.

Ўқувчи (талаба)лар жамоасининг расмий (ишchanлик) ва норасмий (ҳиссий) тузилишини бир-биридан фарқлаш лозим. Жамоанинг расмий тузилиши деганда жамоа фаолиятининг турли кўринишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий жиҳатлари кўзда тутилади.

Норасмий тузилма жамоанинг барча аъзолари ўртасидаги шахсларро маънавий-психологик муносабатларнинг умумий тизими ва микрогурухни ташкил қилувчи айрим аъзолар ўртасидаги танлаш муносабатлари мазмунини ифодалайди. Демак, ўқувчи (талаба)лар жамоасининг ҳар бир аъзоси мавжуд муносабатлар тизимида у ёки бу ўринни эгаллайди. Талабанинг жамоадаги ўрни унинг шахс сифатида шаклланиши ва камолотга эришишига муҳим таъсир кўрсатади.

Яшаш жойларида ўзаро бириккан болалар гурухлари қанчалик аҳил ва иноқ муносабат асосида ташкил топган бўлмасин, ҳақиқий жамоа бўла олмайди. Чинакам жамоа ижтимоий аҳамиятга мойиллик фаолиятини ташкил эта олиши, жамоа аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ишchanлик ҳарактеридаги алоқа ва муносабаларни қарор топтириши лозим. Жамоанинг мажбурийлик белгиси унга ўқитувчи раҳбарлигининг йўлга қўйилишидир.

Жамоа ва уни шакллантириш ўқитувчилик фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

## *Махсус фанларни ўқитишида масофавий шакллари.*

Кейинги йилларда масофавий таълим (лотинча *distantia* – масофа) – масофадан туриб ўқитиш кенг ривожланмоқда. Масофавий ўқитиш – таълим технологияси бўлиб, унга кўра талаба қаерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар муайян таълим муассасаси таълим дастурини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бу мақсадни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари: дарсликлар ва бошқа босма нашрлар, ўрганилаётган материални компьютер телекоммуникациялари орқали узатиш, видеотасмалар, мунозаралар ва семинарлар ўtkазиш, регионал ва миллий телевидение ҳамда радио орқали ўқув дастурларини намойиш этиш, кабелли телевидение ва овозли почта, икки томонламали видеоконференциялар, телефон орқали қайта алоқа билан бир томонлама видеотрансляция ва бошқаларнинг хизматига таянилади. Масофали ўқитиш ўқитувчиларга вақтини тежашда қулайлик яратади, асосий фаолиятидан ажralмаган, жумладан узоқ районларда яшовчиларга ўқиш имконини яратади, ўқув фанлари эркин танланади, фан, таълим ва маданият машҳур намоёндалари билан муносабатлар имконини беради. Талаба ва ўқитувчиларнинг фаол ўзаро муносабатлари, мустақил ишлишни фаоллаштириш ва талabalарнинг мустақил билим олиш эҳтиёжларини қониқтиришга хизмат қиласди.

Дастурий таълим (дастурлаштирилган ўқитиш) харакат (операция)лар кетма-кетлиги тизимини ифодаловчи, уларни бажариш илгаридан режалаштирилган натижага олиб келувчи “дастур” терминидан келиб чиқади. Ушбу турнинг асосий мақсади ўқув жараёнини бошқаришни яхшилашдан иборат. Бундай ўқитиш асосини кибернетик ёндашув ташкил этади. Унга биноан ўқитиш мураккаб динамик тизим сифатида қаралади. Дастурий таълим янги дидактик, психологик ва кибернетик ғоялар асосида XX асрнинг 60-йиллари бошларида юзага келди. У талабанинг билим эгаллаши йўлида ҳар бир қадамни назорат қилишга имкон берадиган ва

шунинг асосида ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қийинчиликларини олдини олиш, қизиқишини йўқотмаслик ва салбий оқибатларнинг олдини олишга имкон берувчи ўқув жараёнининг технологиясини яратишга йўналтиради.

Дастурй таълимнинг асосий хусусиятлари қуидагилардан иборат:

- ўқув материалининг алоҳида қисмларга ажратилиши;
- ўқув жараёнининг билимларни ўзлаштириш бўйича билимлар порциялари ва фикрлаш амалларидан иборат бўлган кетма-кет қадамлардан иборат бўлиши;
- ҳар бир қадамнинг назорат билан якуnlаниши (савол, топшириқ ва шу кабилар);
- назорат топшириқларини тўғри бажарганида талабанинг янги материалларни олиши ва навбатдаги қадамни бажариши;
- тўғри жавоб топганда талабанинг ёрдамчи ва қўшимча тушунтиришларни олиши;
- ҳар бир талабанинг мустақил ишлаши, кучи етадиган мавзу бўйича ўқув материалини эгаллаиши;
- барча назорат топшириқлари бажарилиш натижаларининг қайд этилиши (улар талабаларнинг ўзларига (ички қайта алоқа) ва педагогга (ташқи қайта алоқа) маълум қилинади);
- ўқитувчининг таълим ташкилотчиси ва қийинчилик юзага келганда ёрдамчи (маслаҳатчи) сифатида иштирок этиши, индивидуал ёндошувнинг амалга оширилиши;
- таълим жараёнида ўқитишининг ўзига хос воситаларининг кенг кўлланилиши (дастурлаштирилган ўқув қўлланмалари, тренажерлар, назорат қилиш қурилмалари, ўқитиш машиналари).

Компьютерли таълим. Ўқитиш соҳасида жаҳон дидактикасининг муҳим тажрибаси - шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари (ШЭҲМ) ривожланиши компьютерли (компьютерлаштирилган) таълимнинг шаклланишига имкон берди. Махсус таълим дастурлари билан таъминланган компьютерларни деярли барча дидактик масалалар: ахборотни бериш,

ўқитиши жараёнини бошқариш, натижаларини назорат қилиш ва тузатиб бориш, машқларни бажариш, ўкув жараёни ривожланиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва бошқаларни ҳал этишга мослаштириш мумкин.

Ривожланган мамалакатларда компьютерлардан таълимдан фойдаланишнинг кенг ривожланиши бу борадаги қуйидаги асосий йўналишларни аниқлашга имкон берди:

-алоҳида ўкув фанлари (математика, табиий фанлар, она тили, чет тили, география ва бошқалар) бўйича ўзлаштириш даражасини оширишни таъминлаш;

-умумий когнитив (идрок этиш) қобилиятлари – қўйилган масалани ҳал этиш, мустақил фикрлаш, коммуникатив малакаларни эгаллаш (ахборотни тўплаш, анализ, синтез қилиш)ни ривожлантириш, у ёки бу қўниkmани шакллантиришга имкон берувчи жараёнларга эътиборни кучайтириш.

Бундан ташқари компьютерлардан автоматлаштирилган тест синовлари ўтказиш, баҳолаш ва бошқаришда кенг фойдаланилади, бу ўқитувчи вақтини тежашга имкон беради, натижада педагогик жараённинг самарадорлиги ошади.

Дастурний ва компьютерли таълимлар ўқитиши алгоритмларини ажратишига асосланади. Алгоритм тўғри натижага олиб келувчи кетма-кет амаллар тизими сифатида билим, қўниkmа ва малакаларни тўла ўзлаштириш учун зарур бўлган ўкув фаолияти тартиби ва кетма-кетлигини талабага кўрсатади. Ўкув дастурлари ва компьютерли таълимнинг самарадорлиги фикрлаш фаолиятини бошқариш алгоритмларининг сифатига боғлиқ. Ёмон тузилган алгоритмлар компьютерли ўқитишнинг сифатини кескин пасайтиради.

Компьютерли таълимнинг сифати қуйидаги икки асосий омил билан аниқланади:

- 1) ўқитиши дастурларининг сифати;
- 2) ҳисоблаш техникасининг сифати.

Бу соҳада ҳам муайян муаммолар мавжуд, яъни, талабаларнинг идрок этиш фаолиятини ташкил этиш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда яратилган таълим дастурлари ҳозирча жуда кам, уларни тузиб ишлаб чиқиш кўп вақт ва куч талаб этилади, шу боис уларнинг нархи ҳам қиммат. Республика таълим муассасаларида ЭҲМлар сони ва улардан фойдаланиш кўлами ортиб ва такомиллашиб бормоқда, бироқ, бу соҳада ҳали жаҳон тажрибасидан ортда қолиш ҳолати бартараф этилгани йўқ.

Дунёда шундай таълим тизими юзага келганки, уни қўлчилик “қўллаб турувчи, таъминловчи, ёрдамчи ўқитиши” деб атайдилар. У одамни кундалик муаммоларни ҳал этишга тайёрлашга асосланган бўлиб, шахснинг фаолияти ва ҳаёт тарзини қўллаб туриш учун мўлжалланган.

Айни вақтда “инновацион” (янгилик киритиш) таълимни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мазкур таълимнинг қуидаги ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

1) бу олдиндан қўра билиш, яъни, талабанини аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиши эмас, балки уни узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан ибора бўлиб, талаба ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятда тахмин қилиш, кўзлаш, моделлаштириш ва лойиҳалаштириш амалга ошира олиши зарур.

2) талабанинг ҳамкорликда таълим олиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш (локал ва хусусийдан тортиб дунёни, маданият, цивилизация ривожланишини ҳисобга олишдан глобал муаммоларни ҳал этиш)да фаол иштирок этишини таъминлаш.

**Махсус фанларни ўқитиши  
шакллари: маъруза,  
амалий, семинар,  
лаборатория, мустақил  
таълим.**

Таълим маъруза, семинар, лаборатория иши, талабаларнинг илмий тадқиқотчилик ишлари, мустақил ўқув ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, чет элда иш

тажрибасини ошириш каби шаклларда ташкил этилади. Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш шакли сифатида кундалик, оралиқ

ва якуний назорат, баҳолаш рейтинги тизими, рефератив ва курс, битирув ишларидан фойдаланилади.

Маърузани фаоллаштириш, қизиқарли ва самарали ўтказиш учун нималар қилиш керак?

*Самарадорлик шартлари.*

### ***Таълим берииш воситаларидан фойдаланиши***

- Видео
- Графопроектор
- Флип-чарт

### ***Фаол таълим усулларини қўллаш***

- Муаммоли маъруза
- Анжуман-маъруза
- Конспектсиз маъруза – фикрни сўз билан ифодалаш
- Муаллифлик маъruzаси
- Мунозарали маъруза
- Қайтар алоқадан фойдаланилган маъруза
- Аниқ вазиятларни кўриб чиқиш маъruzаси
- Маъруза-сухбат
- ***Дидактик талабларни бажариши***
  - -маърузанинг батафсил режасини тузиш;
  - таълим олувчилар учун аниқ тузилмага келтирилган машғулот (кириш, асосий саволлар, асосий жойлар, якун ва хulosаларни ажратиб кўрсатиш);
  - -мустақил ўқиш учун мавзуу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни маълум қилиш;
  - - режанинг ҳар бир қисмидан сўнг умумлаштирувчи хulosалар қилиш;
  - -маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- -ёзиш зарур бўлган жойларни: асосий тушунча, ифода, вақт, далиллар ва бошқ. айтиб туриш.

**Маъруза** - ўқитиши ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- **йўналтирувчилик**-талабаларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига дикқат килишларига имкон беради;
- **ахборотлилик**- ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хуносалар мөҳиятини очиб беради;
- **методологиклик**- маъруза вақтида ўқитиши усуллари тақкосланади, илмий изланишининг асослари намоён этилади;
- **тарбияловчилик**-маъруза ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни ўйготиш;
- **ривожлантирувчилик** - билим олиш қизиқишиларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш кобилияtlарини ривожлантиришга ёрдам беради.

### **Педагогик техникани қўллаш;**


#### **Педагогик техника**

Аудитория бўйича ҳаракат қилиш, ҳамма вақт кафедра орқасида турмаслик, меъёридан оширмасдан имо-ишорадан фойдаланиш

Материални жонли тилда, мисоллар ва таққослашлар билан баён қилиш

Ўз фанига бўлган қизиқишини ва талабалар нимани ва қандай ўзлаштиришларига бефарқ эмаслигини қўрсатиш лозим, бунда ўз ишига масъулиятлилик уларни рухлантиради

Ўқув материалини баён қилишнинг мақбул суръати (темпер)ни танлаш лозим: у таълим олувчилик тайёргарлик даражаларига мос келиши лозим ва маъruzанинг асосий ҳолатларини ёзиб олишга имкон бериш учун у жуда тез бўлиши керак эмас



В.А.Кан-Калик маъруза давомида педагогик мулокотни муносабатлар ва ўзаро таъсир услублари ташкил этишини таъкидлаб, уларни қуидаги тарзда туркумлайди:

- 1) ҳамкорликда олиб бориладиган ижодий ишга бўлган қизиқишига асосланган мулокот. Ҳамкорликда олиб бориладиган *ижодий ишга бўлган қизиқиши асосидаги* мулокотда педагог таълим оловчилар ва ишга нисбатан ижобий ёндашади;
- 2) дўстона муносабатлар асосида қурилган мулокот. *Дўстона муносабатлар асосида қурилган мулокот юқорида қўриб чиқилган мулокот турига яқиндир.* Айрим педагоглар дўстона мулокотни нотўғри тушуниб, чегарадан чиқиб кетишади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Ушбу масофани аниқлашда ўқитувчининг маданияти, педагогик такти муҳим рол ўйнайди;
- 3) ўқитувчи ва таълим оловчиларни маълум масофада ушлаб турувчи мулокот. Маълум масофада ушлаб турувчи мулокотни ҳам самарараги деб бўлмайди. Шунга қарамасдан бу кенг тарқалган услубдир. Бунда педагог ва тарбияланувчилар ўртасида маълум чегара мавжуд бўлиб, уларни қуидагича таърифлаш мумкин: “Мен биламан – сизлар билмайсизлар”; “Мени

айтганимни қилинглар – менинг ёшим каттароқ, тажрибам күпроқ, бизни тенглаштириб бўлмайди”.

4) қўрқитишга асосланган мулоқот. Ўқитувчи ва таълим оловчиларни маълум масофада ушлаб турувчи мулоқотнинг юқори даражадаги қўриниши бу қўрқитишга асосланган мулоқотдир. У ўзида таълим оловчиларга салбий муносабат ва авторитар бошқарувни мажассам этади.

### ***Махсус фанларни ўқитиши методлари: анъанавий ва инновацион туркум.***

Дин психологияси туркум фанларини ўқитишида таълим методларини танлашда қўйидагилар инобатга олиниши лозим: замонавий дидактиканинг етакчи ғоялари, таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг умумий мақсадлари; дин психологияси туркум фанлари мазмуни ва методлари, мавзуларнинг соҳага йўналтирилганлиги; махсус фанлар методикасининг ўзига хослиги ва умумдидактик методларни саралашга қўйилувчи талабларнинг ўзаро алоқадорлиги; муайян дарс материалиининг мақсади, вазифалари ва мазмуни; у ёки бу мавзуни ўрганишга ажратилган вақт; талабаларнинг ёш хусусияти, билиш имкониятлари, даражаси; талабаларнинг дарсга тайёргарликлари; ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлиги, жиҳозлар, кўрсатмали куроллар, техник воситалар мавжудлиги; ўқитувчининг имкониятлари, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даржаси, педагогик маҳорати, шахсий сифатлари; ўқув муассасаларида фанлараро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги.

Инновацион (янгилик киритиш) таълим ўзига хос хусусиятларга эга: 1) олдиндан кўра билиш, яъни талабанинг аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиш эмас, балки уни узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан иборат бўлиб, талаба ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятда тахмин қилиш, кўзлаш, моделлаштириш ва лойихалаштиришни амалга ошира олиши зарур; 2) талабанинг ҳамкорликда таълим олиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш (локал ва хусусийдан тортиб дунёни, маданият, цивилизация

ривожланишини ҳисобга олишда глобал муаммоларни ҳал этиш)да фаол иштирок этишини таъминлаш.

Педагогик муроқот педагогик жараён мантиғига мос келадиган динамик тавсифга эга. Педагогик муроқотнинг тузилишида қуйидаги босқичлар алоҳида ажратиб кўрсатилади: 1. Моделлаштириш (башоратга доир) – педагогик вазифаларга мос ўзаро ҳаракатнинг коммуникатив тузилишини ўзига хос тарзда режалаштиришни амалга ошириш. 2. Бевосита муроқотни ташкил этиш (коммуникатив ҳужум) – педагог ташаббускорликни ўз қўлига олади, гурухни тезлик билан ишга жалб этиш технологияси 3. Муроқотни бошқариш – кўлланиладиган таъсир кўрсатиш методларининг коммуникативлигини таъминлаш (талабаларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг ташаббус кўрсатишини ташкил этиш, диалогик муроқотни йўлга қўйиш, ўз мўлжалини реал шароит билан уйғун тарзда коррекциялаш. 4. Амалга оширилаётган педагогик муроқот технологиясининг бориши ва натижаларини таҳлил этиш. Мазкур босқич кўпинча ўзининг мазмунига кўра муроқотда қайта алоқа босқичи деб номланади ҳамда коммуникатив вазифани ҳал этишнинг якуний босқичига мос келади.

Мунтазам ўқитишининг илк тури қадимги юонон файласуфи Сукрот (эрамиздан аввалги 469-399 эр. авв. йиллар) ва унинг ўқувчилари томонидан кенг қўллаган ёрдамчи саволларга жавоб топиш методи ҳисобланади. Бу метод сукротча сухбат методи номини олган. Ўқитувчи (файласуф) ўқувчидаги қизиқиши, билишга интилишни уйғотадиган саволдан фойдаланади, муроҳаза юритиши асосида талабани воқеа-ходисаларнинг моҳиятини идрок этишга ундейди. Ўқитувчининг муроҳазаси кўпинча риторик саволларни муҳокама қилиш билан тўлдирилиб турилади. Сукротча сухбатлар бир ёки бир неча талабалар иштирокида ташкил этилади.

Догматик ўқитиши – жамоа асосида идрок этиш фаолиятининг илк тури бўлиб, ўрта асрларда кенг тарқалган. Ўрта асрларда Фарбий Европада догматик ўқитишида лотин тили, Марказий Осиё мамлакатларида эса араб

тили етакчи ўрин тутган. Мусулмон педагогик концепцияси сезиларли интеллектуаллик хусусиятига эга бўлган. Комилликка билимларидан фаол фойдалана оладиган одамгина эришиши мумкин деб ҳисобланган. “Ҳақиқий ғоялар” (Абу Али Ибн Сино. «Донишнома», «Билимлар китоби»), ҳақиқий билимларни ўзлаштиришга икки тўсиқ халақит қиласиди: сўзларининг аниқ ва фикрларининг тушунарли эмаслиги. Мазкур камчиликни бартараф этишда логика алоҳида ўрин эгаллайди. Мусулмон мамлакатларида болани ўқитиш ва тарбиялашда у томонидан Қуръоннинг араб тилида ёд олиниши билим эшаллашнинг асосий шарт ҳисобланган. Бундан ташқари XV-VII асрларда бир қатор мактабларда форс тили ҳам ўргатилган. Асосий таълимни болалар мактаблар – бошланғич мактабда олганлар (муқаддас китобни ўқиш ва талқин қилиш машғулотлари, ўқиш, ёзиш ва ҳисобга ўрганганлар). Догматик ўқитишда талабаларнинг асосий фаолиятлари тинглаш, ўқиш, ёд олиш, эслаб қолиш ва матнни сўзма-сўз тақрорлашдан иборат бўлган.

Олий таълим мадрасаларда берилган. Мовароуннахрдаги энг йирик ўқув масканлари сирасига Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Фиждуондаги мадрасаларни киритиш мумкин. Бу маърифий марказларининг ривожланиши XV-VII асрларга тўғри келган. Мадрасаларда ўқитиш форс тилларида олиб борилган. Талабалар мажбурий тарзда араб тилини ҳам ўрганганлар. Ўқув режасига грамматика, Қуръон, Ҳадис, риторика, логика, метафизика, геология, адабиёт, хуқуқшунослик каби фанлар кирган. Ўқитиш асосан оғзаки шаклда олиб борилган. Бироқ талабалар фойдаланган ўқув адабиётлари аста-секин анча кўп қиррали, турли-туман бўлиб боради. Мактаб таълими эркаклар учун мўлжалланган. Аммо ҳар бир бадавлат оила қиз болани ўқитиш учун уйга ўқитувчини таклиф этган.

Догматик ўқитиш ўрнига аста-секин ўқув жараёнида қўргазмалиликни кенг жалб этиш натижасида тушунириш, тушунириш-намойиш этиш каби таълим шакллари қўлланила бошланди.

Айни вақтда республика ҳудудида фаолият юритаётган замонавий таълим муассасаларида таълимнинг энг муҳим қуидаги уч туридан фойдаланилмоқда:

- тушунтирувчи-намойиш этувчи таълим (у анъанавий ёки ахборот берувчи таълим ҳам деб аталади);
- муаммоли ўқитиши;
- дастурлаштирилган таълим ёки компьютерли ўқитиши.

Бугунги кунда ўрта асрда кенг қўлланилган таълим турлари – докторат ва схоластик ўқитиши элементлари ҳам сақланиб келинмоқда.

Тушунтирувчи-намойиш этувчи таълим номидан моҳияти англаниб турибди. Кўргазмалилик асосида тушунтиришнинг асосий методлари тинглаш ва эслаб қолиш саналади.

Тушунтирувчи-намойиш этувчи таълим тури вақтни тежаш, ўқитувчи ва талабаларнинг кучларини асраш, қийин билимларни тушунишни осонлаштириш, таълим жараёнини анча самарали бошқаришни таъминлайди. Бироқ муайян камчиликка ҳам эга, яъни, “тайёр” билимларни бериш ва талабаларни билимларни ўзлаштиришда мустақил ҳамда маҳсулдор фикрлашдан озод этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, дифференциаллаштириш имкониятларининг камлиги.

**Ўқитиши воситалари:  
графикли органайзерлар,  
ўқитишининг техник  
воситалари, тарқатмалар.**

«Интерфаол» инглизча сўз бўлиб, «interact», «inter» - бу «ўзаро», «act» - бу «ҳаракат қилмоқ», Умумлаштиргандаги эса

«Интерфаол» -«ўзаро ҳаракат қилмоқ» маъносини англатади Interaction – ҳамкорликни (бошқалар билан) билдиради

Ўзаро ҳаракат турлари:

- ўқитувчи – ўқувчи;
- ўқувчи – ўқувчи;
- ўқитувчи – ўқувчилар;
- ўқувчилар – ўқувчилар;

ўқувчи – ўқувчилар;  
ўқувчилар – ўқитувчи.

Ўқитишининг интерфаол методлари қуидаги жиҳатларни ҳисобга олишни назарда тутади:

1. Когнитив (cognito – лотинча сўз, «билим», «билиш» маъносини англатади) – энг аввало, ўқувчи-талабаларни тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган, у ёки бу шаклда жамоа муҳокамасини ташкил этиш билан боғлик бўлган методdir.

2. Экспериментал ўқувчи-талабаларнинг «жонли», шахсий тажриба орттиришга йўналтирилган.

3. Ролли ўйинлар, моделлаштириш ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ҳамда маълум ролларни ижро этиш орқали уларни синаб кўришга йўналтирилган. Бу метод жамоа тафаккури, муҳокама билан боғлик, аммо муҳокама ролли уйин таҳлили асосида олиб борилади.

4. Фасилитация (инглизча facilitate - осонлаштириш) – гурӯҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, реал, амалий топшириқлар билан боғлик, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг реал режасини ишлаб чиқиш, реал, можароли манфаатларни мувофиқлаштириш

Қабул қилиш воситалари (каналлари) –  
қабул қилишининг энг муҳим фильтрларидан бири: кўриш, эшитиш, ҳис-туйғу.

Визуал - биз кўраётган нарса (образлар, расм, кино).

Аудил - биз эшитаётган нарса (нутқ, шамолнинг хуштаги, томчилаётган сув, оханг, тембр, овоз баландлиги).

Кинестетик - (грекча «кинес» - «харакат») - биз хис қилаётган нарса, хид ва таъм.

## БРЕЙНСТОРМИНГ

Бу термин инглизча сўз бўлиб, у икки тушунчадан иборат: brain-мия, storming-хужум, бўрон, қаттиқ хаяжон. Ушбу методни «мияни хаяжонга солиш» деб юритилиши, унинг асл моҳиятини очиб беради, лекин баъзида

ушбу методни «жамоавий ижодий фикрлаш» деб ҳам тушунса бўлади. Русланидаги таржимада ушбу метод «Мозговая атака», ўзбек тилида эса «Ақлий хужум» ёки «Фикрлар хужуми» дейилиши унинг асл моҳиятини сақлашга ёрдам беради.

### «Тармоқлар» методи (кластер)

Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қўйидагича ташкил этилади:

1.Хаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этиб кетма-кет ёзилади.

2.Фикрлар тугамагунча ёзишда давом этавериш керак, Мабодо фикрлар тугаб қолса, у ҳолда янги фикр келгунча бирон расм чизиб туринг.

3. Иложи борича фирмларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтиришга интилинг.

### SWOT-ТАҲЛИЛ

S - strength - КУЧ

W - weakness - ОЖИЗЛИК

O - opportunity - ИМКОНИЯТ

T - threat - ТАҲДИД

Кучли томонлари – ҳал этилаётган вазифанинг афзалликлари.

Кучсиз томонлари - мақсадга эришишда ички муҳит омиллари таъсири,

Имконият - белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг маъқул холат

Таҳдид – фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари

*Баҳс-мунозара* (discussion method) – гуруҳда ўқитиш усули, бунда гуруҳ аъзолари муаммони ечиш ёки билимларни ошириш, мавзуни

тушуниш мақсадида ўз фояларини оғзаки таклиф этадилар. Усулни самарали қўллаш учун иштирокчилар муҳокама предметига оид етарли билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Шунинг учун мазкур усул, айниқса, катталар таълимида мақсаддага мувофиқ саналади.

«Муз ёрап» ўйини («қиздирувчи машқ», «фаолиятга жалб қилувчи») - бу иштирокчиларнинг ўзаро танишиши ва ишчи муҳит яратиш мақсадида қўлланадиган машқ. Машқнинг вазифаси - кишиларни мулоқотга чорлаш («музни ёриш»). «Муз ёрап» аудиториядаги руҳий тарангликни енгиш, гуруҳнинг шаклланиш жараёнини тезлатиш, мулоқот, ахборот алмашинувини йўлга қўйиш; самимийлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беради.

«Муз ёрап» барча иштирокчиларни жараёнга муваффақиятли жалб қилади ва тренингнинг умумий йўналишига ижобий таъсир кўрсатади.

### *АРИЗ – ТРИЗ методи*

- ТРИЗ – ихтиро этиладиган масалалар ечимини топиш назарияси
- АРИЗ – ихтиро этиладиган масалалар ечимини топиш алгоритми
- ТРТЛ – ижодий шахсни ривожлантириш назарияси
- РТВ - ижодий тасавурни ривожлантириш

1946 йилдан илмий ижодкорлик технологиясини яратиш устида иш бошланди. Бу янги технология ТРИЗ (теория решения изобретательских задач) деб номланди. ТРИЗ ҳақидаги биринчи маълумот матбуотда 1956 йилда пайдо бўлди.

Генрих Саулович Альтшуллер 1926 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.


1958 йилда ТРИЗни ўргатиш бўйича биринчи ўқув семинарини ўтказган. Шу ўқув семинарида биринчи маротаба Г.С.Альтшуллер томонидан ИКР (идеальный конечный результат) тушунчасига таъриф берилди.

ТРИЗ – ишлаб чиқаришни, янги техник фикрларни аниқ фанга айлантиради, ечимни олдида кўр-кўrona айланиб юрмасдан ихтиrolи

масалаларни ечимини топишга ёрдам беради. ТРИЗ - бу стереотиплардан воз кечишидир. ТРИЗ элементлари фақат техник соҳаларда эмас, балки барча бошқа соҳаларда ишлатилиши мумкин.

Ҳаётдаги ва табиатдаги ҳар бир предмет, ҳар бир модда, ходиса, воқеа, объектда иккиламчилик сири, қарама-қаршилик мавжудлиги ўқувчи-талабаларни ҳар бир нарсанинг нимасидир яхши-ю, нимасидир ёмон, бир томондан фойдали, иккинчи томондан заарли, бир жиҳатдан халал берса, иккинчи жиҳатда зарур эканлигига қизиқиши уйғотади ва уни топишга ундайди. Бу эса айрим ўзлаштирилиши қийин бўлган материалларни ТРИЗ элементлари орқали осонлик билан ўзлаштира олиш имкониятига эга бўладилар.

График органайзерлар - ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график органайзерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда кўлласа восита вазифасини, талабаларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.



?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўқитишининг қандай шакллари мавжуд?
2. Дин психологияси туркум фанларини ўқитишда қандай таълим шаклларидан фойдаланиш лозим?
3. Ўқитишининг расмий, норасмий ва виртуал шакли деганда нимани тушунасиз?
4. Қадимги замонларда қандай ўқитиш шаклларидан фойдаланилган?
5. График-организерлар деганда нимани тушунасиз?
6. Махсус фанларни ўқитиш методлари қандай мезонлар асосида танлаб олинади?

!

## МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Авесто. Қадимги Шарқ адабиёти. –Москва: МДНМ, 1984. -с.352.
2. Аминова Ф. Мулоқот матни яратиш кўникмаларини шакллантириш. Тошкент: “Фан”, 2006.
3. Зиёдова Т.У., Холматова У., Жуманиёзова Т. Ўқитувчи китоби. Тошкент: 2002.
4. Кан-Калик В.А. Грамматика общения. – М., 1995.
5. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. Тошкент: Турон-икбол, 2006. -115
6. Омонов Х.Т., Мадиярова С.А. ва бошқ. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Магистратура учун дарслик. – Т.: Иктисад-Молия, 2009.
7. Тохиров М. Мирзо Улуғбекнинг педагогик қарашлари. -Тошкент: Фан, 1984.

## **6-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ШАКЛЛАРИ**

**Режа:**

1. Maxsus фанларни ўқитиш натижаларини мустаҳкамлашда мустақил таълимнинг тутган ўрни.
2. Maxsus фанлардан курс ишлари мазмуни, уни тайёрлаш ва расмийлаштиришга қўйиладиган дидактик талаблар
3. Битирув малакавий ишларини бажариш талаблари, ташкилий ва илмий-методик таъминоти.
4. Maxsus фанлардан ўқув ва малакавий педагогик амалиётни, маслаҳат соатларини ташкил этиш методикаси.

**Таянч тушунчалар:**

Аудиториядан ташқари ишлар мазмуни, мустақил таълим, тўгарак, практикум, тренинг, кейс-стади, курс иши, дидактик талаб, таҳлил қилиш, битирув малакавий иши, малакавий амалиёт, педагогик амалиёт.

**Махсус фанларни ўқитиши  
натижаларини  
мустаҳкамлашда мустақил  
таълимнинг тутган ўрни.**

Қайси соҳада бўлмасин, билимларни мустақил равища эгаллашга интилиш – таълим муассасасида талаба фаолиятининг энг ажралиб турадиган хусусияти,

мустақил ўқиб, билим орттириш асоси ҳисобланади. Таълим тизимида мустақил билим олиш, назорат қилиш мустақил таълим олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мустақил билим олишда аввало, талabalарда мустақил ишлашга, эркин, ижодий фаолият юритишига ва энг асосийси мустақил фикрлашга эҳтиёжни шакллантириш лозим.

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равища бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-фан бўйича янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

-фан бўйича керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;

-мавзуга тегишли ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;

-фан бўйича анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлашга ўргатиш;

-фан бўйича электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлашга ўргатиш;

-Интернет тармоғидан мақсадли ва рационал фойдаланиш;

-мавзу бўйича берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;

-мавзу бўйича топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш.

Мустақил таълим ўқитувчи томонидан белгиланган кафедра ийғилишида тасдиқланган топшириқлар асосида талабалар томонидан ўқув режада ажратилган соатлар ҳажмига кўра реферат ёки ишланмалар кўринишида амалга оширилади. Талабалар мустақил ишни маҳсус фанлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги бошқа шаклларидан фойдаланиб бажаради:

- Тақдимот (танланган мавзу асосида);
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш;
- Мутассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаштириш;
- Кейслар ва видеокейслар банкини яратиш;
- Кейс-стади асосида яратилган муаммоли вазиятларни ечимини излаш ва таҳил қилиш;
- Ижодий топшириқлар устида ишлаш.

Мустақил таълим мазмуни танланган мавзуга мос бўлиши керак. Уни бажариш таркибида қуидагиларга эътибор берилади:

Титул варағи, кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати, илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхаси, дарс ишланмаси ва бошқалар).

Мазмунида: таълим йўналиши дастурида тавсия қилинган адабиётларни мутолаа қилиш, мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш, мультимедия дарслерлари, талаба индивидуал ишлашда аналитик кўникма, мустақил фикрни асослаш кўникмаси, интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутолаа қилиш, грух олдида тақдимотлар қилиш, “Инсерт” техникаси асосида материал тайёрлаш, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш, психологик тренинглар банкини яратиш, мустақил таълимда анъанавийлик ва инновациялар бўлгани мақсадга мувофик.

Мустақил таълимга тегишли ишларнинг мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги маҳсус фанлар хусусиятларини ҳисобга олиб кенгайиши ва ўзгариши мумкин.

Ҳар бир ОТМ раҳбарияти талабаларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишларни ўз вақтида, сифатли бажаришлари учун зарур ахборот манбалари, компьютер техникаси ва Интернет халқаро ахборот тармоғидан самарали, мақсадли фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши лозим. Талабаларнинг мустақил таълимига раҳбарлик қилиш кафедрада тузилиб, факультет деканати томонидан тасдиқланадиган маслаҳат (консультация)лар жадвалига мувофик амалга оширилади. Маслаҳат учун ажратилган соатлари грухлар журналларида қайд этиб борилади. Талабаларнинг мустақил ишларини назорат килиш ўқув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Мустақил ишларнинг бажарилиши тегишли фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос равишда рейтинг тизими (баллар) асосида баҳоланади. Ҳар бир талабанинг мустақил иш бўйича олган баллари унинг

тегишли фан бўйича тўпланган умумий рейтинг кўрсаткичлари қўшилади. Мустақил иш учун талаба томонидан олган балл кўрсаткичи гурух “Рейтинг ойнаси”да, шунингдек, ОТМнинг махсус электрон тармоғида ёритиб борилади. Тегишли фандан мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг баллининг 55 % дан кам балл тўплаган талаба шу фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди. Ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича талабаларнинг мустақил ишларни тайёрлашга қаратилган фаолиятлари мунтазам равишда талабалар гуруҳлари, тегишли кафедра йигилишлари ва факультет Кенгашларида муҳокама этиб борилади, ҳар бир мустақил иш кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сакланади.

Аудиториядан ташқари машғулотларнинг асосий ва барқарор турларига таълим жараёнининг таркибий қисми сифатида қараладиган, талабаларнинг мустақил ишлари киради. Мустақил таълимнинг асосий мақсади – дарсда ўзлаштирилган БКМни кенгайтириш, чукурлаштириш, уларни ёддан чиқаришнинг олдини олиш, талабаларнинг индивидуал лаёқати, истеъод ва қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Талабаларнинг мустақил уй ишлари қўйидаги дидактик талабларга жавоб бериши лозим: дарсда ўзлаштирилган БКМни мустаҳкамлаш, аудиторияда ишлаб чиқилган ўқув материалини кенгайтириш ва чукурлаштириш, машқларни мустақил бажариш кўнилмаларини шакллантириш, дастурли материал доирасига кирувчи ҳажмда индивидуал топширикларни бажариш асосида мустақил фикрлашини ривожлантириш, индивидуал кузатишлар, тажрибалар, гербариј, табиий намуналар, открыткалар, расмлар, газета ва журнал лавҳалари статистик маълумотлар каби ўқув қўлланмаларини тўплаш ва тайёрлаш ва б.ш.

Дарсда дарснинг қўйидаги ёрдамчи турларидан ҳам фойдаланилади:

**Ёрдамчи турлари**

Тўгарак; практикум; семинар; конференция; маслаҳат (консультация); факультатив машғулот; ўқув экскурсиялари; уй ишлари ва б.ш.

Фан тўгараклари йўналиши, мазмунни, иш методи, ўқиш вақти ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради. Улар ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқишга бўлган ижобий муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.

Таълимнинг ёрдамчи шаклларига экскурсиялар ҳам киради. Улар оммавий, гурухли ва кичик гурухли бўлиши мумкин. Ўқув экскурсиялари алоҳида фанлар ҳамда бир қанча фанлар бўйича ҳам режалаштирилади.

Улар ўқувчилар, уларнинг ота-оналари истак ва қизиқишиларини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқилади. Факультатив ва фанларни рўйхатини аниқлашда фақат талабалар истаклари эмас, балки ижтимоий талаблар ва ОТМ имкониятидан келиб чиқилади.

Одатда, талабаларнинг маълум ўқув материали ёки топшириғи устида мустақил ишлашлари уларда маслаҳат (консультация)га нисбатан эҳтиёжни юзага келтиради.

**Махсус фанлардан курс иши мазмуни, уни тайёрлаш ва расмийлаштиришига қўйиладиган дидактик**

Маслаҳатни ташкил этиш вақтида асосан талаба савол беради. Тўғри ташкил этилган консультация талабаларга ўқув материалини

эгаллашда қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Маслаҳат давомида ўқитувчи талабалар фаолиятини у ёки бу масалани тўғри тушунишга мустақил келадиган, улар учун қийин топшириқни тушуниб оладиган қилиб, ўрганилаётган материалнинг моҳиятини очишга ўрганадиган қилиб йўналтиради.

Махсус фанлардан курс иши ёзиш талабани битирув малакавий ишини ёзишга тайёрлаб борадиган муҳим босқич ҳисобланади. Курс ишини ёзишдан мақсад қўйидагилардан иборат: -талабаларни махсус фанларни ўрганиши учун норматив-хукуқий хужжатлар, илмий-ўқув адабиётларни излаб топиш, ўрганиб чиқиш ҳамда уларни жамлаб хулоса қилиш;

-мустақил таълим олиш фаолиятини жонлантириш;

- амалий материалларни таҳлил қилиш;
- фактлар асосида рационал хулоса чиқаришни ўрганиш;
- долзарб мавзуга тааллукли бўлган янгиликлар, адабиётлар ва манбалардан фойдаланиш;
- битирув малакавий ишларини ёзишга тайёрлаш.

Курс ишини тайёрлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- мавзу танлаш;
- мавзуга доир манбалар, адабиётларни излаб топиш, ўрганиш, уларнинг библиографик рўйхатини тузиш;
- муаммо бўйича мавжуд материалларни йиғиш, ўрганиш, таҳлил қилиш;
- курс иши режасини тузиш;
- режага мувофиқ равишда саволларни ёритиб бериш, таҳлил қилиш;
- ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида пайдо бўлган хуносаларни тўғри ва батафсил баёнини изоҳлаш;
- курс ишида келтирилган маълумотларни кенг ва тушунарли тарзда таҳлил қилиш;
- илмий раҳбар томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш ва таклифларни инобатга олиш;
- курс ишини тўғри расмийлаштириш;
- курс ишини ҳимоя қилиш.

Келтириб ўтилган босқичлардан энг асосийси мавзу танлаш босқичидир. Кафедрада маҳсус фанлардан ўқув режада кўзда тутилган курс ишлари мавзулари долзарб муаммолардан келиб чиқиб, курс ишига раҳбарлик олиб борадиган профессор-ўқитувчилар томонидан таклиф этилади. Бунда албатта талabalар фикрларини, уларнинг қизиқишлигини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараён ўқув йилининг 1 октябригача давом этади. Мавзулар тасдиқлангандан сўнг, талabalар томонидан танлаб олинади. Бу шароитда узвийлик тамойилини ҳисобга олиш муҳим. Маҳсус фанлардан бажарилган курс ишларини келгусида битирув малакавий иши сифатида мантиқий давом эттириш мумкин. Талabalар томонидан эълон қилинаётган

илмий мақола ва тезислар ҳам курс иши, битирув иши мавзуси доирасида бўйса, талаба бир муаммо устида узвий, узлуксиз тарзда изланишлар олиб боради. Келгусида эса бу жараён унинг илмий иши мавзусини ва мазмунини шакллантиришга катта замин бўлиб хизмат қиласи.

Махсус фанлардан курс иши ёзиш талабанинг илмий дунёкарош ва салоҳиятини кенгайтиради, мустақил фикрлаш, объектив хулосалар бериш ҳамда аналитик тафаккурини ривожлантиради. Шу боис ушбу жараённи тўғри ташкил қилиш ва аниқ лойиҳалаштириш муҳим саналади. Бу талабанинг илмий салоҳияти ва изланувчанлик қобилиятини шакллантириб берувчи асосий жараён ҳисобланади.

Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, талабаларнинг курс иши (лойиҳаси), малакавий битирув иши ёки магистрлик диссертациясини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Курс иши (лойиҳаси), малакавий битирув иши ва таълим олувчилик диссертациясини тайёрлашда ҳар бир талаба учун ажратиладиган соатлар профессор-ўқитувчилар шахсий иш режасининг “Ўқув ишлари” бўлимида кўрсатилади.

Курс ишининг ҳажми танланган мавзунинг қамров даражасига боғлик, яъни 35-40 саҳифадан иборат бўлиб, таркибий тузилиши титул вараги, мундарижа, кириш қисми, асосий қисм (3 ёки 4 та режа), хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлади. Кириш қисмидаги курс иши мавзусининг долзарблиги асосланади, мақсади ва вазифалари, предмети ва обьекти 2-3 варақ ҳажмда аниқ кўрсатилади, асосий қисмнинг ҳар бир саволини очиб бериш учун 8-10 бетгача олиш мумкин, хулоса ва адабиётлар рўйхати ҳар бири 2-3 варақдан иборат бўлади. Курс иши шакли А 4 формат оқ қоғозда чапдан 3 см, юқори ва пастдан 2 см ва ўнгдан 1,5 см ҳажмда 14 кегел, Times New Roman шрифтида, 1,5 интервалда ёзилиши талаб этилади.

Курс иши талаба томонидан илмий раҳбар маслаҳати асосида мустақил бажарилади, иш тутгаллангандан сўнг илмий раҳбар тавсияси билан мавзу

доирасида соҳа мутахассисидан тақриз олинади. Тайёр курс иши тақриз билан биргаликда кафедрага ҳимоя учун топширилади. Ҳимоя куни белгилангач, талаба 10-15 дақиқа давомида тақдимот-слайд асосида курс ишини ҳимоя қиласи.

***Битирув малакавий  
ишларини бажариши  
талаблари, ташкилий ва  
илмий-методик  
таъминоти.***

Олий таълим тизими учун маҳсус фанлар бўйича бўлажак педагогларни тайёрлашнинг муҳим босқичлардан бири бу битирув малакавий ишини (БМИ) тайёрлаш ва

уни ҳимоя қилишдир.

Битирув малакавий иш олий таълим муссасалари битиравчилари томонидан бакалавриатда таълим олишининг якунловчи босқичидир.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муссасалари битиравчиларининг Якуний Давлат Аттестацияси тўғрисида Низом” талабларига асосан бажарилади.

Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад таълим йўналишининг хусусиятига қараб, касбий ва педагогик таълим бўйича назарий ва амалий билимларни, малака ва кўникмаларини тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдир. Мазкур иш тури битиравчи талабанинг бакалавр даражасини олиши учун асосий мезон ҳисобланади.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуидагиларга эришилади:

- ижтимоий, иқтисодий ва педагогик вазифаларини ечиш учун таълим жараёнида шаклланган билим, кўникма, малакаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- ижодий педагогик фаолият, амалий вазифаларини мустақил еча олиш кўникмаларини шакллантириш;
- маҳсус фанларни ўқитиш методикаси бўйича олинган билимларни комплекс равишда қўллаш кўникмасини шакллантириш;

-мустақил педагогик фаолиятга талабани тайёрлаш.

“Дин социопсихологияси” таълим йўналиши битирувчи талабалари томонидан тайёрланадиган битирув малакавий ишлари олдига умумий талаблардан ташқари қўйидаги дидактик талаблар қўйилади:

-махсус фанларни ўқитиша замонавий педагогик, ахборот технологиялари ва дин психологияси муаммоларининг замонавий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш;

-ОТМ йўналишига мос равишда фан ва технологияларнинг ривожланиш истиқболларини акс эттирувчи махсус фанлар мазмунини янада такомиллаштиришга эътибор қаратиш;

-талаба билан тузилган тўлов-шартномасини амалга оширувчи буюртмачи ташкилот, шунингдек, корхона ва коллежларда мавжуд ижтимоий, илмий-техник муаммолар ечимига эътибор қаратиш.

БМИ мавзулари аниқ ва қисқа, 12 та сўздан кўп бўлмаган ҳолда бўлиши лозим. Мавзулар банкини шакллантиришда *кафедра* мутасадди орган ҳисобланади, ҳар бир ўқув йили учун БМИ мавзуларини соҳа янгиликлари, замон талаблари асосида креатив ёндашган ҳолда шакллантириши лозим.

БМИ мавзулари олдинги йилларда бажарилган ишларнинг мазмуни ва мавзусини тақороламаган ҳолда, битирувчи талабанинг эҳтиёж ва қизиқишиларини инобатта олиб, шунингдек, талаба аввалдан изланиб келаётган муаммолар, у томонидан бажарилган курс ишлари ва илмий мақола, тезисларнинг мазмуний давоми сифатида шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

БМИ мавзулари ҳар йили «Дин психологияси ва педагогика» - мутахассис чиқарувчи кафедраси ва махсус фанлар кафедраси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади, факультет, институт Кенгашларида муҳокама қилиниб, ОТМ ректори буйруги билан тасдиқланади.

БМИ мавзуларининг йиллик рўйхати битирувчи курс ўқув йили бошида эълон килинади ва битирув олди амалиётигача талабага

бириктирилади. Талабага БМИ мавзусини ва мавзуу раҳбарини танлаш ҳуқуқи берилади.

БМИ мавзуси ва раҳбарини талабага бириктириш ОТМ ректори буйруғи билан тасдиқланади (камида ҳимоядан 5 ой олдин).

БМИга илмий раҳбар “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда маҳсус фанларни ўқитиш кафедраларида дин психологияси, илм-фан масалаларини ҳал қилишнинг замонавий йўналишлари бўйича фикр юрита оладиган малакали мутахассислар (бити्रувчи кафедра профессорлари, доцентлари, катта ўқитувчилари) орасидан тайинланади.

БМИ раҳбари:

-топшириқ беради, иш бажариш жадвалини тузади;  
-мавзуу бўйича асосий адабиётлар, маълумотлар ва бошқа манбаларни тавсия этади; -талабалар билан мунтазам равишда маслаҳат ишларини олиб боради;  
-бажарилган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради.

БМИни талаба олинган топшириқ ва услубий тавсияномаларга асосан шахсан ўзи бажаради.

*БМИнинг таркибий тузилиши қуийидагича бўлиши зарур:*

Титул вараги

БМИни бажариш учун топшириқ

Мундарижа

Кириш

Асосий қисм

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Раҳбар хулосаси

Ички ва ташқи тақризлар

Химоя олди мухокамасидан ўтганлиги ҳақида кафедра баённомасидан кўчирма.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида қуидагилар ёритилади: дин психологияси соҳасидаги ислоҳотлар ва ривожланиш истиқболларини қамраган ҳолда тадқиқот мавзусининг долзабрлиги; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, БМИнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методологик асослари ва методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асослаб берилади (2-3 бет).

### 1-Боб. Назарий-эмперик қисм

- Махсус фан бўйича мавзунинг умумий тавсифи:

Дин психологияси муаммоларининг умумий тавсифи (бошқарув тизими, касб ва мутахассисликлар, ишга жойлаштириш мониторинги ва бошқалар); кичик мутахассисларни тайёрлашда мутахассислик фанининг ўрни, мавзунинг ўзига хослиги, унинг назарий ва амалий йўналиши; фанлараро боғлиқлик характеристи, тузилмаси ва бошқалар.

- Мавзуда акс этган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ва мазмун моҳиятининг назарий жиҳатлари.

2-Боб. Амалий-услубий қисм. Мавзу бўйича назарий ва амалий ишлар методикасини шакллантириш ва ўтказиш.

-лаборатория ва амалий ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси: техник воситалар ва амалий методларнинг тавсифи, талабаларнинг билими, малака ва кўнилмаларини назорат қилиш мазмуни; машғулот режаси, талабаларнинг иш жойлари бўйича таксимлаш жадвали.

-мавзу бўйича билимларни назорат қилиш: билимларни назорат қилиш ҳақида тушунча, билимларни назорат қилиш ва баҳолашга қўйиладиган талаблар; материал блокларига назорат шаклларини танлаш ва назорат топшириқларини ишлаб чиқиши.

3-Боб. Тажриба-синов қисми.

- Ишлаб чиқилган методикаларни синовдан ўтказиш;

-натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, илмий-назарий хулосалар чиқариш.

Асосий қисм тузилмаси танланган мавзунинг хусусиятидан келиб чиқсан холда ўзгартирилиши ва раҳбар билан келишилган ҳолда тузатишлар киритилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида олиб борилган изланишлар натижалари бўйича умумий хулосалар ва тавсиялар берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати муаллиф томонидан педагогик муаммоларни ўрганиш даражаси билан тавсифланади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига иш матнида биографик изоҳлар қилинган манбалар киритилади ва алфавит кетма-кетлигига жойлаштирилади.

БМИнинг иловалар қисмида ишлаб чиқилган дидактик ва бошқа материаллар, электрон ўқув материалларига доир дисклар берилади.

БМИ иловаси унинг ихтиёрий бўлими хисобланади. Ундан қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

-ишнинг назарий ёки амалий материали катта бўлиб, ҳажм жиҳатдан меъёрдан ошса ва иш ўқилишини қийинлаштирса (схемалар, ишланмалар, жадваллар);

- қўшимча материални келтириш зарурияти туғилса;
- қўшимча маълумотнома тавсифидаги материаллар келтирилса.

Битирув малакавий ишининг матни қўйидаги талаблар асосида расмийлаштирилади:

БМИнинг тили. Тушунтириш хати давлат тили, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин. Хорижий тилда ҳимоя қилиш учун ўқув ишлари бўйича проректорнинг рухсатномаси ва таржимон-ўқитувчининг бўлиши зарур.

БМИни бажариш. БМИ А-4 (210x297мм.) форматдаги вароқларда, оқ вароқнинг факат бир тарафида тақдим этилади. Расмлар, жадвалар, чизмаларни А3 форматда келтириш мумкин.

Қулёzmанинг умумий ҳажми жадвалар ва расмлар билан 80 бетдан ошмаслиги керак, илова ва адабиётлар рўйхати бунга кирмайди.

Компьютерда қилинган ишнинг умумий ҳажми жадвалар ва расмларни хисобга олганда 60 бетдан ошмаслиги керак.

Босма қуидаги талабларга жавоб берishi керак:

- БМИ матни WORD тахрири матнида шрифт 14,Times New Roman, 1.5 интервалда, битта бетда 28-30 қатор бўлиб, 56-60 белгидан иборат бўлади.
- Ҳошиялар: ўнг томон – 15 мм, чап томон – 30 мм, юқори ва паст томонлари – 20 мм.

БМИнинг тузилмавий элементларининг ( мундарижа, кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар) ва бўлимларнинг ( бобларнинг) сарлавҳалари номланиши қаторнинг ўртасида, нуқтасиз, ёзув ҳарфлари билан, тагига чизмасдан жойлашиши керак. Сарлавҳада сўзни кўчирмаслик керак.

Ҳар бир боб ва булим янги вароқдан бошланиши тавсия этилади. Боб ва бўлимлар араб сонлари билан номерланади. Бўлимнинг номлари боб ва бўлим рақамларидан иборат бўлиб, нуқта билан ажратилади (масалан:2.1.) Бўлим ва пунктларнинг сарлавҳаси сўз бошидан бошланиб, ҳарфларнинг тагига чизилмайди, охирига нуқта қўйилмайди. Агар сарлавҳа бир неча гапдан иборат бўлса, улар нуқта билан ажратилади. Сарлавҳаларда сўз кўчиришга йўл қўймаслик керак.

Ишнинг асосий қисми ва иловалари сахифаларининг тартиб рақами кетма кетлиги узилмаслиги керак. Мундарижада БМИнинг ҳар бир бўлими сахифаларининг бетлари кўрсатилади.

Тушунтириш хатидаги намойиш қилинадиган материал (чизмалар, схемалар, расмлар, диаграммалар, фотоматериаллар ва х.к.) алоҳида оқ вароқларда бажарилади ва матнга мос жойларда жойлаштирилади.

Расм ва схемалар давлат стандартларига мос равишда қора сиёҳ, туш ёки компьютердан фойдаланилган ҳолда бажарилиши, бунда рангли тасвир, нуқтали фон, штрихлардан фойдаланиш мумкин.

Намойиш қилинадиган материаллар матндан сўнг жойлаштирилади. Уларни айлантирмасдан қулай ҳолда ёки соат стрелкаси бўйича минимал

айлантирган ҳолда кўриш мумкин бўлиши керак. БМИда бирга номойиш қилинадиган материаллар расм деб номланади. Улар матнда жойлашувига қараб араб сонлари билан қавссиз тартиб билан ракамланади. Аввал бўлим номери кўрсатилади сўнгра ушбу бўлимдаги расм ёки жадвалнинг тартиб рақами кўрсатилади. Масалан: 1.2-расм (расмнинг номланиши); жадвал 2.1. (жадвалнинг номланиши). Тушунтириш хатида ҳар бир расм ёки жадвалга изоҳ берилиб, шу материал тавсифлаб берилади.

*БМИни ҳимояга тайёрлаш.* Жадвалга асосан талаба иш бажариш вақтида раҳбари ва кафедра мудири олдида унинг бажарилиши ҳақида икки марта ҳисобот беради. Кафедра мудири бажарилган ишларнинг фоизини аниқлаб, маълумотларни деканатга тақдим этади.

Берилган тартибда расмийлаштирилган ва тикилган БМИ талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар бажарилган ишга қисқача хулоса қилиб, талабанинг фаолияти, бажарилган ишга баҳо беради, унинг тўғри очимларини, ижобий томонларини, камчикларини кўрсатади.

Кафедра мудири БМИ нинг тайёргарлик даражасини аниқлайди ва олдиндан ҳимоя қилиш вақтини белгилайди. Ушбу ҳимоя педагогика ва психология кафедрасида бўлиб ўтади. Олдиндан ўтиладиган ҳимояга кафедра, деканат аъзолари таклиф этилади. Ушбу ҳимоядан ўтган БМИга кафедра мудири тақризчини тайинлайди.

Тақризчи сифатида ОТМнинг етакчи ўқитувчилари, фан номзодлари ва докторларини (аммо битирувчи кафедара аъзолари эмас), битирув олди амалиёти ўтказилган муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг етакчи мутахассисларни таклиф қилиш мумкин.

Тақризчининг хуносаси олингандан сўнг кафедра қарори билан БМИ ҳимояга тавсия этилади.

*БМИни ҳимоя қилиши.* БМИни ҳимоя қилиш “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муссасаларини битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси туғрисида”ги Низомда белгиланган.

Химоя ДАКнинг очик мажлисида бўлиб ўтади. Талаба ўзининг 10-12 дақиқа ичидағи маъruzасида қуйидагиларни қисқа ва лўнда очиб бериши керак:

- ишнинг мавзуси, унинг долзарблиги, мақсадини, вазифаларини ва амалий аҳамиятини айтиб ўтиши;
- илмий моҳиятини очиб бериши: уни бажариш вақтида олинган асосий натижалар, тажриба-синов ўтказиш методикаси.

Маъруза вақтида талаба бажарган иш материалини эркин ва англаған ҳолда тақдимот қилиб бериши керак.

Маъруза *Power Point* ва *Isprint* дастурларидан фойдаланилган ҳолда, слайдлари билан биргаликда олиб борилиши лозим.

Талаба ўз чиқиши давомида схемалар, чизмалар, жадвал, тарқатма материал, турли техник воситалар, видео мультимедияли технологиялардан фойдаланиши мумкин.

Маъруза тугагандан сўнг талаба тақризчилар томонидан кўрсатилган камчиликлар юзасидан чиқиши қилиши ҳамда ДАК аъзоларининг саволларига жавоб бериши керак. БМИ химояси асосида натижалар 100 баллик рейтинг шкаласи бўйича баҳоланади. Қониқарсиз баҳо олган талаба ўрнатилган тартибда академик маълумотнома асосида ишга йўлланма олади. У қайта химояга 3 йил ичida бир марта бир йилдан кейин қўйилади. Химоядан сўнг битириув малакавий иши ОТМда (10 йилдан кам бўлмаган ҳолда) сақланади. Зарур ҳолларда БМИдан нусха қўчирилади (масалан, танловларда қатнашиш учун ва ҳ.к), асл нусхаси эса ОТМда сақланади.

### **Махсус фанлардан ўқув ва малакавий педагогик амалиётни, маслаҳат соатларини ташкил этиши методикаси**

Дин социопсихологияси бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишда ўқув ва малакавий педагогик амалиёт муҳим ўрин эгаллайди. Чунки мутахассис

бўлғуси меҳнат фаолиятига тўлиқ тайёр бўлиши лозим. У турли ёш, ижтимоий қатлам, турли эътиқод вакиллари билан ишлаш учун зарур бўлган

билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, ўз ишининг вазифаси, мазмуни ва йўлларини мустақил белгилай олиши лозим. Шунинг учун малакавий амалиётни шундай ташкил қилиш лозимки, у юқори малакали дин психологини тайёрлашга кўмаклашсин.

Бу олий ўқув юртидаги бутун ўқиш даврида, яъни ўқув фаолиятининг турли кўринишларини амалга ошириш жараёнида рўй беради: педагогика, психология ва хусусий методикалардан маъруза, амалий машғулот ва семинар, амалиёт, аудиториядан ташқари ишлар, болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик тадбирлар шулар жумласидандир. Булардан энг муҳими, педагогик амалиёт ҳисобланади. Чунки педагогик амалиёт жараёнида талабалар ўзлари эгаллаган назарий билимларни амалда синаб кўрадилар, касбий компетентлик, лаёқат ва касбга бўлган қизиқишиларини аниқлайдилар.

Малакавий амалиёт жараёнида талабалар ўзларида яна нималар етишмаслигини аниқлайдилар, ёки ўз-ўзларини англайдилар. Уларнинг касбий тайёргарлиги, мазкур касбда ишлай олиши ёки ишлай олмаслиги масаласи хал қилинади. Шунинг билан бирга талабалар факат малакавий, педагогик амалиёт жараёнларидагина психологик касбининг турли-туман, қийин ва ижодий томонларини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, яхши ташкил қилинган малакавий амалиёт жараёнида ёш мутахассис шаклланиши янада фаолроқ бўлади. Чунки доимий равища心理学家 касбининг ўз усталари билан бўлган алоқа, уларнинг психологик лабораторияларга киришлари, улар учун энг яхши тажрибаларни қўллашлари ва ўрганишларига ёрдам беради.

Табиийки, амалиётчи-талаба ўз фаолиятининг дастлабки даврларида бир қанча хатоликларга йўл қўяди. Жумладан, психологик ёндашув асосида ишлаш соҳасида бу хатолар баъзан психологнинг тажрибаси йўқлиги, назарий билимларни амалиётда қўллай олмаслиги, ўз касбини севмаслиги натижасида бўлса, баъзан эса олий ўқув юртларида шу соҳада етарли даражада иш олиб борилмаганлиги натижасидир.

Бу хатоларни қуйидаги беш гурухга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳдаги хатоларга талабаларнинг психолог касбига умумий ва технологик тайёргарлиги камлиги, ўз устида мунафазам ишламаслиги, яъни:

- махсус фанлар бўйича билимнинг пастлиги, унинг баён қилиш усулини билмаслик;
- ўз-ўзини бошқара билмаслик;
- шахслар билан тўғри муносабатда бўлиш малакасининг йўқлиги;
- нутқ, имо-ишора ва хатти-ҳаракатларнинг норасмийлиги;
- баъзи пайдо бўлган вазиятларга муносабатни йўлга қўйишни билмаслик;
- сухбатлашиш жараёнида сусткашлик ва бир хиллик.

Иккинчи гуруҳдаги камчиликлар психологга хос хислат ва маданиятга эга бўлмаслика:

- вазифаларни бажаришга юзаки муносабатда бўлиш;
- топширилган ишни бошқаларга топширишга интилиш;
- вазифаларни бажармаслик;
- фақат дарс бериш билан чекланиш;
- ишда ташаббускор бўлмаслик;
- психологик тренингларни тайёрлаб, ўтказа олмаслик;
- нутқ маданиятининг пастлиги;
- ахлоқизликтан.

Учинчи гурухга алоқадор хатоларни инсонлар ҳаётини ўрганишга эътиборсизликда деб билди:

- психологик ёрдамга муҳтоҷ шахсларга эътиборсизлик;
- муаммоларни объектив баҳолай олмаслик;
- мижозлар олдига талаблар қўя олмаслик;
- муаммоли шахслар билан ишлай олмаслик;
- инсонлар билан қўпол муомалада бўлиш;
- ўзига ишонмаслик;
- катталар ва болалар психологиясини билмаслик;

- ўқувчилар билан муомалада қизиққон бўлиш;
- ўқувчилар, ота-оналар, синф раҳбарларидан шикоят қилиш;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олмаслик.

Тўртинчи гурух хатоларга талаба педагогик амалиётга келганда мактаб ўқитувчилари билан алоқадаги камчиликларни киритиш мумкин:

- катталарнинг тажрибаси ва фойдали маслаҳатларига хурматсизлик;
- манманлик, ўқитувчиларга ноўрин маслаҳатлар, тавсиялар бериш;
- катталар билан муомалада одобсизлик;
- жамоа ҳаётига қатнашмаслик учун четга чиқишига интилиш;
- жамоа анъаналарини менсимаслик;
- ўқитувчиларнинг берган ёрдамларига эътиборсизлик;
- ўқитувчиларни ғийбат қилиш (баъзан кўз олдида муҳокама қилиш);
- мағурурлик;
- бир ўқитувчининг иккинчисидан устунлигини таъкидлаш;
- юқори баҳо олиш учун ўқитувчига ёқишига интилиш, хушомадгўйлик қилиш.

Бешинчи гурух хатоларга талабалар орасидаги алоқага оид хатоларни киритиш мумкин:

- бир-бирига ёрдам қилишни хоҳламаслик;
- ўз ўртоқлари ишларини баҳолашга объектив қарамаслик;
- ўртоқларидағи камчиликларга танқидий ёндашмаслик;
- мактабдаги ҳамма ишларга фаол қатнашаётган талабаларга салбий муносабатда бўлиш;
- бир-бирига талабчан бўлмаслик;
- ўртоқларининг энг яхши тажрибаларини менсимаслик.

Кўрсатилган хатолар талабалардаги касбий тайёргарликнинг пастлиги натижасидир. Булар I-II курсларда, айниқса, кўп учрайди. III-IV курсларда бу хатолар анча камайса-да, баъзи талабалар ишларининг натижасида кўриниб туради. Шунингдек, келгусида психологлар тайёрлашнинг самарадорлиги

педагогик амалиётнинг мазмуни ва сифати, унинг ташкил қилинишига боғлиқ.

Тажриба шуни кўрсатадики, талаба амалиётга келган биринчи кунданоқ ўзига таниш бўлмаган ва у тушунмаган бир қанча муаммоларга дуч келади. Бу муаммоларни ўзи мустақил еча олмайди.

Шунингдек, бундай қийинчиликларга биринчи йил ўз фаолиятини бошлаган психологлар ҳам дуч келадилар. Улар, айниқса, ўз фаолиятининг мақсадини аниқ белгилаш, режа ва лойиҳасини тузиш, мақсад ва натижа бирлигини таъминлаш, ишларни режалаштириш, баъзи бир психологик вазиятларни мустақил ҳал қилиш каби соҳаларда анча қийналадилар. Булар ёш психологни анча мураккаб ахволга солиб қўяди, баъзан ана шундай қийинчиликлар асосида улар ўз касбларидан эрта безиб қоладилар.

Шунинг учун талабаларни амалий фаолиятга тайёрлаш соҳасида мунтазам иш олиб бориш, уларни биринчи курсдан бошлабоқ психологик фаолиятнинг бирор соҳасига қатнашишларини таъминлаш лозим.

Талабаларни психологик билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантириш уларни доимий машқ қилишга ўргатиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Малакавий, педагогик амалиётга чиқишдан олдин икки кун давомида педагогик технологияга асосланган семинар ташкил қилиш ва бу семинарларда талабалар психологик фаолиятни ташкил этиш технологияси, психологик тренингларни тайёрлаш ва ўтказиш технологияси, индивидуал иш режалари тузиш каби бир қатор малакавий амалиёт даврида ўтказиладиган ишларга амалий тайёргарлик кўрадилар.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Талабалар мустақил таълими қандай ташкил этилади?
2. Мустақил иш турларини санаб беринг.
3. Курс ишлари қандай ташкил этилади?

4. Бити्रув малакавий ишларни бажариш талабанинг касбий компетентлигини белгилаб берадими?
5. Битириув малакавий ишлари қандай талаблар асосида бажарилади?
6. Аудиториядан ташқари жараён қандай ташкил этилади?
7. Тўгараклар фаолиятида нималарга эътибор қаратиш лозим?
8. Ўқув, малакавий, педагогик амалиёт қандай ташкил қилинади?

!

### **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР**

1. Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 55.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
3. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
4. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.
5. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. -102 б.
6. Қосимова З. Педагогик маҳорат асослари. –Т.: Фан, 2009.
7. Қосимова З. Таълим технологиялари. –Т.: Тафаккур қаноти, 2014. -208 б.

## **7-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМ, КҮНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ.**

**Режа:**

1. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабалар билим, күникма ва малакалар тизимини баҳолашнинг ўзига хослиги.
2. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида жорий, оралик ва якуний назоратларни ташкил этиши ва ўтказиш методикаси.
3. Педагогик квалиметрия.

**Таянч тушунчалар:**

Рейтинг, ўзлаштириш кўрсаткичи, назорат, ташхис, баҳолаш, назорат турлари, баҳолаш мезони, тизим, рейтинг низоми, ассесмент, педагогик квалиметрия, амалий кўникма.

**Махсус фанларни ўқитиши  
жараёнида талабалар  
билим, күникма ва  
малакалар тизимини  
баҳолашнинг ўзига  
хослиги.**

Бугунги кунда ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими қўлланилмоқда. Рейтинг (инглизча “баҳолаш”, “тартибга келтириш”) муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

Рейтинг тизими ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли ҳисобланади.

Рейтинг назоратда тест усулидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Тест сўровидан нафақат ўқувчиларнинг БКМни аниқлаш, балки 1993 йилдан бошлаб ЎзРда абитуриентларни олий ўқув юртларига танлов асосида қабул қилиш жараёнида ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Рейтинг тизими қуйидаги афзалликларга эга: баҳолаш имкониятларини кенгайтириш; ўқувчи билимини объектив аниқлаш; таълимни стандартлаштиришни таъминлаш; ДТСда кўзда тутилиб, ўқув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий БКМни тўла ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўқувчиларда мустақил билим олиш, эркин фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш; билимларни ихтиёрий ўзлаштириш учун имконият яратиш, камчиликларни бартараф этиш.

Ўқувчиларнинг БКМни баҳолаш мезонлари. Ўқувчиларнинг БКМ даражаси қўйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

“5” баҳо (85-100 балл) қўйилади, агар: а) материални тўлиқ ўзлаштирилса; б) мавзу бўйича асосий маълумотлар моҳияти очиб берилса; в) эгалланган билимлар амалда қўлланса; г) мавзуни баён қилишда, ёзма ишларда хатоларга қўл қўймасдан, маълумотлар тушунтириб берилса.

“4” баҳо (71-84 балл) қўйилади, агар: а) мавзу моҳияти ёритилса; б) саволларга қийналмасдан жавоб қайтарилиса; в) эгалланган билимлар амалиётда қўлланилса; г) оғзаки жавоб беришда хатоларга йўл қўйилмай, қўшимча саволлар билан хатолар тўғриланса, ёзма ишда бироз хатога йўл қўйилса;

“3” баҳо (55-70 балл) қўйилади, агар: а) мавзу ўзлаштирилган, лекин мустақил тушунтириш беришда ўқитувчининг аниқлаштирувчи саволларига эҳтиёж сезилса; б) саволларнинг мантиқий тузилиши ўзгарилиб берилганда, жавоб беришга қийналилса; в) ёзма ишда хатолари бор бўлса.

“2” баҳо (0-54 балл) қўйилади, агар: мавзу ҳақида тушунчага эга бўлинса-да, бироқ, уни ўзлаштираса, ёзма ишда қўпол хатоларга йўл қўйса.

Таълим олганликни ташхис этиш. Ташхис – бу дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш саналади. Ташхиссиз дидактик жараённи самарали бошқариш, мавжуд шароит учун оптимал натижаларга эришиш мумкин эмас.

Талабалар билимни ташхислаш орқали эришилган натижалар ва таълим олганлик даражаси ўртасида фарқ аниқланади. Дидактик ташхиснинг мақсади ўқув жараёнида кечадиган барча жиҳатларни унинг маҳсули билан боғлиқ ҳолда, ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Таълимни баҳолаш ёки текшириш фақат натижаларни қайд этади, бироқ уларнинг келиб чиқишини изоҳламайди. Ташхис натижаларини уларга

эришиш йўллари ва воситалари, усуллари билан алоқадорликда баҳолайди, таълим самарасини таъминловчи жараён ва босқичларини аниқлайди. Талабаларнинг БКМни назорат қилиш, баҳолаш ташхислашнинг таркибий қисмлари саналади.

Таълим жараёнида назорат ва ҳисобга олишнинг вазифалари. Талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари. Таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири – назорат ва ҳисобга олишдир.

Назорат (таълим жараёнида) таълим олувчининг билим, қўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади. Аниқлаш ва ўлчаш текшириш деб ҳам аталади.

Текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва талабалар ўртасида тескари алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқув материалини ўзлаштириш ҳакида объектив ахборот олиниши, билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашдир.

Текшириш бир неча босқичларда амалга оширилади. Яъни:

1. Талабаларнинг билим даражасини олдиндан аниқлаш. Одатда, у ўқув иили бошида талабалар томонидан аввалги ўқув йилида ўзлаштирилган билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Ҳар бир мавзуни ўзлаштириш жараёнидаги жорий текширишдир. Жорий текшириш таълим олувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган айрим алоҳида элементларни ўзлаштириш даражасини ташхислаш имконини беради. Мазкур текширишнинг асосий вазифаси алоҳида олинган муайян вазиятни ўрганишдир.

3. Оралиқ текшириш. Талабаларнинг ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирган БКМ даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли. Янги мавзуни ўрганиш билан бирга талабалар аввал ўзлаштирилганларни такрорлайдилар. Такрорий текшириш билимларни

мустаҳкамлашга кўмаклашади, бироқ ўқув ишлари босқичини тавсифлаш, билимларнинг мустаҳкамлик даражасини ташхислаш имконини бермайди.

4. Талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини яхлит бўлим ёки курснинг алоҳида мавзуси бўйича даврий текшириш. Унинг мақсади – курснинг турли қисмларида ўрганилган ўқув материалининг структуравий элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўзлаштириш сифатини ташхислаш. Даврий текширишнинг асосий вазифаси – тизимлаштириш ва умумлаштириш.

5. Талабаларнинг таълим жараёнининг барча босқичларида эгалланган БКМни якуний текшириш ва ҳисобга олиш. Ўзлаштиришнинг якуний ҳисоби ҳар бир чорак ва ўқув йили охирида ўтказилади.

Талабаларнинг БКМни текшириш натижалари баҳо билан ифодаланади.

**Баҳо** - ўқувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашишини рағбатлантириш

Назорат талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш ва таҳлил қилишни ҳам ўз ичига олади. Ўзлаштириш табеллари, синф, гуруҳ журналлари, рейтинг дафтарчаларида баҳолар шартли белгилар, код сигналлари, хотиралаш белгилари ва ҳ.о. кўринишида қайд этилади. Талабанинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун назорат якунлари (натижалари) асос бўлади. Бунда талабалар ишининг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Баҳони амалда эгалланган БКМ билан ДТСга кўра ўзлаштирилиши белгиланган БКМ умумий ҳажми ўртасидаги нисбат сифатида тушуниш зарур.

Ҳисобга олиш таълимнинг муайян даврида талабалар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш демакдир.

Талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим: 1) ўқув дастури асосида мавзу ва

булимни ўрганишда талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш; 2) ҳар бир якунланган мавзу бўйича талабаларнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш; 3) ўртача арифметик маълумотларга таянибгина талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик; 4) талабаларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тавсиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш.

Назорат қилишнинг асосий вазифаси талабаларнинг БКМ даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Бу ўқув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини аниқлаштиради ва ўқитувчининг ўқув метод ҳамда усулларини тўғри танлаганини назорат қиласди.

Назоратнинг тарбиявий вазифаси шундан иборатки, талабалар текширишга тайёр бўлиш учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақтдан унумли фойдавланишга ҳаракат қиласдилар, интизомга ўрганадилар.

Текшириш ва баҳолаш талабанинг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчиликларни кўра олишга ва уни тугатиш йўлларини излашга кўмаклашади. Лекин талабанинг билимини баҳолашда ўқитувчи ноҳақликка йўл қўйса, талаба билан ўқитувчи ўртасида зиддият келиб чиқади. Уй вазифаларининг эса ҳаддан зиёд кўп бўлиши ҳам талабаларнинг юзаки дарс тайёрлашига олиб келади.

Агар назорат ўқитиши ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантириш ҳамда ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади. Бу ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва ташхислаш тамойиллари. Педагогика талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш ва ташхислаш тамойиллари аниқланган. Улар: холислик (объективлик), тизимлилик ва ошкоралик.

Холислик (объективлик) ташхис тестлари (топшириқлари, саволлари), ташхис жараёни мазмунининг илмий асосланганлиги, педагогнинг барча

таълим олувчиларга дўстона муносабати ҳамда билим, кўникма, малакаларни баҳолашдан аниқ мақсаднинг кўзланганлиги каби талаблардан иборат.

Тизимлилик назорат таълим жараёнининг барча босқичларида – билимларнинг ўзлаштирилиши уларни бошланғич идрок этишдан то амалда қўллашгача бўлган даврлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлишини англатади.

Ошкоралик барча таълим олувчиларни айнан бир хил мезонлар бўйича очиқ синовдан ўтказишни англатади. Ташхис жараёнида белгиланадиган ҳар бир талабанинг рейтинги ошкора характер касб этади. Ошкоралик тамойили, шунингдек, баҳоларни эълон қилиш ва мотивациялашни талаб этади.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари, шакл ва методлари. Ҳар бир фан бўйича талабанинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш чорак ёки ярим йиллик давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуидаги назорат турлари орқали баҳоланади: 1) жорий назорат (ЖН); 2) оралиқ назорат (ОН); 3) яқуний назорат (ЯН).

Назоратнинг тури ўқув ишини ташкил этиш шаклига боғлиқ. Ўқитувчи мавзудан келиб чиқиб, назоратнинг қуидаги шаклларидан фойдаланади:

1) назоратнинг оммавий (фронтал) шаклига кўра ўқитувчи талабаларга материалнинг маълум бир ҳажми бўйича савол беради, талабалар унга қисқача жавоб қайтарадилар;

2) назоратнинг грухли шаклига кўра талабаларнинг маълум бир қисми назорат қилинади. Ўқитувчи томонидан талабалар грухига вазифа берилади ва уни грух муайян вақт оралиғида бажаради;

3) назоратнинг индивидуал шаклидан ҳар бир талабанинг билим, кўникма ва малакалари даражасини мукаммал ташхислаш учун фойдаланилади;

4) назоратнинг уйғунлаштирилган (комбинацияланган) шакли индивидуал назоратни оммавий ва грухли шакллар билан бирлаштиришни тақозо этади;

5) ўз-ўзини назорат қилиш таълим жараёнида ички қайтар алоқани юзага келтиришга хизмат қилади ва психолигик мезонларга асосланади. Унинг самарадорлиги ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади.

***Махсус фанларни ўқитиши  
жараёнида жорий, оралиқ  
ва якуний назоратларни  
ташкил этиши ва ўтказиш  
методикаси.***

Талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш методлари қуидагилар: оғзаки текшириш, ёзма текшириш, амалий топшириқларни бажаришга асосланган текшириш, уй

вазифаларини текшириш.

Оғзаки текшириш. Бу метод билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг анча кенг тарқалган анъанавий усулларидан биридир. Текшириш чоғида ўқитувчи талабаларга ўрганилган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, саволжавоб усули асосида амалга оширилади. Бу турдаги текшириш маълум камчиликларга ҳам эга: кўп меҳнат сарфланади; дарс мобайнида 3-4 нафар талабанигина билимини текшириш мумкин.

Ёзма текшириш. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб, уларнинг ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Унга кўра ўқитувчи алоҳида мавзу ёки ўқув дастурининг маълум бўлимини ўтиб бўлганидан сўнг талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этади. Ёзма текшириш назорат иши, иншо, баён, диктант ва бошқалар ёрдамида олиб борилади. Ушбу жараёнда ўқитувчининг бажарилган иш билан танишиб чиқиши, унинг сифатини текшириши учун кўп меҳнат ва вақт сарфланади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида бевосита алоқанинг йўқлиги сабабли унинг фикрлашини қузатиш имкони бўлмайди.

Амалий топшириқларни бажаришга асосланган текшириш. Амалий ҳаракатлар (спорт, меҳнат ҳаракатлари)нинг тўғрилигини кузатиш ёки олинган натижаларга таянишдан иборат бўлади.

Уй вазифаларини текшириш. Бу текшириш ўқитувчига талабаларнинг ўқув фаолиятига муносабатларини, материални қанчалик ўрганганликларини, уй вазифаларини бажаришдаги мустақилликларини аниқлашга имкон беради.

Шкалалаш. Аниқ жараёнларни рақамлар тизими асосида моделлаштириш. У сифат тавсифларни миқдор ўзгаришларга айлантиришга ёрдам беради.

Тест. Аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Тестнинг афзалликлари: 1) назорат учун вақтнинг кам сарфланиши; 2) назарий, амалий билим даражасини объектив аниқлаш имконининг мавжудлиги; 3) бир вақтда кўп сонли талабалар билан назоратни ташкил этиш мумкинлиги; 4) билим натижаларининг ўқитувчи томонидан қисқа муддатда текширилиши; 5) барча талабаларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, улар учун бир хил шароитнинг яратилиши.

Бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ёндашганда баҳо – ўқувчининг билим, кўникма ва малакалар ҳамда шахсий сифатларни эгаллаганлик даражасига ўқитувчи томонидан билдирилган муносабатдир.

Баҳонинг таълим тизимида ўқувчини ривожлантириш билан боғлиқ имкониятлари назарий жиҳатдан ҳанузгача очиб берилмаган. Педагогика ва психологияда баҳо тушунчасига нисбатан турлича илмий ёндашувлар мавжуд. Бир гурух олимлар уни ўқув жараёни натижасининг баҳоси сифатида ўрганганлар. Шу маънода олимлар таълим натижасининг сифати таълим жараёни олдига қўйган вазифаларга мос келиши зарурлигини таъкидлайдилар. Ўқувчиларнинг билиш имкониятлари жамият талабларини қондириш учун зарур бўлган билимларни эгаллашларига кўмаклашиши керак. Бу эса ўқув жараёнининг босқичлари, ўқувчилар томонидан эгалланган билимлар, кўникмалар ҳамда малакалар ва уларнинг маданиятлилик даражалари, маънавий камолотларини кўрсатувчи асосий дидактик восита сифатида намоён бўлиши лозим. Таълим соҳасидаги меъёрий хужжатларда кўрсатилганидек, баҳо, ўқувчилар эгаллаган билим,

кўникма, малакаларнинг даражаси ва сифатини ифодалайди. Аслида баҳо тушунчаси орқали таълим мақсади ва вазифаларига эришилган натижанинг даражаси англанади.

Мавжуд педагогик адабиётларда баҳонинг икки хил имконияти кўрсатилган. Булар: ташқи ва ички рефлексив имкониятлардир.

Баҳонинг ташқи имконияти ўқувчининг ўқитувчи ҳамда синфдошлари билан амалга оширадиган фаолияти натижасини ифодалашдан иборатдир.

Унинг ички ёки рефлексив имконияти эса, ўқувчининг ўзи-ўзини баҳолашида намоён бўлади. Ўқувчининг ўзини-ўзи баҳолаши ўқув-билув фаолияти ва унинг натижаларини ифодалашдан иборатдир.

Баҳолаш ўқув жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Унинг ёрдамида таълим жараёнида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, унинг натижаларини яхшилаш ҳамда ўқувчини ривожлантириш имконияти вужудга келади.

Олий таълим муассасалари талabalарининг ўзлаштириш кўрсаткичлари жорий, оралиқ ва якуний назоратлар орқали аниқланади. Жорий баҳолаш махсус фанларнинг амалий машғулот, семинар ва лаборатория ишлари жараёнида семестр давомида гурух журналига қайд этиб борилади ва йиғиндиси чиқарилиб, ўртacha баҳоси чиқарилади. Оралиқ баҳолаш маъруза дарслари натижасида қўйилади. Якуний назорат семестр якунлангач ўтказилади ва барча фанлар бўйича талabalар билими баҳоланади.

Сўнгги вақтларда талabalар билимини баҳолашнинг инновацион шакллари жорий қилинмоқда. Шундай баҳолаш турларидан бири ассесмент деб аталади.

“Ассесмент” технологияси (ингл. “assessment” – “баҳо”, “баҳолаш”) – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами.

Кўп ҳолатларда бу технология биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью,

ижодий иш, тест, индивидул кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилиармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, куйидаги мақсадга хизмат қиласы:

- 1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама холис баҳолаш;
- 2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- 3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиласидаги истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастрлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали тадбиқ этилди.

Технология биринчи марта 1954-йилда “AT&T” компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган Малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида, тадбиркорлар психологлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат қўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – “Ассесмент-марказ” (“The Assessment Centre”)ни йўлга қўйишишган. 1960 йилда “IBM”, “Standart oil of Ohio”, “Сирс Робакс” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали тадбиқ этдилар.

Агарда 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъқул кўрган бўлса, айни вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо

компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологияндан муваффақиятли фойдаланмоқда. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимиға ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

Ассесмент методи бу талабанинг тўрт даражадаги имкониятини баҳолашга қаратилган. Бу турли идроқ, қобилият даражалари ёки амалий кўникмаларга эга бўлган талабаларга кенг имкониятлар яратади ва яхши ўқишга, фаол бўлишга мотивацияни пайдо қиласи.

Ассесментда талабага тўрт хил даражадаги топшириқ берилади. Унинг таркибида тест, муаммоли вазият, тушунча таҳлили ва амалий кўникма шаклидаги топшириклар орқали талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари баҳоланади.

Ассесмент (баҳолаш) методи - мустаҳкамлаш, баҳолаш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга, ўз-ўзини баҳолашга йўналтирилган.

Ассесмент (баҳолаш) методидан:

- маъруза машғулотларида талабаларнинг мавзу юзасидан дастлабки билим даражасини ташҳис қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларда – билимларни мустаҳкамлаш, баҳолаш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, замонавий таълимда инновация, янада аниқроғи, педагогик ҳамда таълим инновацияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, глобаллашув ҳамда жамиятнинг ахборотлашуви таълим жараёнини ноанъанавий шаклларда самарали метод ва воситаларни қўллашни тақозо этиш билан бирга, ўқув материалларини шакллантириш ва улардан амалда фойдаланишга нисбатан ҳам инновацион ёндашишни тақозо этмоқда. Педагогик инновациялар педагогик тизимнинг ички тузилишини ўзгартиради. Олий таълим муассасалари педагогларининг педагогик ёки таълим инновацияларидан самарали, фаол фойдалана олишлари муайян

жараёнда кечади. Педагогларнинг касбий фаолиятга инновацион ёндаша олишлари кўзланган мақсадга эришишни кафолатлаш билан бирга таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, талабаларда билиш фаоллигини кучайтиришга ёрдам беради.

Куйида ассесмент методи асосида баҳолаш шаклидан намуна келтирамиз:

Баҳолаш: ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балл	
<p><b>ТЕСТ</b> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида билим олиш ҳуқуки хусусида сўз юритилади?</p> <p><b>A. 41 модда</b> <b>B. 40 модда</b> <b>C. 42 модда</b></p>	<p><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ:</b> Акбар магазиндан сут маҳсулотини сотиб олди. Уйг келиб очиб кўрса, маҳсулот сифати бузилган. У қайтиб бориб сотувчидан пулини қайтаришини талаб қилди. Сотувчи уни танимаслигини айтиб, парво қилмади. <b>Бу вазиятда Сизнинг харакатингиз...</b> <b>Акбарнинг ҳатти-харакатидаги хатолик нимада...</b></p>
<p><b>СИМПТОМ</b> Конституция бу...</p>	<p><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b> Шахсий ҳуқуқлардан 5 та мисол келтиринг...</p>

### Педагогик квалиметрия

“Квалиметрия” сўзи лотинча “quality” – сифат, юононча “metro” - ўлчов сўzlари бирикмасидан ташкил топган бўлиб, муайян соҳада сифатга эришилганликнинг ўлчови, даражаси деган маънони англатади. “Квалиметрия” тушунчаси фанга 1968 йилда Г.Г.Азгальдов бошчилигидаги бир гурӯҳ рус олимлари томонидан киритилган. Педагогикада ушбу термин кейинги пайтларда жуда кенг қўлланилмоқда. Яъни ушбу тушунча таълим сифатини кўрсатиб берадиган тушунча ҳисобланади. Таълим сифатини нима таъминлади? Таълим сифати – бу таълим натижаларининг шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларига

мутаносибилиги, яъни қачонки таълим натижаси шахснинг эҳтиёжларини қондирадиган даражага эришса, давлат ва жамият талабларига мувофиқ келса, таълим сифати таъминланди деб ҳисоблаш мумкин. Таълим сифатини таъминловчи омиллардан бири таълим берувчи шахс, яъни ўқитувчининг сифатли ва серунум педагогик фаолияти ҳамда унинг касбий компетентлик даражаси ва педагогик маҳоратидир.

Педагогик квалиметрия сўнгги пайтларда педагогнинг ўкув йили давомида, умуман олганда педагогик фаолиятида қўлга киритган ютуқлари ва таълим сифатини таъминлашда эришган натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш методига айланиб бормоқда. Зеро, бугунги кун педагогининг билими, маҳорати, креативлик қобилияти ва касбий компетентлиги миллат тақдирини ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Глобаллашув шароитида ёшларни илм-фанга, билим олиш фаолиятига жалб қилиш, уларда мотивацияни пайдо қилиш мушкул вазифа бўлиб бормоқда. Шундай экан, бугунги кун ўқитувчиси доимий тарзда ўз устида ишлиши, билимларини бойитиб бориши, уларни амалиётда бемалол қўллай олиши, бир қолипда, бир маромда фикрлаш ва фаолият олиб боришдан воз кечиши ва таълим-тарбия жараёнига инновацияларни жорий қила олиши талаб этилади.

Хозирги кунда олий таълим тизими педагоглари ҳар ўкув йилининг якунида олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари, хорижий тил, информатика ва ахборот технологиялари, педагогик технологиялар бўйича билим, кўникма ва малакалари тест асосида аниқланади ва баҳоланади, шунингдек, ОТМда бир ўкув йили давомида олиб борган педагогик фаолияти 110 баллик тизим асосида баҳоланади, бу ҳам педагогик квалиметрия элементлари ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон фармонига биноан олий таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими янада такомиллаштирилди, ҳар уч йилда ОТМлар раҳбар ва педагог ходимлари 288

соат ҳажмида малака оширадилар, малака ошириш жараёнида ҳам педагогик квалиметрия асосида ўз фаолиятлари учун баҳоланадилар.

Демак, кун сайин педагогик квалиметрия асосида педагогнинг меҳнат фаолиятини сарҳисоб қилиб бориш ундаги масъулият ҳиссини янада кучайтиради, билимларни бойитиб боришга ундаиди, таълим сифатини оширишга қаратилган илғор технологияларни қўллашга ундаиди.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Рейтинг деганда нимани тушунасиз?
2. ОТМда талабалар билими қандай тартибда баҳоланади?
3. Талабаларнинг фанлар бўйича олган билимлари қандай азорат терлари орқали баҳоланади?
4. Ассесмент нима?
5. Педагогик квалиметрия деганда нимани тушунасиз?
6. Ҳозирда яна жорий қилинган беш баллик баҳолаш тизими билан 100 баллик рейтинг тизимини ўзаро қиёсланг ва таҳлил қилинг.
7. Ўқитувчининг фаолиятини баҳолашга бугунги кунда қай даражада эътибор қаратилмоқда?

!

### МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Омонов Х.Т., Мадиярова С.А. ва бошқ. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Магистратура учун дарслик. – Т.: Иктисад-Молия, 2009.
2. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. -Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 193 б.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. -Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

4. Скакун В.А. Основы педагогического мастерства. Учеб. пособие. -М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2010.
5. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

## **8-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

### **Режа:**

1. Таълимда аҳборот-коммуникация технологиялари. Махсус фанларини ўқитишида аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси.
2. Тақдимот, электрон дарслик яратиш технологияси.
3. Масофадан ўқитишин ташкил этиш методикаси.
4. On-Line маъruzalар ва of-line маслаҳатларни ташкиллаштириш.

#### **Таянч тушунчалар:**

аҳборот технологиялари,  
коммуникация, тақдимот, электрон  
дарслик, масофадан ўқитиши, On-Line маъruzalар, of-line маслаҳатлар,  
методика, вебинар.

**Таълимда аҳборот-  
коммуникация технологиялари.  
Махсус фанларини ўқитишида  
аҳборот-коммуникация  
технологияларидан  
фойдаланиш методикаси.**

Замонавий шароитда ҳар бир шахс фаолиятини компьютер техникасисиз тасаввур қилиш қилиш. Зеро, компьютер глобал аҳборотлашув даврининг муҳим воситаси сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Компьютер технологиясининг мавжуд ташкилий-техник, функционал ва дастурий имкониятлари ундан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг ва фаол фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Замонавий телекоммуникация воситалари ва электрон нашрлар анъанавий ўқитиши шаклларининг камчиликларини бартараф этишга имкон

беради ва бунда уларнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади. Бу турдаги таълим ўқув ахборотлари алмашувини таъминловчи воситалар (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер, почта алоқаси ва б.)га таянган ҳолда ихтисослаштирилган ахборот мухитида масофадан туриб, таълим олувчиларнинг кенг қатлами ҳамда хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизмати мажмуи саналади. Масофадан ўқитишнинг ахборот-таълим мухити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро мулоқот баёнлари, фойдаланувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган аппарат-дастурӣ, ташкилий-услубий таъминот ва бошқаларнинг тизимий-ташкилий мажмуидан иборат.

*Ахборот-коммуникация технологиялари* – таълим олувчиларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи.

*Компьютер таълими* – таълим олувчиларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим.

Компьютер таълимининг таркибий элементлари қўйидагилар саналади:

#### *Таркибий элементлар*

*Компьютер таълими технологиялари* – таълим олувчиларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси,

телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи.

*Моддий-техник таъминот* (компьютер техникаси, ахборот-коммуникацион воситалар, компьютер алоқасини ташкил этувчи воситалар)

*Дастурий-методик таъминот* (электрон ўқув-таълим ресурслари, компьютер техникасига асосланган тест назорати)

*Ташкилий-методик таъминот* (моделлар, методикалар, АКТни қўллашга доир методик кўрсатмалар)

*Компьютер таълими* субъектлар (педагоглар, техник ходимлар, таълим олувчилар)

Компьютер таълимини ташкил этувчи педагогларни тайёрлаш тизими

Компьютер техникаси ёрдамида ташкил этиладиган таълим жараёнида таълим олувчиларга ўз билимларини мустақил баҳолаш имконияти яратилади. Баҳолаш жараёнида фақатгина тест ва синов назорати топшириқларидан фойдаланилмай, шу билан бирга ўқитувчининг бевосита иштирокига ҳам мурожаат қилиш имконияти мавжуд. Ўқитувчиларга мурожаат одатда электрон почта орқали мулоқот қилиш асосида йўлга қўйилади. Замонавий шароитда компьютер таълимини ташкил этишда ахборот воситалари сифатида қўлланиладиган коммуникацион технологияларнинг улкан мажмуидан фойдаланилмоқда. Улар: компьютер, сканер, телефон, факс модем, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, видеокўз, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интернет тармоқлари, шунингдек, мобил алоқа, маълумотлар омборини бошқариш ҳамда сунъий интеллект тизимлари.

Компьютер техникаси ахборот технологиялари воситаларининг энг оммалашган тури хисобланади. Айни вақтда *компьютер техникаси* таълим тизимида:

- ўрганиш обьекти;
- ўқитишнинг техник воситаси;

- таълимни бошқариш технологияси;
- илмий-педагогик тадқиқотларни ташкил этиш воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Ўқитиши жараёнида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг компьютер техникаси хизматидан фойдаланиш борасидаги амалий харакатлари (мулоқоти) қуидаги хусусиятларга эга:

- компьютер оддий ҳисоблагич (суст мулоқот);
- компьютер билимлар назорати ташкил этувчи интеллект (тезкор мулоқот);
- компьютер таълим олувчига йўл-йўриқ кўрсатувчи ва билимлар назоратини ташкил этувчи интеллект (фаол мулоқат)
- компьютер техникаси ва таълим олувчилар ўртасида ўзаро қайтар алоқани ўрнатувчи сунъий интеллект (интерфаол мулоқот)

Компьютер таълими жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик муайян турларда ташкил этилади. Улар:

- Интернет мулоқот;
- электрон почта воситасидаги мулоқот;
- электрон конференция;
- видеоконференция;
- телеконференция ва видео телефон;
- Интернет намойиши;
- мультимедиа;
- Чат мулоқот тизими;
- Веб форум тизими;
- Электрон семинар;
- Таълим порталы;
- Веб сайт;
- Скайп тизими

Шундай қилиб, замонавий шароитда масофавий таълимни ташкил этиш тизими ҳамда бу борада кучли рақобатга асосланган таълим хизматларини

кўрсатиш бозори шакллантирилди. Масофавий таълимни ташкил этиш заруриятининг юзага келиши жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий буюртмалари билан белгиланади. Бу турдаги таълимнинг ривожланиши, техникавий тараққиёт билан узвий боғлиқ. Зеро, масофавий таълим истиқболини таълим соҳасида инновацион технология ва воситаларни самарали қўлланилиши белгилаб беради.

Махсус фанларни ўқитиша ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёс даражада долзарб аҳамият касб этмоқда. Маълумки, ҳар бир соҳа бўйича етакчи мутахассислар, олимлар томонидан очик ёки ёпиқ турдаги on-line курслар ташкил этилмоқда.

Талабаларни ушбу курслардан фойдаланиш маданиятини, уларда тақдим этилаётган маъruzаларга нисбатан рационал ёндашув кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Махсус фанларни ўқитиша юқорида келтириб ўтилган ахборот-коммуникация технологияларидан, масофадан ўқитиш имкониятларидан фойдаланиша қуидаги тамойилларга риоя этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

*1. Интерфаоллик тамойили* (у талаба ва ўқитувчи ўртасидаги алоқани таъминлаб қолмай, балки талабалар ўртасида ўзаро алоқани юзага келтиради).

*2. Бошлангич билимларга эгалик тамойили* (масофавий ўқитиш тизимида талабаларнинг олдиндан тайёргарлик кўришлари, техник воситалари – компьютер, модел, электрон доска ва б. билан таъминланиши, Интернет алоқа тизимига уланиши ҳамда бу тизимда самарали ишлай олиш малакаларига эга бўлишлар муҳим аҳамиятга эга).

*3. Индивидуаллик тамойили* (бу тамойил реал ўкув жараёнида кириш ва оралиқ назоратлари ўтказилишини, уларнинг натижаларини таҳлили асосида индивидуал ўкув режалари тузилишини ифодалайди).

*4. Идентификациялаш тамойил* (у масофавий ўқитиш тизимида мустақил таълим натижаларини назорат қилиш шакли бўлиб, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ўрганишда

бевосита мулоқот видеоконференцияларидан фойдаланиш, шу мақсадда самарали техник воситаларни қўллашни назарда тутади).

5. *Таълимнинг аниқ вақтга асосланиши тамойтили* (унга кўра ўқув жадвали қатъий режалаштирилади ва режалаштирилган жадвалга қатъий риоя қилиниши назоратга олинади).

6. *Таълимнинг ошкоралиги ва ўзгарувчанлигини таъминлаш тамойтили* (тамойтил масофавий таълимнинг ёш ҳамда маълумоти жиҳатидан турлича бўлган таълим олувчилар учун қулайлигини, ўқитишнинг очик режалаштирилишини; таълим вақти, суръати ва жойини эркин танлаш имконияти мавжудлигини; ўқув машғулотларида ихтиёрий қатнаша олишини, изчиллик, тизимлилик ва узвийлик нуқтаи назаридан ўқув материалларининг мунтазам ўзгариб боришини таъминлаш имкониятига эгалиги тавсифлайди).

7. *Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг педагогик мақсадга эгалиги тамойтили* (унга кўра масофавий таълим тизимини лойиҳалаштириш, яратиш ва ташкил этишда мавжуд техник воситаларини мақсадга мувофиқ қўлланилиши таҳлил қилиб борилиши ҳамда уларни қўллашда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларнинг олди олиниши лозим).

***Махсус фанларини  
ўқитишида ахборот-  
коммуникация  
технологияларидан  
фойдаланиши методикаси.***

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г. Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиши анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига рухсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият

күрсатмоқда. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Англияда 40 га яқин анна шундай турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатган бўлиб, уларга ҳар йили 65 минг киши ўқиш учун ариза беришган. Янги педагогик технология таълим олувчиларга қулай вақтда ўқишилари учун катта имкониятлар яратиб берди.

Очиқ университетлардаги ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишига қараганда 8-10 марта арzon. Масалан, Англияда турғун ўқишига 3000, масофавий ўқитиши орқали билим олишга эса атига 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради.

Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади. Англияда ўқувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланиш хусусиятига эга.

АҚШда шунга ўхшаш ўқитиши тизими ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталарида қўлланила бошлаган. Ўша пайтларда *масофавий таълим* – муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдан анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим яқин жойлашган корпорация ишчилари учун ўқув курсларини баъзи муҳандислик коллежлари телевидение орқали тақдим этган. 1948 йилдан бошлаб, масофавий таълим дастурлари Миллий технологик университет таълимига мослаштирилган. Кўп йиллар давомида “Эдент” таълим тармоғидан фойдаланиб келинган. Индивидуал компьютерлар орқали барча даражадаги таълим муассасалари тармоғига уланиш имконияти мавжуд. Бугунги кунда АҚШда масофадан ўқитиши дастури бўйича бир миллиондан ортиқ талаба таълим олади. Улар ўқув курсларини Оммавий телеэшиттириш тизими

орқали қабул қиласидилар. Ўқиши дастурлари фан, бизнес ва бошқаришнинг турли соҳалари бўйича курсларни тақдим этади. Бунда ўқув курслари Ернинг сунъий йўлдоши орқали бутун мамлакат бўйлаб ва бошқа давлатларга ҳам тўртта ўқув тармоғи (канали) орқали узатилади.

Европада масофадан ўқитиш XX асрнинг 70-йиллар бошларида жадал ривожлана бошланди. Бу жараён бир қатор очик университетларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Бугунги кунда Европанинг ҳар бир мамлакатида масофадан ўқитишни жорий этган таълим муассасаларининг сони тобора ортиб бормоқда.

АҚШ, Канада, Англия, Германия ва Франция мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртлари ўзларининг телекоммуникация тизими ёки компьютер тармоғига эга. Янги ахборот технологиялари минтақавий уюшмаларда кўпроқ қўлланилади: очик университетларнинг Осиё уюшмаси, масофадан ўқитишни ривожлантириш бўйича Лотин Америка ҳамкорлик тармоғи, Очик университетларнинг Европа уюшмаси ва бишқалар.

1990 йилнинг март ойида Европа комиссияси томонидан “Масофавий ўқитиш ва касбий тайёрлаш” номли ишчи ҳужжати қабул қилинди. 1994 йилда эса Европа комиссияси масофавий таълимнинг кенг кўламда ташкил этилиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида “Леонардо да Винчи” ва “Сукрот” дастурларини амалиётга тадбиқ этди. Агарда “Леонардо да Винчи” дастури шахснинг “бутун хаёти давомида узлуксиз таълим олишини ва касбий жиҳатдан ривожлантириш”нинг янги шаклларини амалиётга тадбиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни назарда тутган бўлса, “Сукрот” дастури “уйда таълим олишини Европа масштабига олиб чиқиши” мақсадини илгари сурди.

Соҳани ривожлантириш йўлида масофавий таълимни ташкил этиш борасидаги амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Бутун жаҳон масофавий таълим ассоциацияси ташкил этилди. Айни вақта ассоциация масофавий таълим борасидаги минтақавий тизимларни ўзаро мувофиқлаштиради. Таълим олувчилар анъанавий технологияларга нисбатан

ахборот ва коммуникацион технологиялар (АКТ) ёрдамида билимларни 40-60 фоизгача тез ва қисқа муддатда ўзлаштиради. Шу боис замонавий шароитда масофадан ўқитиш бутун дунё миқёсида жадал ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда Россияда масофадан ўқитиш бўйича 200 минг нафар талаба билим олмоқда.

Яқин вақтлар ичida уларнинг сони 500-600 минга етади. В.Куфельдинг фикрича, “билимларни ўргатиш усуллари билим инқилобидан” орқада қолиб кетиши мумкин эмас. Масофавий таълим тизими ривожланишининг учинчи босқичи 80- йилларнинг ўрталарида Интернетнинг пайдо бўлиши ва оммавийлашиши билан боғлиқ. Унинг таъсири жуда катта бўлгани боис, “кўплар кўпчилик билан” алоқаси ва ахборот алмашиниш тизими умумниги айланди. Вақт ва географик чекланишларга қарамасдан масофавий таълим соҳасида хизмат кўрсатувчилар сони анча ортди. Замонавий коммуникация тизимининг ривожланиши туфайли ахборотни етказиш усуллари радио интеграцияси, ахборотни Ер шарининг истаган нуқтасига жуда тез узатишга имкон берувчи телефон, телеграф, алоқанинг йўлдош ва кабель тизими орқали ахборотларни етказиб бериш. Бугунги кунда масофавий таълим тизимининг тўртинчи босқичи ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бу масофавий таълим тизими соҳасида янги рақамли ахборот узатиш технологиясининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Улар ўз ичига гипермедиа дастурларини қамраб олади. Бу таълим олувчига ахборотларни ўзлаштириш тартибларини, шунингдек, Интернет ва бошқа тармоқлар орқали олинадиган маълумотлар базасини, маълумотларнинг интеграллашган мажмuinи назорат қилиш имконини туғдиради. Бу эса таълим олувчиларга видеокурслар, аудиоматериаллар, маълумотлар базаси ва бошқа дастурий таъминотлардан фойдаланиш имконини беради.

Таълимнинг масофадан ўқитиш турига ўтишнинг тенденцияси ана шу технология бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари (марказлари) сонининг ортиши билан кечмоқда.

В.Н.Фокина Очиқ таълим халқаро академияси аъзоларининг кенгашида Россияда очиқ таълимни яратиш ва ривожлантириш муаммолари мухокамаси якунида мамлакатда масофавий таълим технологияларининг жадал ривожланаётгани таъкидлаб ўтди.

Ушбу технологияларнинг истиқболи шундаки, уларнинг фаоллиги бир оз секинланса-да, бироқ, ҳамиша қўлланилаверади. Бундай ҳол Ўзбекистон Республикасида барча фанлар, соҳа йўналишларида содир бўлмокда. Масофавий таълим таълим олувчи ва таълим хизматларини ташкил этувчи субъектлар ўртасида қайтар алоқани юзага келтиради. Яъни, таълим олувчилар ўзлари учун қулай шароит, вактда факс, почта ёки компьютер (электрон почта) ёрдамида ўқитувчиларга назорат-синов ишларининг ишланмалари, лойиҳаларни юборади. Текширилган назорат ишлари “қайтар алоқа” тамойилига мувофиқ таълим олувчиларга қайтарилади. Бунинг натижасида шахслараро муносабат – “субъект-субъект” алоқаси ўрнатилади.

Масофадан ўқитиши таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиши воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яъни ўқитиши мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўкув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-хуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.

Замонавий телекоммуникация воситалари ва электрон нашрлар анъанавий ўқитиши шаклларининг камчиликларини бартараф этишга имкон беради ва бунда уларнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади. Бу турдаги таълим ўкув ахборотлари алмашувини таъминловчи воситалар (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер, почта алоқаси ва б.)га таянган ҳолда ихтисослаштирилган ахборот мухитида масофадан туриб, таълим олувчиларнинг кенг қатлами ҳамда хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизмати мажмуи саналади. Масофадан ўқитишининг

ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро мулоқот баёнлари, фойдаланувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган аппарат-дастурий, ташкилий-услубий таъминот ва бошқаларнинг тизимиш-ташкилий мажмуидан иборат.

Мазкур таълим мустақил билим олиш тамойилига таянадиган таълим жараёнининг янги тузилмаси ҳисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланадики, таълим олувчилар, асосан ёки бутунлай фазо (ёки) вақт жиҳатдан ўқитувчидан узоқда, айни вақтда улар истаган пайтларида телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўлади.

Масофавий таълим ўқитишининг анъанавий усулларидан фойдаланиш, турғун шароитда ўқиш имкониятига эга бўлмаган, имкониятлари тиббий шарт-шароитлар туфайли чегараланган шахслар, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиши истагида бўлганабитуриентлар, иккинчи мутахассисликни эгаллашни хоҳловчи мутахассисларга жуда қулай шароитни яратиб беради.

Етакчи мамлакатларда ўқитиши тобора масофавий таълим тизимиға ўтказилмоқда. Масалан, айни вақтда АҚШда телевидение имкониятларига таянган ҳолда 1 млн.га яқин шахс масофавий таълим тизимиға кўра таҳсил олмоқда. Бу тизимда кенг фойдаланилмоқда. МХД давлатларида эса айни вақтда фақат 1 млн.га яқин шахсгина масофавий таълим тизимида таҳсил олмоқда. Демак, бу ҳолат соҳани тараққий эттиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этади.

Масофавий таълимни ташкил этиша ўқитувчиларнинг фаолияти фақатгина ўқув ахборотларини узатиш билан чекланмайди. Шу сабабли бу турдаги таълимни ташкил этишга бир неча мутахассис жалб қилинаи. Улар ўз вазифаларига кўра турлича номланади.

Хусусан:

1. *Ўқитувчи* – масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган ўқув-методик қўлланмаларнинг муаллифи.

2. *Модератор* – масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сұхбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог (у мuloқot жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, билдирилаётган фикрларни умумлаштиради, зарур бўлганда уларни тўғрилайди, таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилияtlарини ривожлантиради, билиш фаолиятларини фаоллаштиради).

3. *Тьютор* (лот. “tutorem”) – ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий.

4. *Эдвайзер* (фр. “avisen” – “ўйламоқ”, “advisor” – “ўйловчи”) битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим оловчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи.

5. *Фасилитатор* (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” – енгил, қулай) – масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мuloқotни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог.

6. *Инвигилатор* – масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиши натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог.

### **Тақдимот, электрон дарслик яратиши технологияси.**

Махсус фанларни ўқитишида тақдимот-слайдлардан фойдаланиш талабалар учун қулай муҳитни юзага келтиради. Ҳар бир педагог ҳозир техника тарақкий этган даврда ўзининг

ҳар бир маъruzасини кўргазмалилик тамойили асосида ташкил қилиши талаб этилади. Тақдимот материаллари қандай яратилади. Тақдимот махсус *Power*

*Point* дастурида яратилади. Тақдимот материаллари слайдлардан иборат бўлади. Унинг таркибида матн, чизма, жадвал, диаграмма, расм бўлиши мумкин. Магистрантларни бўлажак педагоглик фаолиятига тайёрлашда тақдимот тузиш малакаларига ўргатиш муҳим саналади.

*Слайдларни тайёрлашда қўйидагиларга эътибор берииш лозим:*

- Слайддаги ахборотни бир гапгача қисқартиринг;
- Слайдда тақдим этилаётган матн қисқа ва аник бўлиши керак. Битта слайдда 35 дан ортиқ сўз ишлатилмаслиги керак;
- Слайддаги маълумот ва гаплар ўқилиши учун жуда осон ёзилган бўлиши керак;
- Слайдларни тартиб рақамини қўйиб белгиланг;
- Слайдларни проектор ёки намойиш этиш учун тайёрлаш жараёнида уларни тартиб рақами билан белгиланг;
- Слайдни пастки томонидан чироқ тушириладиган жиҳоз устига тўғри ўрнатинг;
- Слайдни "оёғини осмондан қилиб" айлантиринг, айлантирилган слайдда унинг сонини қўйинг ёки юқори қисмида белгилаб қўйинг;
- Слайдни проекторга жойлаштираётганингизда ушбу белги слайд ўнг томонининг юқори қисмида жойлашган бўлсин.

*Слайдлар учун проектордан фойдаланиши бўйича тавсиялар:*

- Хонадаги жиҳозларни ҳамма тингловчиларга экран кўринишини хисобга олиб қўйинг. Экран билан проектор ўртасида ҳеч нарса йўқлигини текширинг;
- Тингловчилар келишидан олдин слайдлар учун проекторни текширинг;
- Қўшимча чироқ борлигини текширинг. Уни алмаштиришни машқ қилинг;
- Фокусни текширинг, экрандаги тасвирнинг жойлашишини текширинг;
- Ҳамма слайдларнинг тўғри жойлашганлигини олдиндан яна бир бор кўздан кечиринг;
- Тақдимот вақтида хонадаги барча чироқларни ёқилган ҳолатда

қолдириш мумкинлигини текширинг;

- Тақдимот вақтида слайдларни намойиш этганда шошилманг, бу тингловчиларда ёмон таассуротни қолдириши мумкин. Ҳар бир слайдни кўриб, муҳокама қилиш учун вақт ажратинг. Слайдда кўрсатилганлар юзасидан тингловчиларга савол беринг.

#### *Слайдлардан фойдаланишининг афзаликлари*

- Унча қиммат эмас ва осон тайёрланади. Тренер томонидан жойида хам тайерланиши мумкин;
- Катта пландаги тасвирни яратиши мумкин;
- Хонанинг коронғу бўлишини талаб этмайди. Бу эса тингловчиларга ёзишни давом эттириши учун қулай;
- Аудиоёзув билан бирга фойдаланиш мумкин.

#### *Слайдлардан фойдаланишининг камчиликлари*

- Слайдлар учун мўлжалланган проекторлар нархи, транспаранциялар учун мўлжалланган проекторлар нархига нисбатан қиммат туради;
- Слайдлар учун проекторлардан фойдаланишда катта эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки улар электр кучининг ўзгаришини кўтартмайди;
- Слайдлардаги ахборотни тез янгилаш ва зудлик билан янгисини тайёрлаш мумкин эмас.

Махсус фанлардан электрон дарсликлар яратиш олий таълим муассасалари педагогларининг олдига қўйилган асосий талаблардан биридир.


Электрон дарслик – фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

- мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон дарслик қандай яратилади?

Куйидаги схемада электрон дарсликнинг намунавий тузилмаси келтирилган.



*Асосий саҳифада* алоҳида боб бўйича вербал матн ва график шаклда (овозли ва овозсиз) берилади. Матнлар икки кўринишда крилл ва лотин графикасида тақдим этилади. Матн таркибидаги расмлар, схемалар ва графикларга турли ранглар билан ишлов берилган бўлиб, талаба машина ёки ускуна қисмларини ёки технологик жараёнларнинг бажарилиш кетма-кетлигини қийналмасдан ажратса олиши мумкин.

*Фанни ўқитиши технологияси.* Ўқитувчи учун фанни электрон дарслик воситасида ўқитишида керакли шарт-шароитларни ташкил этиш, ўқув мақсадларини белгилаш, ўқитиши тамойиллари, ҳар бир бўлимни ўқитиши вақти, керакли компьютер воситаларини таъминлаш ва ўқув жараёнидаги ўқитувчининг иштироки, талабаларнинг фанни ўзлаштиришларини доимий таҳлил қилиб бориш, талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар берилади.

*Назорат саволлари ва тестлар.* Ҳар бир боб бўйича тузилган назорат саволларига ва ёзма топшириқларга талаба мустақил равишда жавоб ёзиб уни қоғозга принтердан чиқарилган кўринишда ўқитувчига тақдим қилиши мумкин. Тест саволларига жавоб бериб талаба ҳар бир бўлим бўйича ўзининг билимини текшириб кўриши мумкин.

*Амалий машғулотлар.* Ҳар бир учун алоҳида топшириқлар, амалий машғулотлар ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар берилади .

*Виртуал стендлар ва видео лавҳалар.* Лаборатория қурилмалари ва ускуналарининг кўринишлари, уларнинг харакатлари, технологик жараёнларнинг бажарилиш анимациялари ва видеоловҳалари тақдим этилади.

*Изоҳли луғат.* Техник терминлар, атамалар, номланишлар ва соҳа стандартлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар ва тушунчалар берилади.

*Маълумотнома.* Ушбу электрон дарсликдан фойдаланувчи учун кўрсатмалар, фойдали дастурлар ва маълумотлар берилади.

*Фан дастури.* Давлат таълим стандарти асосида тузилган, ушбу фаннинг таркиби ва мазмунини тўлиқ қамраб олган ўқув дастури берилади.

Дастурда фанни ўрганиш мақсади, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, таркиби ва ҳажми (ўқувчининг фанни ўзлаштириш вақтининг давомийлиги, бўлимлар ва мавзулар номи) фанни ўзлаштиргандан ҳосил қилинадиган билим, малака ва кўникмалари, ҳамда адабиётлар рўйхати берилади .

*Соҳа бўйича фан, техника ва технологиянинг сўнгги ютуқлари.* Жаҳон миқёсида илмий ишлар, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари тўғрисида интернет тармоғидан олинган маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар янгиликлар билан доимий равишда тўлдирилиб борилади.

Электрон дарслик яратилгандан сўнг, унинг муаллифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигига мурожаат қилиб, электрон дарслик учун муаллифлик гувоҳномасини олиши мумкин. Муаллифлик гувоҳномаси 50 йил муддатга ёки умрбод муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш учун берилади.

Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бир шароитда, айниқса, маҳсус фанлардан электрон дарсликларнинг яратилиши ва ОТМнинг ахборот ресурс маркази фондида сақланиши талабалар учун кўп қулийликларни яратади ҳамда мутахассис кадрларни тайёрлашнинг энг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Агар талаба ўзи ўқийдиган маҳсус фанлар бўйича ўқув адабиётидан фойдаланишга имконияти бўлса, у ўзининг ихтисослиги юзасидан билим, қўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни самарали кечади.

### **Масофадан ўқитишни ташкил этиши методикаси.**

Ўқув юртларида масофавий таълимнинг ташкил этилиши муайян жараён сифатида кечади. Табиийки, ҳар бир жараён маълум босқичларда амалга оширилади. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлар қуиагилардир: Ўқув муассасасларида масофавий таълимни амалга ошириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

Айни ўринда масофавий таълимни амалга ошириш босқичларининг моҳияти хусусида сўз юритилади.

*1. Таҳлил босқичи* (унда ўқув муассасининг масофавий таълимни ташкил этишга бўлган эҳтиёжи, таълим олувчиларнинг сони, таълим шакли, метод ва воситалари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади).

*2. Лойиҳалаштириш босқичи* (унда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқлар лойиҳалаштирилади).

*3. Жорий қилиши босқичи* (ушбу босқичда масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга мувофиқ домен танланади; масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуудан фойдаланиш ва унга техник хизмат қўрсатишни таъминловчи ходимларга иш ўргатиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилади).

*4. Ўқув контентларини яратиш босқичи* (унда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлган ўқув контентлари яратилади; яратилган ўқув контентлари эксперталар томонидан экспертизадан ўтказилади).

*5. Ишга тушириши босқичи* (бу босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади; ўқув жараёни доимий назоратга олинади; тизим хавфсизлиги мониторинг қилиб борилади).

*6. Ривожлантириш босқичи* (унда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади).

Масофавий таълим тизимиға кўра машғулотлар маъруза, семинар, лаборатория машғулоти, курс иши, синов, имтиҳон, маслаҳат, мустақил иш каби шаклларда йўлга қўйилади.

Моҳиятига кўра масофавий таълимнинг ташкил этилиши бир қатор иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига боғлик. Зоро, ушбу таълимни ташкил этиш учун ахборот-коммуникацион воситалар, маҳсус жиҳозланган аудиториялар, ахборот тизимлари хизматидан фойдаланиш

учун талаб этиладиган молиявий маблағнинг мавжудлигини тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир педагог тизимдаги бу масаланинг моҳиятидан хабардор бўлиши зарур. Қолаверса, республика миқёсида масофавий таълимнинг самарали йўлга қўйилиши учун соҳа маркетингини (талаб ва таклифларни ўрганиш, таълим хизматларини йўлга қўйиш (ўқув режалар, ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к.), таълимий характердаги маҳсулотларни сотиш, истеъмол бозорини юзага келтириш асосида) ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Аввалдан ёзиб олинган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш учун шароит яратса, максимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

***On-Line маърузалар ва  
of-line маслаҳатларни  
ташиклиштириши.***

On-line маъруза ёрдамида шахсга йуналтирилган таълимни амалга ошириш жараёни замонавий, кўптармоқли, предметга йўналтирилган мультимидали ўқув воситаларини ишлаб чиқишини ва фойдаланиши талаб этади. Улар таркибига кенг маълумотлар базаси, таълим йўналиши бўйича билимлар базаси, сунъий интеллект тизимлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг математик моделини яратиш имконияти бўлган лаборатория амалиётлари киради. Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг манфаатдорлигини (мотивациясини) оширишга кўмаклашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги ўқув ахбортларининг уйғунлашуви, интерфаоллик, мослашувчанлик сифатларига кўра on-line маъруза фойдали ва маҳсулдор таълим технологияси ҳисобланади. Интерфаолликнинг таъминланиши ахборотларни тақдим этишнинг бошқа воситалари билан таққослаганда on-line маъруза муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади.

On-line маъруза таълим олувчининг эҳтиёжларига мос равища тегишли ахборотларни тақдим этишни назарда тутади. On-line маъруза маълум бир даражада ахборотларни тақдим этишни бошқариш имконини беради: таълим олувчилар дастурда белгиланган созловларни индивидуал тарзда ўзгартириши, натижаларини ўрганиши, фойдаланувчининг муайян хоҳиши ҳақидаги дастур сўровига жавоб бериши, материалларни тақдим этиш тезлигини ҳамда такрорлашлар сонини белгилаши мумкин. Лекин on-line маърузадан фойдаланишда бир қатор жиҳатларни эътиборга олиш муҳим. On-line маъруза да тақдим этилаётган ўқув материаллари тушуниш учун қулай бўлиши, замонавий ахборотлар ва қулай воситалар орқали тақдим этилиши талаб қилинади. On-line маърузанинг барча имкониятларини тўлиқ очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш учун таълим олувчиларга салоҳиятли (компетентли) ўқитувчининг кўмаги зарур бўлади. Дарсликлардан фойдаланилган сингари, мультимедиа воситаларини қўллашда ҳам таълим стратегияси таълим жараёнида ўқитувчи нафақат ахборотларни тақдим этиш, балки таълим олувчиларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва жараённи бошқариб бориш билан шуғуллангандагина мазмунан бойитилиши мумкин. Одатда, чиройли тасвирлар ёки анимациялар билан бойитилган тақдимотлар оддий кўринишдаги матнларга қараганда анча жозибали чиқади ва улар тақдим этилаётган материалларни тўлдирган ҳолда зарурий эмоционал даражани таъминлаб туриши мумкин.

Мультимедиа воситалари ҳар хил таълим йўналишлари (стиллари) уйғунлигига қўлланилиши ва таълим олиш ҳамда билимларни қабул қилишнинг турли руҳий ва ёшга доир хусусиятларига эга бўлган шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин: айрим таълим олувчилар бевосита ўқиш орқали, баъзилари эса эшитиб идрок этиш, бошқалари эса (видеофильмларни) кўриш орқали таълим олишни ва билимларни ўзлаштиришни хуш кўрадилар. Интерфаол мультимедиа технологиялари академик эҳтиёжга эга бўлган таълим олувчига ноанъанавий қулайлик туғдиради. Хусусан, эшитиш сезгисида дефекти бор таълим олувчиларда

фонологик малакалар ва ўқиши малакалари ўсишига, шунингдек, уларнинг ахборотларни визуал ўзлаштиришларини таъминлайди. Нутқи ва жисмоний имконияти чекланганларда эса воситалардан уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб фойдаланишга имкон беради.

Таълим тизимида мактаб, олий ўқув юртидан тортиб регионал ва пойтахт даражасида телекоммуникациялар марказлари яратилиши кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан, маконда тақсимланган таълим тизимининг асоси сифатида Internet глобал тармоғида таълим серверини яратиш технологиясининг ўзини ва илмий-методологик асосларни ишлаб чиқиши айниқса долзарб бўлиб бормоқда. Ўқув юртининг ихтисослаштирилган таълим Web-серверида ва алоҳида бўлинмаларнинг серверларида турли хил ўқув-методик, намойиш қилинадиган ва обзорли материаллар тақдим этилади.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида гапириб беринг.
2. Коммуникация деганда нима тушунилади?
3. Масофавий таълим имкониятлари қандай йўлга қўйилган.
4. Масофавий таълим қандай тамойиллар асосида ташкил этилади?
5. Слайд-тақдимотлар қандай яратилади?
6. Ахборот технологияларини ривожлантириш воситаларига нималар киради?
7. Тақдимотларнинг таъсирчанлиги ва ифодалилиги қандай намоён бўлади?

!

### МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.

2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари / Монография. – Т.: Фан, 2007.
3. Красильникова В.А. Концепция компьютерной технологии обучения. – Оренбург: ОГУ, 2008. – 42 с.
4. Сайфуров Д. Масофадан ўқитиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №6. – 16-20-б.
5. “Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа / Тузувчи: .Т.Шоймардонов. – Т.: БИММ, 2015.

## **9-МАВЗУ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

### **Режа:**

1. Педагогик технологияларнинг назарий асослари.
2. Махсус фанларни ўқитишка фойдаланиладиган педагогик технология турлари: шахсга йўналтирилган таълим технологиялари: ҳамкорлик педагогикаси, муаммоли, интерфаол, ўйинли, табақалаштирилган, ривожлантирувчи таълим технологиялари.
3. Махсус фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси.

**Таянч тушунчалар:**

Педагогик технология, билиш,

билиш жараёни, мотив, қизиқиш, эҳтиёж, ҳамкорлик педагогикаси, дарс, шахсга йўналтирилган ёндашув, касбий фаолият, касбий шаклланиш, педагогик мутахассислик, касбий ижтимоийлашув, педагогик меҳнат, қонун, тамойил.

**Педагогик  
технологияларнинг  
назарий асослари.**

Ўқув фаолияти ҳар доим ўзида уч: ҳиссий-йўналтирилган, жараёнли, назорат-баҳоловчи бўғинни қамраб

олади. Шунга мувофиқ, ўқув фаолиятида қуидаги асосий таркибий қисмлар аникланади: мотивлар ва ўқув вазифалари, ўқув ҳаракатлари, талабаларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва баҳолаш. Тўлиқ маънода ўқув фаолияти ҳар доим ушбу барча таркибий қисмларнинг бирлиги ва ўзаро бир-бирига ўтишидир. В.В.Давидов, И.Ломпшер, А.К.Маркованинг таъкидлашича, ўқув фаолияти бу фақатгина билим, кўникма ва малакаларни эгаллашгина эмас. Фаол ўқув фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, у талаба шахси, унинг онги, унинг ақлий ва ахлоқий ривожланишида муҳим ўзгаришларга олиб келади, ёш билан боғлиқ янги психологик ўзгаришлар содир бўлади<sup>1</sup>.

Педагогик технология – бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даражса.* Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даражса.* Ушбу даражада ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар груҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даражса (микро).* Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, маҳсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласи.

Педагогик технология тушунчасига турлича таърифлар берилган. Яъни олимлар ўзларининг илмий-тадқиқотларидан келиб чиқиб, таъриф берганлар.

---

<sup>1</sup> Davidov V.V. Teoriya razvivayushego obucheniya. – M.: Intor, 1996; Korotkova M.V. Metodika provedeniya igr i disskussiy na urokakh istorii. – M.: VLADOS-PRESS, 2001.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагогидидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўгитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Бесспалько).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепель).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.»(В.М.Манахов).

«Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради»(М.В.Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади». (Г.К. Селевко).

Умумэътироф этилган таъриф ЮНЭСКО халқаро ташкилоти томонидан берилган:

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги

ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

Маълумки, ўқув жараёни модели ўзида уч таркибий қисмни акс эттиради: ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг жадал ўзаро фаолияти. Ўқитувчининг талабалар билан ўзаро ҳаракатини конструктив педагогика нуқтаи назаридан қатор белгиларига кўра тасниф этиш мумкин: йўналганлигига кўра (қайта алоқалар билан ёки қайта алоқаларсиз); ахборот жараёнининг турига кўра (ўзаро ҳаракатни ташкил этишда ахборот жараёнининг йўналганлик даражаси); бошқариш ва ахборотларни узатиш воситалари турига кўра. И.В.Трайнев мазкур уч белги асосида ўзаро ҳаракатнинг саккиз тизимини аниқлаган. Ўқув жараёнига қуйилаётган замонавий талаблар ўзаро ҳаракатлар тизимидан монотизим сифатида эмас, аралаш (комбинацион) қисмлар сифатида фойдаланишни талаб этади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари талабаларнинг билиш фаоллигини бошқаришда мазкур жараён субъектига мақсадга қаратилган таъсир кўрсатиши амалга ошадиган педагогнинг ташкилий-бошқарувли фаолияти муҳим аҳамиятга эга. У ўзида ўқув жараёнининг тўртта асосий ташкил этиш шаклини қамраб олади: индивидуал, ривожланиб борувчи жуфтликларга ажратиш, оммавий-гурухли, индивидуал (мустақил иш).

Талабаларнинг билиш фаоллигини бошқаришдаги ўқитувчининг маҳорати ҳақида гап кетганда, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида турли даражадаги фаоллик намоён этишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ана шу сабабли, талабаларга билимларни суст равишда қабул қиласди каби нуқтаи назардан қараш тўғри бўлмайди. Мазкур фикримизни Е.В.Коротаеванинг билиш фаоллигига ўзига хос ёндашуви тўла тасдиқлайди. У билиш фаолиятига қуйидагича ёндашиш зарурлигини кўрсатиб ўтади: ўқув фаолиятининг инкор этилмаган тавсифи асосида унга муносабат ўзгарадиган

<sup>1</sup> Алексеева М.Й. Развитие познавательной деятельности старшеклассников в процессе обучения истории на основе индивидуально-диагностической модели: Дисс. ...кан.пед.наук. -М., 2004./<http://дисс..rsl.ru>.

билишнинг қуи даражаси; қуидан мўътадиллашган босқичга ўтиш сифатидаги вазиятли фаолият; ўқув жараёнида ижро этувчилик фаолияти; талабанинг субъектив нуқтаи назарини максимал даражада очишга имкон берувчи ижодийлик<sup>1</sup>.

Ўқитувчининг талабаларнинг билиш фаоллигини бошқаришдаги маҳорати қўплаб омилларга боғлик. Талабаларнинг билишга қизиқишиларини шакллантиришнинг асосий қоидаларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- 1) дарсда талабалар янги ахборотларни мустақил излаб топиш ва янги билимларни “кашф этиш”га ҳамда муаммоли тавсифдаги масалаларни ҳал этишга жалб этилса, фаол ҳаракат қиласи;
- 2) қачонки ўқув фаолияти хилма-хил тавсифга эга бўлса, талаба учун қизиқарли бўлади;
- 3) талабалар мазкур фанни ўрганишнинг зарурлиги ва муҳимлигини тушуниб этишлари зарур;
- 4) янги материалнинг мувафақиятли ўзлаштирилиши аввал эгалланган билимларга кўп жиҳатдан боғлиқдир;
- 5) ўқув иши материалининг ниҳоятда осон бўлиши талабаларда билишга қизиқиши ҳосил қилмайди, таълим талабанинг ақл кучини чархлаши лозим;
- 6) талабаларнинг ишларини мунтазам назорат қилиш ва баҳолаб бориш зарур;
- 7) ўқув материалларининг эмоционал йўналганлиги;
- 8) ўқитиши методларининг хилма-хиллиги, ўқишига қизиқишини ва ўқув ишига бурч ва мсъулиятни рағбатловчи методларни қўллаш;
- 9) ижодий тавсифга эга, муаммоли топшириқлардан фойдаланиши;
- 10) дарсда мустақил ишнинг самарали ташкил этилиши;

---

<sup>1</sup> Коротаева Й.В. Обучающие технологии в познавательной деятельности школьников. -М.: Сентябрь, 2003. – С.46-47.

11) дарс жараёнида қайта алоқанинг интенсив бўлиши.

***Махсус фанларни ўқитишида  
фойдаланиладиган педагогик  
технология турлари: шахсга  
йўналтирилган таълим  
технологиялари: ҳамкорлик  
педагогикаси, муаммоли,  
интерфаол, ўйин,  
табақалаштирилган,  
ривожлантирувчи таълим***

Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги тезкор давр таълим оловчилар, шу жумладан

ўқувчиларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан куроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

***Шахсга йўналтирилган таълим*** – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий, танқидий ёндашишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши, талабаларни ривожлантириш, қобилияtlарини янада ўстиришга хизмат қиласи.

“Ўқитувчи-талаба” муносабатларидаги ҳамкорлик, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларининг биргаликдаги таҳлили, маънавий дунёда бир-бирига самимиyлик, ўзаро бир-бирини мустаҳкам тушуниш, катталар ва

болаларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолияти ғояси. Аньнавий таълим педагогик жараёнда ўқитувчининг субъект сифатида, талабани эса объект сифатида иштирокига асосланган. Бу қоида ўкувчи ўз ўкув фаолиятининг субъекти ҳақидаги тасаввур билан алмашинади. “Талабаталаба” муносабатлари ҳамкорликнинг турли шакллари(ҳамкорлик, бирга қатнашиш, бирга қайғуриш, бирга ижод қилиш, биргаликда бошқариш)да қабул қилинган умумий жамоа ҳаётий фаолиятида амалга ошади.

Ҳамкорлик педагогикасининг тўртта асосий йўналиши мавжуд:

- шахсий-инсонпарвар ёндашув;
- дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф-мухитни педагогизациялаш<sup>1</sup>.

Ҳамкорликдаги самарали фаолият вазиятини ташкил этишга қўйиладиган талаблар:

1. Ўқишининг бошидан қатнашчиларни ижодий самарали фаолиятга қўшиш;
2. Оралиқ вазифалар тизимини талабалар ва ўқитувчиларнинг биргаликда режалаштириши;
3. Ўқув фаолиятида ҳамкорлик, мазкур фаолиятга ўзининг хиссасини қўшишини аниқлашга йўналтириш;
4. Ўқитишнинг бориши қонуниятлари: фаолиятга кириш, харакат, имитацион харакатлар, харакатни қўллаш, ўзи тартибга келадиган ва ўзи харакатланадиган харакатлар.

Ҳамкорликдаги самарали фаолият концепцияси табиий холда “ҳамкорлик педагогикаси” ичига киради ва қўйидаги ғояларга асосланади:

- 1) қийин мақсад ғояси;
- 2) таянч ғояси (асосий тушунчалар, сигналлар);

---

<sup>1</sup> Селевко Г.К., Тихомирова Н.К. Педагогика сотрудничества и перестройка школы. –Ярославль.: 1991. – С.67.

- 3) эркин танлаш ғояси (кўп масалаларнининг ичидан);
- 4) катта блоклар ғояси;
- 5) диалогли фикрлаш ғояси.

Ҳамкорликда ўқитишининг асосий ғояси ўқув топшириқларни нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқишини ўрганишdir. Ҳамкорликда ўқитиши ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффакияти гурух муваффакиятига олиб келишини англаған ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалиини пухта ўзлаштиришига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлади.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиш мақсадида қуидагиларни:

- қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур дарсларни тақвим-режада белгилаши;
- ушбу мавзу бўйича талabalарга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;
- ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўтиладиган дарс тури, дарс структураси ва боришини лойиҳалаши;
- ўтган ва янги мавзулар юзасидан талabalар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

Мазкур методлардан фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, талabalар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларни тўғри бажаришлари баробарида гурух аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг

вужудга келиши, улар ўртасидаги муроқотда муроқот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Муаммоли таълим такомиллашган ўқитиш технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиш технологияси муаммоли таълимдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришdir. Муаммоли таълим ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

**Муаммоли таълим** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим. Бу турдаги таълимнинг ilk ғоялари америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи (1859-1952 йй.) томонидан асосланган. У 1894 йилда Чикагода ўқитиш ўкув режаси бўйича эмас, балки ўйин ва меҳнат асосида олиб бориладиган тажриба мактабини ташкил этган.

**Муаммоли таълим технологиялари** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласиган таълим технологиялари. Муаммоли таълим технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Ушбу технологияларнинг асосий ғояси – шахсни фикрлашга, муаммо мөхиятини тушуниш, муаммоли вазиятни ҳал қилишга ундаш, унда муаммони ҳис қила (кўра) олиш, ечимни топиш йўлида тадқиқот олиб бориш ва муаммони ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш саналади.

Муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилишга доир ўкув топшириқларини ишлаб чиқишида “Кейс-стади” технологияси бугунги кунда кенг қўлланилмоқда. Ушбу технология бугунги кунда етакчи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида кенг оммалашган ўкув технологияси саналади.

**“Кейс-стади” технологияси** (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аник, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантиларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласиган технология.

“Кейс-стади” ёрдамида талабалар қуидаги кўникма, малакаларга эга бўлади:

1. *Таҳлилий кўникмалар* (маълумотларни ахборотлардан ажратса олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш; бунинг учун шахс аник, мантиқий фикрлай олиши керак).

2. *Амалий кўникмалар* (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни кўллай билиш).

3. *Ижодий кўникмалар* (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндошув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилишиталаб этилади).

4. *Мулоқот кўникмалари* (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига талаба фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи кейслар;

-муаммонинг ечими ва қарорларни таҳлил қилишга йўналтирилган кейслар;  
- қарор ёки яхлит муаммони ифодаловчи кейслар бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур).

5. *Ижтимоий кўникмалар* (қарорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-харакатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсада ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим).

6. Ўз-ўзини таҳлил (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим).

Интерфаол таълим ўқитиши жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар грухсида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар грухи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълим технологиялари моҳиятига кўра сухбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади. Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш жараёнида талабалар куйидаги имкониятларга эга бўлади:

Ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан кўйиладиган талабларга бўйсуниш хоҳишигаэгаликлари

- индивидуал;
- жуфтлик;
- гурӯҳ;
- жамоа билан ишлаш
- гурӯҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гурӯҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. *Интерфаол методлар*: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Суҳбат” ва б.

2. *Стратегиялар*: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва х.к.

3. *График органайзерлар*: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Таълимнинг асосий масалалардан бири ўқитиш жараёнида шахсни ривожланиш муаммоси саналади.

Замонавий педагогикада *ўйинлар* таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш мақсадида қўйидаги тарзда қўлланилади:

Ўйиннинг моҳияти ва тузилиши маълум кўникма, малака, қобилият ва сифатларнинг ҳар бир иштирокчида бутун ўйин давомида шаклланишини таъминлайди. Таълим жараёнда ўйин технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи педагогик вазифаларини сценарийда аниқ ифодалай олиши зарур.

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ўзининг ҳаётда ўрнини белгилаш,

–тушунча, мавзуу ва алоҳида бўлим моҳиятини ўзлаштиришда алоҳида технология сифатида;

–педагогик технологияларнинг элементи сифатида;

–ўқув машғулоти шакли ёки унинг бир қисми сифатида;

–синф (аудитория)дан ташқари ишлардан бири бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишан иборат асосий эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади. Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишига йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ҳамда ўйин жараёнида шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Ўқув фаолиятининг асосий мотиви – бу ўқув-билиш мотиви бўлса, ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса талабада ўзи танланган ва асосларини ўзлаштираётган касбга бўлган қизиқиши саналади. Талаба ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий жиҳатдан қониқа олиши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўйинли технологиялари, шунингдек, талабаларнинг ижодий қобилияти ва креатив тафаккурини ўстиради.

**Ривожлантирувчи таълим** шахснинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилади, уларни рафбатлантиради ва тезлаштиради. Ушбу таълим технологияларини қўллашда ўқувчи (талаба) фаолиятнинг барча босқичларида тўлақонли субъект саналади. Таълимнинг ҳар бир босқичи шахснинг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Ривожлантирувчи таълимни мақсадга мувофиқ қўллаш орқали талабада мустақиллик, шахс сифатида ривожланиши учун жавобгарлик, сабр-тоқат, қатъиятлилик, тартиблилик, босиқлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, мустақиллик, ирода каби сифатлар шакллантирилади. Натижада у ўз мақсадини амалга оширишда меҳнатсевар, интизомли, фаол ва маҳоратли эканлигини намоён қила олади. Ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилишга ижобий ёндашса, ўз-ўзини баҳолашга нисбатан талабчан, қатъиятли бўлади.

Ривожлантирувчи таълимда кўпроқ тренинглардан фойдаланилади. Тренинглар таълим олувчиларда муайян билимларни пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда самарали қўллай олиш кўникма, малакаларини шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда тақдимотлардан ҳам самарали фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Тақдимотлар ҳам таълим олувчиларда ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

Кейинги ярим аср давомида етакчи хорижий мамлакатлар таълим тизимида табақалаштирилган таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

**Табақалаштирилган таълим** – таълим олувчиларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, ДТС ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтириладиган таълим. Узлуксиз таълим тизимида табақалаштирилган таълимдан фойдаланиш ўқувчи, талабаларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини

аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади. Табақалаштирилган таълим ўқув жараёнини махсуслаштиришни назарда тутади.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ривожлантирувчи ва табақалаштирилган таълим кабилар ҳам ўз ўрнига эга. Улар шахснинг қобилиятларини ривожлантириш, ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Ривожлантирувчи ва табақалаштирилган таълим жараёнида турли технологиялардан кенг фойдаланилади. Технологияларнинг мақсадга мувофиқ, ўринли ва самарали танлай олиш ривожлантирувчи ҳамда табақалаштирилган таълимнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди.

### ***Махсус фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиши методикаси***

Махсус фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш аҳамияти қун сайин ортиб бормоқда. Зеро муайян соҳа бўйича тайёрланаётган мутахассис айнан педагогик технология ва интерфаол методлар асосида соҳага оид билимларни ўзлаштиrsa, у бўлғуси касбий фаолиятида ҳам қийинчиликларсиз ишлаб кета олади. Хусусан, дин психологияси туркум фанларини ўқитишига технологик ёндашув масаласига тўхталсак.

Дин психологияси фанининг ҳозирги босқичида диний эътиқодлар ва диний бағрикенгликнинг шаклланиши, ривожланиш ва намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш долзарб масалалардан бўлиб, улар қўйидаги йўналишларда олиб борилиши зарур:

Биринчидан, дин психологиясининг умумназарий масалаларини ўрганиш бўлиб, у диний таълимотлар, диний эътиқоднинг мазмун -моҳияти, хусусиятлари, диннинг шахс ва жамият маънавий ҳаётидаги социл-психологик вазифаларини қамраб оладиган йўналишда;

Иккинчидан, дифференциал ёндашув бўлиб, диний эътиқод ва диндорлар руҳияти маълум ижтимоий муҳит ва тарихий даврларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилади. Кўпинча буни ҳисобга олмаслик натижасида, турли гуруҳлар ўртасида баҳсли ҳолат ва низолар вужудга келиб қолади. Маълумки, табиий оғатлар, қирғин - барот урушлар, ижтимоий нотинчлик, иқтисодий таназзулар даврида диний ҳиссиётлар ва эътиқодлар нисбатан кучайиб кетади;

Учинчидан, диний маросимлар психологияси бўлиб, диний маросим ва амаллар, урф-одат ва удумларни бажаришнинг инсон руҳияти ва эътиқодига таъсири ўрганилади;

Тўртинчидан, кейинги йиллари халқаро муаммога айланиб бораётган экстремал вазият ва ҳулқ-автор социал психологик механизмларини тадқиқ этиш. Терроризм ва экстремизм, фундаментализм ва радикализм, фанатизм ва жангарилик каби иллатларнинг олдини олиш ва зааралантириш каби масалаларни ҳал этиш;

Бешинчидан, диний эътиқод шаклланиш босқичлари ва эътиқоднинг ўзгариши, диний секуляризм масалалари;

Олтинчидан, ислом оламид машхур бўлган, Ғарбда “Рух илми” сифатида тадқиқ этилган тасаввуф илмининг буюк уламолари ҳаёти ва фаолияти, хусусан, юртимиздан етишиб чиқсан ва ўз тариқатларини яратган Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби салафларимиз бой меросига мурожаат қилиш. Улар битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари тадқиқот обьектига айланиши, улар бўйича чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, замонавий психология фани доирасида изохлаш ва талқин этишга ҳаракат қилиш зарур;

Еттинчидан, ижтимоий ҳодиса сифатида диннинг коммуникатив, регулятив, интерактив, психотерапевтик ва гносеологик функцияларининг психологик механизмларини ўрганиш.

Дин психологиясининг асосий усуллари ижтимоий психологиядан қабул қилиб олинган. Уларга асосан бошлашғич ахборотларни түплаш методи шундай усуллардан бири ҳисобланади. Диндорларнинг турли гурухлари психологияси ҳақида түғри, репрезентив ахборотни түплашда сұров усули кенг қўлланилади. Шахсий ҳужжатларни ўрганиш усули статистик ахборотларни қайта ишлашга имкон бермайди. Лекин бевосита манба сифатида, диндор психологияси бутун мураккаблиги ва қарама – қаршилигига тавсиф беришда катта қимматга эгадир.

Махсус фанларни ўқитишда шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик, интерфаол, муаммоли, ривожлантирувчи ҳамда табақалаштирилган таълим технологияларнинг барчасидан унумли ва самарали фойдаланиш мумкин. Бу педагогнинг маҳоратига, унинг креатив қобилиятига боғлиқ.

Шунингдек, интерфаол стратегиялар, график органайзерлар, яъни кластер, идрок харитаси, Венн диаграммаси, балиқ скелети, ББ жадвали, тоифалаш жадвали, Т-чизма, инсерт техникаси кабилардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Махсус фанларни ўқитишда календар режадаги мавзуга қараб юкорида келтириб ўтилган методларни оқилона танлаб олиш таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришиш ва натижани қўлга киритишни кафолатлайди. Бунинг учун ўқув фанини ўқитиш технологиясини аввалдан түғри ва аниқ лойиҳалаштириш талаб этилади. Куйида “Дин психологияси” фанининг ўқитиш технологияси намуна сифатида эътиборингизга ҳавола этилади.

**“Дин психологиясининг обьекти, предмети ва вазифалари”** мавзуси бўйича дарснинг технологик харитаси ва методикаси.

**Фан:** Дин психологияси. **Аудитория:** «Дин социопсихологияси» таълим йўналишининг 3-босқич талабалари

**Мавзу:** Дин психологиясининг обьекти, предмети ва вазифалари

**Калит сўзлар:** дин психологияси, назария, эътиқод, йўналиш, мақсад, қарашлар мажмуи, таълимот, шаклланиш жараёнлари

**Соатлар миқдори:** 2 соат

**Маъруза матнини ишлаб чиқувчи:** п.ф.д., профессор А.Абдуллаев

**Маъруза матнини ишланган санаси:** 25.09.2019

**Иш жойи:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Дин психологияси ва педагогика» кафедраси

**Мавзунинг қисқача тавсифи:** Дин психологияси диннинг психологик жиҳатини, шахснинг диний тажрибасини ва бу тажрибанинг турли кўринишларини баён қилишга ҳаракат қиласди. Шу сабабли дин психологияси диний тажрибадан бошлаган ҳолда инсон турларини атрофлича ўрганиб, ўзига хос типологияларни очади. Кишининг диний ҳис, тушунча ва яшаш тарзи дин психологиясининг асосий ўрганадиган мавзусидир. У шахсда диний туйғу ва ҳиссиётнинг қандай қилиб келиб чиққанлиги ва шаклланишини, руҳий кескинлик ва шубҳаларни тадқиқ қиласди. Дин психологиясининг шаклланиши антик даврга мансуб бўлсада, XIX асрнинг иккинчи ярмида мустақил фан сифатида шаклланди.

**Ўқув жараёнини амалга ошириши технологияси**

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, слайдлар асосидаги кичик маъруза, кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимот, «Дин психологияси, соғлом диний эътиқод тушунчалари таҳлили» услуби.

**Шакл:** савол-жавоб, индивидуал ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа билан катта гуруҳда ишлаш.

**Воситалар (техник ва дидактик):** марқатма материал, 4 та ватман когоз, маъруза асосида тайёрланган презентация слайдлари, маркерлар, скоч, доска, компьютер, проектор.

**Назорат:** Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, савол-жавоб

**Баҳолаш:** Рағбатлантириш, гуруҳлар ишини баҳолаш.

### Маърузанинг мақсад ва вазифалари:

**Мақсадлар:** Дин психологиясининг фан сифатида шаклланиши, уни ўқитишига заруратнинг пайдо бўлиши, фанни ўқитишидан мақсад, вазифалар ҳамда фаннинг обьекти ва предмети ҳақида тушунча ҳосил қилиш, шу асосда билим, кўнишка ва малакаларни ривожлантириш.

**Таълимий:** дин психологияси фани методик жараёнининг илмий-назарий мазмун-моҳиятини қандай тушунасиз?

**Вазифалар:** (мақсадга мос равища вазифаларни талаба учун топширик ёки савол шаклида ифодаланг)

**Таълимий савол:** методик жараённинг илмий-назарий мазмун-моҳиятини қандай тушунасиз?

**Тарбиявий савол:** методик жараёнининг услугубий ва амалий асосларини таҳлил этинг.

**Ривожлантирувчи савол:** дин ва психология ўртасида ўзаро боғлиқликни таҳлил этинг.

<p><b>Тарбиявий:</b> дин психологияси фани методик жараёнининг услугубий ва амалий асослари ҳақида мисоллар келтириш</p> <p><b>Ривоҷлантирувчи:</b> дин, психология, эътиқод, қараш каби тушунчаларни таҳлил қилиш</p>			
<b>Кутилаётган натижалар:</b>			
<p><b>Маъзуза якунида талаба билади (билим):</b> дин психологиясини ўқитиши жараёнининг илмий-назарий мазмун-моҳиятини билиб олади.</p> <p><b>Маъзуза якунида талаба тушунади (кўникма):</b> дин психологиясини ўқитишининг услугубий ва амалий асосларини таҳлил этиш кўникмаларига эга бўлади.</p>	<p><b>Қайси саволлар берилади:</b> дин психологиясини ўқитиши жараёнининг илмий-назарий мазмун-моҳияти нимадан иборат?</p> <p><b>Қайси саволлар берилади:</b> дин психологиясини ўқитиши жараёнининг услугубий ва амалий асосларининг таъсири қанақа бўлган?</p>		
<p><b>Маъзуза якунида талаба бажара олади (малака):</b> дин психологиясини ўқитиши методикаси, ўқитиши назариясини таҳлил этиш малакалари шаклланади</p>	<p><b>Қандай топшириқлар берилади:</b> дин психологиясини ўқитиши методикаси, ўқитиши назарияси масалаларни бугунги кунга мос равишда таҳлил этинг.</p>		
<b>Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</b>			
Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вақт
<b>1-босқич: Ташкилий қисм.</b>	1. Давоматни аниқлаш ва талабаларни 4 та гурӯхга бўлиш	Санаш ёрдамида	2 мин
<b>2-босқич: Рефлексия.</b>	1-мавзуни асосий тушунчаларини эслаш.	Гурӯхлар ичida муҳокама.	5 мин
<b>3-босқич: Янги мавзунинг баёни</b>	1. Гурӯхлар берилган матнни ўрганиб, асосий ўринларини ажратиб оладилар ва гурӯхнинг тақдимотини тайёрлайди.	Кичик гурӯхда ишлаш  Тақдимот	10 мин  15 мин

	2.Гурухларнинг тақдимоти (хар гурухга 3 мин). 3. Ўқитувчининг «Дин психологияси» фани бўйича маълумотлари	Слайд ёрдамидаги кичик маъруза	15 мин
<b>4-босқич: Мустаҳкамлаш</b>	1. Тушунчаларни схема ва жадвалларда ифодалаш. 2. Схема ва жадвалларнинг муҳокамаси	1.Гурух иши 2. Тақдимот	15 мин 10 мин
<b>5-босқич: Баҳолаш. Дарс якуни</b>	1. Гурухлар ишини хulosалари 2. Мавзу бойича савол –жавоб ўтказиш	Гуруҳни баҳолаш	1 мин 6 мин
<b>6-босқич: Уйга вазифа</b>	Тақдимот учун муаммони ишлаб чиқиш	З та гурухга бўлинган ҳолда	1 мин

### **Дарс/маъруза/нинг бориши:**

**1-босқич.** Ўқитувчи дарсни бошланишида талабаларни 1,2 рақамлари ёрдамида санаш орқали гурухларга бўлади.

**2-босқич:** «Дин психологиясининг моҳияти ва мазмуни» мавзусининг асосий тушунчаларини ва калит сўзларини эслаш ва кичик гурухда муҳокама қилиш. Бунда ҳамма гурух эслаган тушунчаларини ва ғояларни қоғозларга ёзади ва гурух ичида муҳокама қиласди.

**3-босқич: 1-иши:** Кичик гурухларда янги мавзуни ўрганиш. Бунда ўқитувчи янги мавзуни олдиндан 4 кичик мавзуга ажратиб чиқади ва ҳар бир гурух битта кичик мавзуни берилган матн асосида ўрганиб чиқиб, ватман коғозида бошқа гурухларга тушунтириб бериш учун тайёргарлик қўради ва гурух ичидан битта тақдимотчи тайёрлайди. Тақдимотчининг вазифаси ўз материалини мантиқан изчилликда, равон нутқ билан барча тушунтиришдан иборат. Гурухларнинг опшириклари қўйидагича:

1-гурух: Дин психологиясига оид тушунчалар. (*матн илова қилинди*)

2-гурух: Дин психологиясига илмий ёндашувлар. (*матн илова қилиади*)

**2-иши:** гурухларнинг чиқишилари.(ҳар бир тақдимотчига 4 мин)

**3-иши:** Ўқитувчининг «Дин психологияси» бўйича маълумотлари. Кичик маъруза слайдлар асосида (*слайд ва маъруза илова қилинди*)

**4-босқич: 1-ии:** Гурухларда битта метод бўйича маълум бир мавзуни танлаб, ишланма тайёрлаш, масалан SWOT-таҳлил методи асосида

**2-ии:** Ишланмаларнинг муҳокамаси.

**5-босқич:** Мавзу бўйича савол-жавоб ўтказиш.

Саволларнинг намуналари:

1. Дин психологияси фанини ўқитишидан мақсад нима?

2. Дин психологиясига олимларнинг ёндашувлари қандай?

**6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа):**

Мавзуни «Венн диаграммаси» услубида баён қилинг.

?

### НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Педагогик технологияларнинг кўлланилиш даражасини айтиб беринг.
2. Қандай педагогик технологиялар турлари бор?
3. Максус фанларни ўқитишида интерфаол методларнинг қайси биридан фойдаланган маъқул?
4. Дин психологияси фанини ўқитиши технологиясини изоҳлаб беринг?

!

### МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. –Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 164 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУҒАТИ**

**Автократлик** – ҳокимлик, кишининг буйруқбозлиқ, кўрсатмалар бериш ва жазолаш каби шаклларда бошқаларга (масалан, ўқитувчининг талабага) нодемократик усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

**Агрессивлик** – душманлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилиш, ноқулайлик туғдириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

**Долзарблаштириш** – шахсдаги мавжуд билим, малака ва кўникумаларни турли ахлоқий шакллар ва ҳиссий ҳолатларни қайта ишлаб чиқиш ва уларни ботиний ҳолатдан зоҳирий ҳаракатларга айлантириш.

**Аксиология** – қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот, аксиологик қадриятлар моҳияти.

**Аксиологик ёндашув** – инсонпарварлик педагогикасига хос бўлган хусусият, бунда инсон ижтимоий қадрият ва жамият ривожланишининг провард мақсади сифатида қаралади. Аксиологик тафаккур ўзаро алоқадаги ҳам ўзаро ҳаракатдаги дунё концепциясига асосланади.

**Амалий тадқиқотлар** – педагогик жараённинг айрим жиҳатларини чуқур ўрганишга қаратилган ишлар, педагогик амалиёт қонунларини очиш.

**Анкеталаштириш** – анкета ёрдамида ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик педагогик ва бошқа тадқиқотлар учун дастлабки материалларни йиғиш жараёни.

**Антрапология** – одамнинг биологик табиатини ҳар томонлама ўрганувчи фан.

**Ассимиляция** – янги шароитда тайёр малака ва кўникумалардан жиддий ўзгаришсиз фойдаланиш

**Аутотренинг** – ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган маҳсус машқлар тўплами. Аутотренингдан шахснинг ўз руҳий ҳолати ва хулқини бошқаришда фойдаланилади.

**Ахборотли малака** – таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин қилиш малакаси.

**Ахлоқ** – шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларидан биридир.

**Баён қилиш** – ўқитувчи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш методи.

**Билиш фаолияти** – идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

**Бошқариш** – ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва якун ясаш.

**Бурч** – муайян ахлоқий мажбуриятларни ҳис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

**Вазифа** – мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

**Вербал** – ифодали, оғзаки.

**Гуманизм** – 1) инсоннинг инсонга бўлган меҳри-муҳаббати, унинг шани, қадрини хурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ғоялари билан сугорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дунёқараш; 2) инсонийлик ва инсонпарварлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

**Давлат таълим стандарти** – узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

**Дидактика** – таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

**Дин** – арабча “эътиқод, ишонч”, илоҳий кучга, худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи.

**Долзарбликни асослаш** – таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиётининг истиқболдаги тараққиёти муаммоларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда ҳал қилиш зарурлигини кўрсатиш.

**Дунёқараш** – шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ҳамда фикр-ўйлар тизими.

**Идрок этиш малакаси** – бошқа субъектнинг хусусиятларини – унинг мулоқоти ва мулоқотга ҳозирлигини аниқлаш учун зарур бўлган касбий – педагогик малака.

**Идеал** – олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гурухларнинг хатти-ҳаракатлари, интилишлари интиҳоси.

**Ижтимоий идрок этиш** – кишилар томонидан ижтимоий объектларнинг идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши.

**Изоҳлаш, тушунтириш** – оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

**Илмий муаммо (масала)** – фан орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.

**Илмий янгилик** – муайян даврга нисбатан маълум бўлмаган ва педагогикага оид адабиётларда қайд қилинмаган назарий, амалий хulosалар, таълим қонуниятлари, унинг тузилмаси, механизмлари мазмуни, тамойиллари ва технологиялари.

**Индивидуаллик** – шахснинг бетакор BOSоциологик хусусиятлари.

**Интеллект** – шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган туғма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар тўплами.

**Ишонтира олиш** – ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан ҳоли, эркин равишда ўзлашишига эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш методи.

**Ишонч ҳосил қилиш** – шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равишда ўзлаштириш воситасида тарбиялаш методи. Тегишли маълумотлар

ва аргументларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ҳамда хуласалари тўғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

**Ички позиция (мавқе)** – шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий қўрсаткичлари тизими.

**Истиқболни белгилаш малакаси** – ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

**Калокагатия** – гўзаллик, олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар уйғуналиги.

**Касбий – педагогик муроҷот** – педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий – психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

**Касбий тайёргарлик** – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

**Касбий билимдонлик** – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

**Кибернетика** – ахборотлар алмашиш, уларни қайта ишлашни бошқариш ҳақидаги фан.

**Когнитив** – билиш жараёни.

**Коллектив** – жамоа, умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гурӯҳ.

**Коммуникация** – кишиларнинг ўзаро муроҷотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

**Коммуникатив қўнимка** – муромала қила олиш, педагогик техника малака ва қўнимка тушунчаси.

**Коммуникатив фаолият** – педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари.

**Конструктив фаолият** – у ўзида конструктив мазмун (ўқув материалларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, педагогик жараённи режалаштириш ва ташкил этиш), конструктив – оператив (ўзининг ва талабанинг хатти-ҳаракатларини режалаштириш), конструктив – материал (педагогик жараённинг ўқув-материал базасини лойиҳалаштириш) ни бирлаштиради.

**Конфликт** – қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, қизгин баҳс.

**Креативлик** – бетакрор қадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилувчи индивиднинг ботиний қобилияти.

**Кузатиши** – бирор педагогик ҳодиса бўйича конкрет фактик материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этишнинг шакли.

**Кўникма** – ўрганиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат. Кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятлариdir.

**Кўрсатма** – эҳтиёжнинг мавжудлиги ва объектив вазият ҳамда уни қондириш билан боғлиқ равишда олдиндан шахсларнинг маълум фаоллигини тайёрлаш, уларни жойлаштириш.

**Малака** – шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида уларнинг янги шароитдаги янгиликлар билан бирга, маълум бир фаолиятни самарали бажариш қобилиятиdir.

**Малака тавсифномаси** – ўқитувчининг назарий ва амалий билимларига қўйиладиган умумий талаблар.

**Мақсад** – фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

**Метод** – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

**Методика** – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

**Методология** – 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан педагогикада қўлланиладиган методлар.

**Мотив** – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

**Мотивация** – шахсни фаол хатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонда киши хулқини физиологик ва психолигик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради, фаолиятнинг йўналиши, фаоллиги, уйғунлиги ҳамда турғунлигини белгилайди.

**Муаммоли ўқитиши** - ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигидаги муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиласидилар.

**Муаммоли вазият** - ўқув вазияти бўлиб, у мешакқат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

**Мулоқотнинг етакчи типи** – ривожланишнинг маълум бир даврида атрофдаги кишилар билан муомалада етакчилик қиласидиган мулоқот типи бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

**Назарий босқич** – тадқиқот обьекти тўғрисидаги амалдаги ва истиқболдаги тасаввурлар ҳамда уларга бўлган талаб ўртасидаги зиддиятни енгиш.

**Назарий таҳлил** – педагогик ҳодисаларнинг алоҳида жиҳатлари, белгилари, хусусиятлари ўзига хослигини аниқлаш ва таҳлил этиш.

**Объект** – инсоннинг, субъектнинг билиш предмети ва фаолияти.

**Одат** – кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб амалга оширадиган онгли фаолияти.

**Педагог** – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

**Педагогика** – ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

**Педагогикада антропологик ёндашув** – одам тўғрисидаги барча фанлар маълумотларидан мунтазам фойдаланиш ва педагогик жараённи ташкил этиш ҳамда амалга оширишда уларни ҳисобга олиш.

**Педагогиканинг назарий вазифаси** – илгор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

**Педагогиканинг технологик вазифаси** – диагностик сатҳ – педагогик ҳодисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи – педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиҳа сатҳи- педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; яратувчилик сатҳи - педагогик фан ютуқларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбиқ этиш; рефлектик тузатма (корректировка) сатҳи - илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

**Педагогик жараён** – таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

**Педагогик жараён тамоийиллари** – педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиб беради.

**Педагогик ихтисослик** – таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўникумалар мажмуидан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури.

**Педагогик ихтисослашиш** – педагогик ихтисослик доирасидаги фаолиятнинг бир тури.

**Педагогик малака** – муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

**Педагогик маҳорат** – педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

**Педагогик мулокот** – таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргалиқдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро

алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-куватлашни ташкил этишнинг қўп қиррали жараёни.

**Педагогик такт** – болалар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, талабалар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

**Педагогик техника** – 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишида самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

**Педагогик технология** – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимиdir; 2) таълим ва тарбия методларининг у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимиdir; 3) педагогнинг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир.

**Педагогик тизим** - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараённи бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

**Педагогик фаолият** – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

**Педагогнинг коммуникатив маданияти** – педагогнинг кишилар билан қисқа муддатда мулоқот ўрната олиши, улар билан мулоқот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

**Педагог нуқтаи назари (позицияси)** – педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва ҳиссий муносабати.

**Педагогик ҳаққонийлик** – ўқитувчиниг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

**Проектив малака** – малаканинг махсус тури бўлиб, кутилган педагогик натижаларни конкрет таълим ва тарбия режаларида акс эттиради.

**Прескрептив** – меъёрий.

**Психология** – 1) шахснинг объектив борлиқни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар тўплами; 3) психика, характер хусусияти, кўнгил хазинаси.

**Рационализация** – методларни ёки бирор иш - ҳаракатни такомиллаштириш.

**Релаксация** – кучли ҳаяжон ва жисмоний зўриқишидан сўнг енгил тортиш, тинчланишнинг умумий ҳолати.

**Ретроспектив** – ўтмишга мурожаат этиш.

**Рефлексив малака** – педагогга нисбатан қўлланадиган назорат - баҳолаш фаолияти.

**Рефлексия** – тақрорлаш, акс этиш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳлил қилиш.

**Ривожланишнинг эҳтимоллик назарияси** – шахс психикаси ривожланишининг ҳар бир даврини тасодифий фактлар йигиндисига кўра белгилашга асосланган назария ва у аввалги ривожланиш давридаги эришилган сатҳга нисбатангина боғлиқ бўлади.

**Рол ижро этиш** – қатнашувчиларнинг якка ва гурух бўлиб турли ролларда (саҳнада) чиқиши, образга кириши.

**Рұхий педагогик тайёргарлик** – педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, шахснинг ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологияларини билиш.

**Суггестия** – уқтириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

**Сұхбат** – кузатув өнгіда етарлы даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот методи.

**Тадқиқот объекти** – зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга муҳтож объект.

**Тадқиқот предмети** – бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.

**Такт** – мисли кўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

**Таълим** – 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, социал эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий қадр, малака, кўникма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим.

**Таълимнинг маданий инсонпарварлик вазифаси** – кишининг ҳаёт тўсиқларини енгишга ёрдам берадиган маънавий кучи, қобилияти, малакалари, табиат ва ижтимоий ҳаётга мослашиш вазиятидаги характеристи, маънавий масъулиятининг шаклланиши, шахсий, касбий такомили ҳамда шахснинг ўзи томонидан амалга оширилишини таъминловчи имкониятлари, шахснинг интеллектуал, ахлоқий эркинликка, шахсий мухторияти шунингдек, баҳтига эришиш учун зарур бўлган воситалар шахснинг индивидуал ижодий тараққий этиши ва маънавий имкониятларининг очилиши учун шароитлар яратиши.

**Таълим турлари** – сократча сұхбат методи, анъанавий таълим, изоҳли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, дифференциацияли, индивидуал таълим ва бошқалар.

**Тарбия** – 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига муңтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини

амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

**Тақлид қилиш** – бирор ҳаракат, қилиқ, аҳд, фикр ва ҳиссиётни такрорлаш, айнан ўзлаштириш.

**Тафакқур** – инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафакқур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

**Темперамент** – 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

**Фаолият** – 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (рухий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

**Фаолиятнинг етакчи тури** – бола ҳаётининг муайян давридаги психик ривожланишини етарли даражада таъминловчи ҳамда кейинги тараққиётига асос бўлувчи фаолиятдир.

**Фундаментал** – асосий фундаментал

**Хайриҳоҳлик** – кишиларга очик кўнгилли бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

**Шахс** – 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидағи кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

**Шахс динамикаси** – кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган ҳолда субъектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

**Шахсий фазилат** – шахс томонидан ўзининг ахлоқий, рухий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

**Эътиқод** – шахс амал қиласиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

**Эвристика** – илмий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизими.

**Эмпирик** – тажрибага асосланган.

**Эмпирик босқич** – тадқиқот обьекти тўғрисида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиш, таълим амалиёти, илмий билимлар савияси ва ҳодисалар моҳиятига эришишга бўлган талаб ўртасидаги зиддият, илмий муаммони номлаш.

**Ўз-ўзини баҳолаш** – шахснинг ўз психологик сифатлари, хулқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, қадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

**Ўз-ўзини тарбиялаш** – 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, рухий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

**Ўқитишиш** - таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

**Ўқитишиш** – 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) талаба ва ўқитувчи, талабанинг бошқа талабалар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-муҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усулларини билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти** – социал ижтимоий педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишидир.

**Ўқитиш вазифаси** – таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

**Ўқув-билиш фаолияти** – инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

**Ўқув фаолияти** – шахснинг янги билим, малака ва қўникмаларни эгаллаш жараёни.

**Қаноат** – маълум мақсадга эришиш йўлида ижобий туйғу билан боғланган шахснинг психологик ҳолати.

**Қизиқиши** – шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналашининг онгли шакли.

**Ғайри ихтиёрийлик** - ташқи ҳолат ёки шахсий қайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

**Ҳалоллик** – шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгўйлик билан сақлаш.

**Яхлитлик** – педагогик жараённинг синтезлашган сифати бўлиб, унинг олий даражадаги тараққиётини, унда фаолият кўрсатаётган субъектлар, объектлар фаолиятини таъминловчи жараёндир.

**Яхлит педагогик жараён** - тарбия жараёнида таълим ва таълим жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (Янги таҳрирда) ги Қонуни. Тошкент: Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил 29 август. /«Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонуни. 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. 2016 йил 14 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Фармони
7. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ривожи – тараққиётга, бунёдкорлик фаровонликка хизмат қиласи. //Халқ сўзи. 2018. 21.07. – Б.1
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -32 бет.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. -Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -488 бет.
11. Абдужаббарова Т. Бошланғич таълим ўқитувчисининг профессиограммаси. //Халқ таълими, 2004. 4-сон. 67-69- бетлар.

12. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1968. – 486 б.
13. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –16 б.
14. Азизхўжаева А. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
15. Алиев А. «Педагогик маданият: метод ва маҳорат қирралари. //Халқ таълими, 1992. 4-сон, 10-12-бетлар.
16. Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 55.
17. Аминова Ф. Мулокот матни яратиш кўникмаларини шакллантириши. Тошкент: Фан, 2006.
18. Аскарова Ў., Қорабоева З. Педагогика фанидан муаммоли маърузалар матни. Тошкент, 2004.
19. Базаров Т.Ю., Ерофеев А.К., Шмелов А.Г. Коллективное определение понятия «компетенции»: попытка извлечения смысловых тенденций из размытого экспернского знания // Вестник Московского университета. – Москва, 2014. № 1. Серия 14. Психология. – С. 87-99
20. Гулямов Л. Невероятное путешествие Арминиуса Вамбери /Uzbekistan Airways. -№ 2. –Ташкент, 2013. – С. 48-52.
21. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
22. Джуринский, А.Н. Сравнительная педагогика: Учебник для магистров / А.Н. Джуринский. - М.: Юрайт, 2013. - 440 с.
23. Жўраев В.К., Сафарова Р.Ф. , Ибрагимов Х.И., Мусаев У.К. Педагогика фани концепцияси. //Халқ таълими, 2004. 5-сон, 8-33-б.

24. Зиёдова Т.У., Холматова У., Жуманиёзова Т. Ўқитувчи китоби. Тошкент, 2002, 136-б. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
25. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
26. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент, 2008. -181 б.
27. Ишмуҳамедов Р. Педагогик маҳоратни шаклланти ришнинг мазмуни ва йўллари. //Халқ таълими, 1998 йил, 1-сон, 50-52 бетлар.
28. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Ўкув қўлланма. -Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
29. Колесникова Л.Ф. Эффективность образования. -Москва: Педагогика, 1991. 269-б.
30. Мавлонова Р., Тўраева О. Педагогика. -Тошкент: Ўқитувчи, 2002.
31. Маллаев О. Янги педагогик технологиялар. -Тошкент: Ўқитувчи, 2000.
32. Маннопов Ж., Холматова А. Касб таълими ўқитувчисининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 444 б. – Б. 209-210.
33. Мухамедов Г.И. Замонавий педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари. Ўкув қўлланма. Жиззах, 2004.
34. Мухиддинов А.Ф. Ўкув жараёнида нутқ фаолияти. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 78-б.
35. Навоий А. Маҳбуб ул-кулуб. Тошкент: Ф.Ғулом, 1983.
36. Нишоналиев У., Турсунов И. Педагогика курси. -Тошкент, 1996.

37. Новиков, А. М. Методология научного исследования / А. М. Новиков, Д. А. Новиков. - М.: Либроком, 2010. – 280
38. Очилов М. Ўқитувчи одоби. Тошкент: Ўқитувчи, 1998. –94 б.
39. Педагогика. /А.Қ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –200 б.
40. Платонов К.К. Занимательная психология. – М.,1986. – 224 с.
41. Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен. Большая книга психологии. Личность. Теория, упражнения, эксперименты. 6-е международное издание /Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен /Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. -704 с.
42. Ражабов М. Педагогика фанининг алломалари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
43. Розиқов О., Оғаев С., Маҳмудова М., Адизов Б. Дидактика. - Тошкент: Фан, 1997. 256-б.
44. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -Москва, 1998.
45. Содиқов Б. Педагогик маҳорат ва психология. 1996.
46. Сорокопуд, Ю. В. Педагогика высшей школы / Ю. В. Сорокопуд. — Ростов н/Д: Феникс, 2011.-541 с.
47. Толипов Ў., Усмонов М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Тошкент: Фан, 2005.
48. Толипов Ў., Усмонбоева М.У. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Фан, 2006.
49. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи. 1996.
50. Фарберман Б. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: Фан, 2001.-146 б.
51. Фарберман Б.Л, Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усувлари. -Тошкент, 2002.

52. Хасанбоева О. ва бошқалар. Педагогика тарихи (ўқув қўлланма). -Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
53. Холиков А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.
54. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
55. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар /Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. –Т.: “Hilol-Nashr”, 2016. – 456 б.
56. Шипилина, Л.А. Методология и методы психолого-педагогических исследований: Учебное пособие для аспирантов и магистрантов по направлению "Педагогика" / Л.А. Шипилина. - М.: Флинта, 2013. - 208 с.
57. Ўзбек педагогикаси онтологияси. И-ИИ т. (тузувчилар К.Хошимов, С.Очил..) -Тошкент: Ўқитувчи, 1995-2000.
58. Қосимова З. Таълим технологиялари. –Т.: Тафаккур қаноти, 2014. -208 б.
59. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
60. Ғозиев Э. Мулоқот психологияси. Тошкент, 1990.
61. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. Тошкент, 1997.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 жилдлар. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: Ҳалқ мероси, 1999. – 224 б.
3. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Учинчи нашр. Нашрга тайёрловчи Муҳаммадёрхонтўра Алихонтўра ўғли Шокиров. Муҳаррир Бахманёр Шокир. Масъул муҳаррир Абдулазиз Мансур. Тошкент: Шарқ, 2004.
4. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

5. Жаҳолатга қарши маърифат. Андижон воқеалари: ҳақиқат ва иғво. Тошкент, 2005.
6. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Биринчи китоб. Тузувчи ва илмий муҳар-рир Қ.Назаров, масъул муҳаррир М.Баратов. Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти, 2004.
7. Жаҳон мамлакатлари. Қисқа маълумотнома. Масъул муҳаррир А.Ҳазратқулов. Тошкент: Шарқ, 2006.
8. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
9. Ислом. Энциклопедия. З. Ҳусниддинов таҳрири остида. Тошкент: ЎзМЕ Давлат илмий нашриёти, 2004.
10. Маънавият юлдузлари. (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиб-лар). Тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир, академик М.М.Хайруллаев. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
11. Туленов Ж., Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
12. Хайруллаев М. Форобий. Тошкент: Ўзбекистон, 1991.
13. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. - Тошкент: Фан, 1994.
14. Юсупов Э., Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. -Тошкент: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2001.
15. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-12 жиллар. -Тошкент: «ЎзМЕ» Давлат илмий нашриёти, 2000-2006.
16. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. -Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2001.



## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4</b>
<b>I-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
Махсус фанлар ва уларнинг ўзига хосликлари.....	9
Махсус фанлар ўқитиши жараёни яхлит тизим сифатида.....	30
Махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари.....	51
Махсус фанларни ўқитиши мазмуни.....	73
<b>II-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ХУСУСИЙ МЕТОДИКАСИ.....</b>	<b>92</b>
Махсус фанларни ўқитиши шакл, метод ва воситалари.....	92
Махсус фанларни ўқитишининг аудиториядан ташқари шакллари.....	120
Махсус фанларни ўқитиши жараёнида талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими.....	140
Махсус фанларни ўқитиши жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	154
Махсус фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	175
Асосий тушунчаларнинг изоҳли лугати.....	196
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	209